**Қудуқларни ишлатиш коэффициенти** – Бирор бир давр (квартал, йил)да қудуқнинг жами ишлаган кунларини шу давр кунларига нисбати.

**Қудуқлар мажмуасидан фойдаланиш коэффициенти** – маълум санада ҳаракатдаги мажмуа қудуқлари сонини ишлатиш мажмуаси қудуқлари сонига нисбати.

**Ишлатиш қудуқлари мажмуаси** – Ишлатиш обьекти (кон, корхона) қудуқлар мажмуасининг асосий қисми, унга ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз мажмуадаги, шунинг билан бирга, ўзлаштиришдаги ёки бурғулашдан кейин ўзлаштиришни кутаётган қудуқлар ҳам киради.

**Қудуқларнинг маҳсулдорлик коэффициенти** – Қудуқнинг маҳсулот бериш имкониятларини тавсифловчи коэффициент – унинг маҳсулдорлигини айнан ўша вактда қатлам ва қудуқ туви орасидаги босимлар фарқига нисбати.

## Реферат мавзулари

1. Neft konlari ishlash bo`yicha loyihani hal qilinayotgan muammolarini optimallashtirish.
2. Neft uyumlari ishlashini loyihalash vaqtida ekologiya va zaminni himoya qilish masalalari.
3. Uyumlarni ishlash jarayonini boshqarishning samaradorligi.
4. Uyumlarni ishlashini loyihalashda ma'lumotlar bilan ta'minlash muammolari.
5. Loyihaviy yechimlarda iqtisodiyot.
6. Neft beraolishlik va unga ta'sir etuvchi omillar
7. Quduqlar to`ri zichligi muammosi.
8. Gazlashgan neftning suv yoki gaz bilan siqib chiqarish xususiyatlari
9. Quduq tubiga ta'sir etishning zamonaviy usullari.
10. Neft beraolishlikni oshirish usullarini qo'llash istiqbollari.
11. Quduqlarni ishlatishdagi asoratlar va ularning oqibati.
12. Quduqlarni debitometriya, rasxodometriya va termometriya usullarida tadqiqotlash.
13. Konlarni ishlatishni modellashtirish.
14. Amaliy ko`rsatkichlarga asosan konni ishlatishni bashoratlash.
15. Yirik neft konlarini ishlatish tajribasini o`rganish.
16. Mahsuldor qatlarni ochish xususiyatlari.
17. Quduqlarning mahsuldorligini belgilovchi omillar.

18. Qatlamni ochish va quduqni o`zlashtirishni baholash.
19. Kislotali ishlov berish texnologiyalari.
20. Issiqlik usullari yordamida ta'sir etish texnologiyasi.

## **Адабиётлар рўйхатлари**

### **Asosiy adabiyotlar.**

1. Крылов А.Н., Белаш П.М., Борисов Ю.П. и др. Проектирование разработки нефтяных месторождений. М. Гостоптехиздат. 1962
2. Справочное руководство по проектированию разработки нефтяных месторождений ( под ред. Гиматуддина Ш.К.) М., Недра, 1983.
3. Донцов К.М. Теоретические основы проектирования разработки нефтяных месторождений. М., Недра, 1965
4. Желтов Ю.П. Разработка нефтяных месторождений. М., Недра, 1986.
5. Желтов Ю.П. Разработка нефтяных месторождений. ( Учеб. для вузов. - 2-е изд., перераб. и доп.) М.: ОАО "Издательство "Недра", 1998. -365с.
7. Лысенко В.Д., Грайфер В.И. Разработка малопродуктивных нефтяных месторождений.-М.: ООО «Недра-Бизнесцентр» 2001. - 562 с.
1. Бердин Т.Г Проектирование разработки нефтяных месторождений системами горизонтальных скважин. -М: ООО «Недра-Бизнесцентр», 2001.-199 с.

### **Qo'shimcha adabiyotlar.**

1. Майдебор В.Н. Разработка нефтяных месторождений с трещиноватыми коллекторами. М., Недра, 1971.
2. Мухарский Э.Л., Лысенко В.Д. Проектирование разработки нефтяных месторождений М., Недра, 1972
3. Орлов В.С. Проектирование и анализ разработки нефтяных месторождений при режимах вытеснения нефти водой.М., Недра. 1973
4. Акрамов Б.Ш. Исследование особенностей разработки залежей с высоковязкими нефтями на примере месторождений Кокайды и Ляль-Минар (Сурхан-Дарья). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата технических наук. Ташкент, 1975.
5. Акрамов Б.Ш., Халиматов И.Х., Садыков А.С., Ибрагимов К.Х., Камилов Р.Э. Изменение температурного режима пласта в процессе разработки. Тезисы доклада второй республиканской научно-технической конференции молодых ученых специалистов по технологии добычи и транспорту газа (6-8сентября), Ташкент, 1977.
6. Z.S.Ibragimov, B.SH.Akramov va b. «Neft va gaz soxalarining ruscha-o`zbekcha atamalar lug`ati» Toshkent. Nur. 1992. 230 b.
7. Akramov B.SH., Mavlonov A.V. Qatlamlarning neft beraolishligini oshirish texnologiyasi va texnikasi o`quv qo`llanma. Toshkent. 2002 y.

## **Таянч конспект**

**Ўқув материаллари  
( маъруза матни, ўқув қўлланмалар)**

## Kirish

Bizga ma'lumki neft va gazga bo'lgan ehtiyoj oshgan sari neft va gaz qazib olish, qayta ishlash rivojlanib bormoqda. Bundan tashqari neft va gaz sohasiga tegishli turli fanlarning ham rivojlanishiga olib kelmoqda. Respublikamiz mutaqillikka erishgach neft va gaz sohasida ham katta o'zgarishlar yuz berib bormoqda. Neft va gazni qayta ishlash zavodlari va kompressor stansiyalari qurib bitkazildi va qurilish ishlari jadallik bilan davom etmoqda. Bu ishlarni hammasi ishlab chiqarayotgan mahsulotimizni jahon andozalari darajasida qayta ishlashga yo'naltirilgandir.

Neft va gazni qayta ishlash korxonalarini va kompressor stansiyalarini uzluksiz ishlashini ta'minlash uchun ularning xom-ashyosini ko'proq qazib olish hozirgi davr dolzarb masalalaridan biridir.

Mamlakatimizda neft va gazni qazib chiqarishni ko'paytirish yangi konlarni ochish va ishga tushirishdangina iborat bo'lib qolmasdan, shuning bilan birga ishlab turgan konlardan ko'proq neft, gaz, kondensat olish yo'llarini qidirishdan iboratdir. Bu vazifa konlarning ishlash tizimlarini tahlil qilish, qatlamlarga ta'sir qilish usullarini takomillashtirishni oqilona yo'llarini izlab topish orqali bajarilmoqda.

2017-2021 yillarda o‘zbekiston respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasida makroiqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash, iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlarini modernizatsiya qilish va diversifikatsiyalash, tarkibiy islohotlarni chiqurlashtirish orqali uning raqobatbardoshliligin oshirish asosiy ustuvor yo‘nalishlar sifatida belgilangan. Energetika sohasini yanada rivojlantirishga qaratilgan chora-tadbirlarga muvofiq, jizzax viloyatida zamonaviy neftni qayta ishlash kompleksi barpo etiladi. Qiymati 2,2 milliard dollar bo‘lgan loyiha yiliga 5 million tonna neft xomashyosini qayta ishlash imkonini beradi.

“murakkab sharoitlarda neft va gaz qazib olish” fani ko‘proq hozirgi kunda respublikamiz konlarida mavjud bo‘lgan muammoli holatlarni o‘rganib, konlarni ishlatish, mavjud muammolar yechimlarini topish hamda qazib olish jarayonlarini rivojlantirishga qaratilgan. Bizga ma’lumki ko‘pgina konlarimiz hozirgi kunda qazib olishning so‘nib borish davrida ishlatilmoqda. Bunda o‘z – o‘zidan ko‘rinib turibdiki konlardagi qatlam bosimining tushib borishiga, ishlatilayotgan quduqlarning navbat bilan fonddan chiqib ketishiga, mavjud ishlatilayotgan texnologik qurilmalarning eskirib borishi qazib olish sur’atiga ma’lum darajada salbiy ta’sir qilib kelmoqda.

Hududimizdagi anomal past bosimli neftgaz konlarni ishlashda ulardagi qatlamdagi gaz uyumining erkin gaz energiyasidan neft quduqlari favvora usulidan samarali foydalanish mumkin. Shuningdek bunday konlarning neftni tayyorlash qurilmasida uncha katta bo‘lmagan rekonstruksiya ishlarini amalga oshirib neft bilan birga chiqayotgan gazni ham qayta ishlashga jo‘natish mumkin.

O‘zbekiston respublikasini kiota protokoli majburiyatlariga rioya qilish, shuningdek qayta tiklanmaydigan tabiiy resurslaridan to‘liq foydalanish maqsadida neft konlarini jihozlashda neftning yo‘ldosh gazlarini utilizatsiyalash imkoniyatlarini ko‘zda tutish lozim.

Anomal past bosimli konlarning neft quduqlarini favvoraviy ishslash davrini uzaytirish imkoniyatlarini izlash, neft bilan birga chiqayotgan va uni

favvoralanishiga yordam berayotgan yo‘ldosh va erkin gazni qayta ishlashga jo‘natish yo‘llarni ko‘rsatib berish, xududdagi neft va gaz konlarini uzoq muddat ishlatishning optimal yo‘llarini izlashni oldiga maqsad qilib qo‘yadi.

Yangi fanni tayyorlashda neft va gaz sohasining ko‘pgina mavjud muammoli holatlari o‘rganib chiqildi va tashkilotlarning istaklari ham hisobga olindi.

## **1. Murakkab geologik sharoitli neft va gaz konlarini ishlash va ishlatish.**

**Reja:**

- 1.1. Neft va gaz uyumlarining energetik tavsifi;**
  - 1.2. Neft va gaz uyumlarining tabiiy tarzlari;**
  - 1.3. Konlarda mahsulot qazib olishda murakkab geologik holatlar.**
- 1.1. Neft va gaz uyumlarining energetik tavsifi.**

Maxsulor qatlamlarning energetik resurslari chekka suvlar, ostki suvlar, gaz shapkasiidagi gazning bosimi, neftda erigan gazlarning eritmadan ajralish vaqtidagi bosimi, qatlamning qayishqoqlik kuchlaridan yuzaga keladi. Bu kuchlar juda kam xollarda mustaqil ta’sir ko‘rsatadi, odatda bir-biri bilan turli kombinatsiyalarda yuzaga keladi. Maxsulor qatlamlarning energetik resurslari haqida unda qatlam bosimini o‘zgarishi bo‘yicha xulosa qilinadi. Bosim qancha yo‘qori bo’lsa qatlamning energetik resurslari shuncha katta bo’ladi va neft va gaz uyumlarini ishlatish shuncha samarali bo’lishi mumkin. Qatlamdagi bosimlar farqi neft va gazni qatlam bo’ylab quduqlarga harakatlantiruvchi kuch hisoblanadi.

Respublikamizdagi va chet ellardagi konlarning boshlang’ich qatlam bosimi kattaliklari shuni ko‘rsatadiki, u chuqurlik oshishi bilan har 10 metrga 0,08-0,12 МПа ga oshadi, o‘rtacha 10 metrga 0,1 МПа ni tashkil etadi. Bu gidrostatik bosimga ya’ni urganilayotgan qatlamdan quduq ustigacha (og’zigacha) balandlikdagi zichligi  $1 \text{ g/sm}^3$  chuchuk suv ustuni bosimiga muvofiq keladi.

Lekin Ozorbayjon, O'rta Osiyo va hamdo'stlik mamlakatlarining boshqa xududlaridagi bir qator konlardagi bosim gidrostatik bosimdan ahamiyatli darajada yuqori. Bu yuqorilik tog' bosimini yuzaga kelishi, tektonik harakatlar natijasida birlamchi qatlam bosimini saqlab qolgan neft va gaz uyumlarining chuqurligini kamayishi, hamda qatlamni quyida yotgan katta bosimli qatlamlar bilan tektonik yoriqlar orqali aloqada bo'lishi bilan bog'liq bo'lishi mumkin. Bundan tashqari gidrostatik bosimdan yuqori qatlam bosimi katta balandlikka ega bo'lgan gaz uyumlarida suv va gazning zichligi orasidagi katta farqning hisobiga kuzatiladi. Tog' bosimi katta chuqurliklarda (3,5-4 km. dan ortiq) juda katta ta'sir qiladi.

Qatlam bosimi kattaligi u gidrostatik bosimdan yuqori bo'lgan hollarda quduqlarni meyorida o'tishni amalga oshirish uchun juda muhim ahamiyatga ega. Burg'ilashning texnologik rejimi ko'p tomonlama qatlam bosimining kattaligiga bog'liq.

Hozirgi vaqtida quduqlarni burg'ilash jarayonida bosim ko'rsatkichlarini bashoratlashning turli usullari ishlab chiqilgan. Bu usullarning ayrimlari kon geofizikasi tadqiqotlariga asoslanib maxsuldar qatlam burg'ilash asbobi bilan ochilgunga qadar qatlam bosimi aniqlanadi. Neft va gaz quduqlarini burg'ilash bo'yicha mutaxassislar shuni bilishi kerakki, tog' bosimi vertikal quduq tanasini kesib o'tadigan yo'nalishda ham yuzaga keladi. Bunday hollarda gorizantalga yaqin bo'lgan yo'nalishda tog' jinslarini siljishiga olib keladigan yonlama tog' bosimini o'rganish lozim. Bunday siqilish murakkab burg'ilash sharoitlariga olib kelishi mumkin.

Kon amaliyotida qatlam bosimining kattaligini aniqlash uchun bosim quduq tubida turli sharoitlarda o'lchanadi. Quyidagilar farqlanadi:

Boshlang'ich qatlam bosimi – maxsuldar qatlamni ahamiyatli miqdorda flyuidlar olingunga qadar birinchi ochgan ishlamayotgan quduq tubida o'lchangan bosim;

joriy dinamik qatlam bosimi – qatlamdan flyuidlar oqimi to'xtatilgandan so'ng ishlamayotgan quduq tubidagi statik bosim;

quduq tubi bosimi – ishlayotgan quduq tubida o'lchangan bosim.

Uyum maydonining turli qismlarida maxsuldar oraliqni ochgan quduqlarda chuqurliklar farqi sababli qatlam bosimi xatto ishga tushirishga qadar turlicha bo'ladi. Shuning uchun zaxiralarni hisoblash, ishlatishni loyihalash va tahlil qilishda, hamda turli gidrodinamik hisoblarda shartli yuzaga nisbatan olingan keltirilgan qatlam bosimidan foydalaniladi. Ko'pincha bunday yuza sifatida SNCh ning boshlang'ich holati qabul qilinadi. Neft quduqlari uchun keltirilgan bosim quyidagi formula bo'yicha hisoblanadi:

$$(h_{SNCh} - h_n) \rho_n$$

$$P_{kel.} = P_n + \dots$$

bu yerda,  $P_n$  – neft qudug’idagi qatlam bosimi, МПа ;

$h_{SNCh}$  – suv neft chegarasi yuzasining mutloq chuqurligi, м;

$h_n$  – quduqda qatlam bosimi o’lchangan nuqtaning mutloq ko’rsatgichi, м;

$\rho_n$  – neftning zichligi,  $\text{kg/m}^3$ .

Alovida quduqlar bo'yicha qatlam bosimi ( $SNChga$  keltirilgan) haqidagi ma'lumotlar qatlam bosimi xaritasini tuzish uchun foydalaniladi. Bu xarita izobar xarita deb yuritiladi. Bu xaritalar bo'yicha butun uyum va uni alovida qismlarining o'rtacha qatlam bosimi kattaligi hisoblanadi. Izobar xaritasining tahlili uyumning yangi quduqlar burg'ilash ko'zda tutilgan qismlarida bosim kattaligini baholash imkoniyatini yaratadi.

### **Qatlam harorati.**

Qatlam haroratini o'rganish qatlam flyuidlarining xossalari aniqlash, neft va gaz zaxiralarini hisoblash, maxsuldar qatlamni ishlatalishni loyihalash va amalga oshirish, uning ish tarzini, qatlam suvlarini dinamikasini o'rganish uchun, yer qobigining issiqlik maydonini tadqiq qilish uchun hamda quduqlarni sementlash va perforatsiya qilish bilan bog'liq bo'lган turli texnik vazifalarni yechish uchun zarur.

Chuqurlik oshib borgan sari yer qobig'ini harorati o'sadi. Shu bilan birga yer sharining turli xududlarida chuqurlashgan sari haroratning o'sishi turlicha. Yer qobig'ining yuqori qatlamlari (10-20 km) uchun harorat o'rtacha har 33 metrga  $1^{\circ}\text{C}$  ga oshadi.

Haroratning o'sishi geosinklinal viloyatlarda platformalarga nisbatan tezroq, yosh platformalarda qarilariga nisbatan tezroq bo'ladi.

Yer qobig'ida chuqurlik oshgan sari haroratning o'zgarishini tavsiflash uchun geotermik pog'ona va geotermik gradient kabi tushunchalardan foydalaniladi.

Geotermik pog'ona deb chuqurlik oshgan sari tog' jinslarining harorati  $1^{\circ}\text{C}$  ga oshadigan masofaga aytildi va quyidagi formula bilan aniqlanadi:

$$G = (H-h) / (T-t)$$

Bu yerda,  $G$  - geotermik pog'ona,  $\text{m}^0\text{C}$ ;  $N$ -harorat o'lchangan joyning chuqurligi, м;  $h$  – doimiy haroratli qatlamning yotish chuqurligi, м;  $T$  -  $N$  chuqurlikdagi harorat,  $^0\text{S}$ ;  $t$  – havoning o'rtacha yillik harorati,  $^0\text{C}$ .

Geotermik gradient deb, har 100 metr chuqurlikda haroratning o'sishiga aytildi va quyidagi formula bilan aniqlanadi.

(T-t) 100

G = \_\_\_\_\_

N-h

Shunga muvofiq geotermik pog'ona va geotermik gradient orasidagi bog'liqlik  $G=100/G$  munosabat bilan ifodalanadi.

Haroratni mustahkamlangan yoki mustahkamlanmagan quduqda o'lhash mumkin. O'lhashdan avval quduq burg'ilash yoki ishlatish natijasida unda buzilgan harorat rejimi tiklanishi uchun 20-25 kun maboynida yopiladi. Lekin ko'pincha harorat quduq to'xtatilgandan so'ng 4-6 soat o'tib o'lchanadi. Burg'ilashda harorat odatda texnik sabablarga ko'ra to'xtatilgan quduqlarda aniqlanadi.

Nasosli qazib chiqarish quduqlarida harorat nasos quduqdan olinib o'lchanadi, bu o'lchovlar faqat ishlatilayotgan qatlam oralig'i uchun ishonchli. Quduqning boshqa oraliqlari bo'yicha ishonchli ma'lumotlar olish uchun gilli eritma bilan to'ldirish va uzoq yoki qisqa muddatga qoldirish zarur (20 kun). Bu maqsad uchun harakatsiz yoki vaqtincha konservatsiyalangan qazib chiqarish quduqlaridan foydalaniladi.

Haroratni o'lhashda gaz hosil bo'lishini va u bilan bog'liq holda tabiiy haroratning pasayishi mumkinligini hisobga olish zarur.

## **1.2. Neft va gaz uyumlarining tabiiy tarzlari;**

Tarz (rejim) deb, neft va gazni qatlam bo'ylab quduqlar tubiga harakatlantiruvchi va tabiiy sharoitlar hamda qatlamga ta'sir ko'rsatish bo'yicha tadbirlar bilan bog'liq bo'lgan qatlam energiyasining ustun turini yuzaga kelish xaraktyeriga aytildi. U yoki bu tarzning xaraktyeri haqida vaqt maboynida neft va gaz debiti, qatlam bosimi, gaz omillarini o'zgarishi, chekka va ostki suvlarning siljishiga qarab xulosa chiqariladi.

Uyumdan flyuidlarni quduqlar tubiga siljishi va siqib chiqarilishi qatlam energiyasining asosiy manbalari bo'lgan tabiiy kuchlar ta'sirida yuzaga keladi. Neft va gaz uyumlarida qatlam energiyasining asosiy manbalari quyidagilar hisoblanadi: 1) ostki va chekka suvlarning siquvi; 2) neft, gaz, suv va jinslarning qayishqoqlik kuchlari; 3) neftda erigan gazning kengayishi; 4) siqilgan gazning bosimi (gaz uyumlari, neftgaz va gazneft uyumlari gaz shapkasi); 5) og'irlik kuchi; 6) neft uyumlarini ishlatish jarayonida qatlamga suv, gaz, havo haydash. Bu kuchlarning yuzaga kelishi tabiiy rezervuarning xarakteri, uyumni shakli va qavati, kollektorlik xossalari, uyumdagi flyuidlarning tarkibi va o'zaro nisbati, qatlam suvlarning ta'minot viloyatidan uzoqligi, uni ishlatish sharoitlari bilan bog'liq.

Ishlatishning har bir bosqichida neft va gaz qatlam energiyasi manbalaridan bittasining, ko'pincha bir nechtasining ta'siri ostida qazib chiqariladi. Har bir

bosqichning davomiyligi qatlam energiyasining zaxiralari, asosiy manba hamda sarflanadigan qatlam energiyasini saqlashga yo'naltirilgan qatlamga ta'sir ko'rsatish tadbirlariga bog'liq. Shuning uchun uyumni ishlatish jarayonida qatlam energiyasi manbalarining yuzaga kelish xarakteriga qarab bir nechta tarzlar navbat bilan yuzaga kelishi mumkin. Uyuming morfalogiyasi, ishlatish jarayonida litologik-fatsial va kollektorlik xossalari o'zgarishiga qarab bir vaqt ni o'zida bir nechta tarz yuzaga kelishi mumkin.

Tarzlarga nom berish uyumni ishlatishni ma'lum bir davrida qatlam energiyasining asosiy manbalarini yuzaga kelish xarakteriga ko'ra qabul qilingan. Shunga muvofiq neft va gaz uyumlarini ishlatishning quyidagi turlari ajratilgan:

Neft uyumlari uchun:

1. suv siquvi (bosimi);
2. qayishqoq - suv siquvi;
3. gaz bosimi (gaz shapkasi tarzi);
4. erigan gaz tarzi;
5. gravitatsion;

Gaz uyumlari uchun:

1. gaz tarzi;
2. gaz-qayishqoq-suv siquvi;
3. gazsuv siquvi;

### **Neft uyumlarining tarzlari.**

**Suv siquvi tarzi.** Suv siquvi tarzida neftni qatlam bo'ylab quduqlar tubiga harakatlantiruvchi asosiy energiya manbaasi chekka (ostki) suvlarning siquvi xisoblanadi. Uyumni ishlatish jarayonida chekka suvlar uyumga kirib boradi va olinayotgan neft o'rnnini to'ldiradi. Shuning o'zi bilan qatlam bosimi ushlab turiladi.

Chekka (ostki) suvlarning siquvini doimiyligi qator geologik va gidrogeologik omillarga bog'liq. Bularga uyumni ta'minot viloyatiga yaqin joylashganligi, uyum va taminot viloyati orasidagi aloqaning yaxshiligi va ularning gipsometrik sathlari orasidagi farqning kattaligi kiradi. Suvneft chegarasidan qazib chiqarish quduqlarini tubiga bosimning tez uzatilishi turli fatsial aralashuvlar bilan murakkablashmagan kollektor qatlamning yuqori o'tkazuvchanligi bilan erishiladi.

Suv siquvi tarzli uyumlarda qatlam bosimining o'zgarishini aniqlovchi asosiy ko'rsatkich neft olish jadalligi (miqdori) xisoblanadi. U uyumdagi boshlang'ich olinadigan zaxiralardan 7-8% gacha yetishi mumkin.

Suv siquvi tarzida ishlayotgan uyumlarda qatlam bosimi boshida biroz pasayadi, so'ogra bir xil kattalikda to'yinish bosimidan yuqori ko'rsatkichda turadi. Shuning uchun gaz omili kichik va vaqt maboynida o'zgarmas bo'ladi.

Chekka suvlarning doimiy siquvi ta'sirida suv neft chegarasi (SNCh) tabora ko'tariladi va qazib chiqarish quduqlari suvlanadi. Ishlatishning yakuniy bosqichida ko'pchilik quduqlar suvlanib to'xtatilganda yillik neft olish kamayadi, qatlam bosimi esa oshadi. (1a rasm).


Suv siquvi tarzi eng samarali hisoblanadi. Neft olish koeffitsienti 0,8 gacha yetadi.

**Qayishqoq - suv siquvi tarzi.** Qayishqoq - suv siquvi tarzida qatlam energiyasining asosiy manbaasi yer qa'rida bosim bilan siqilgan suvlar, neft va tog' jinslarining qayishqoqlik kuchlari xisoblanadi. Qayishqoqlik kuchlari chekka suvlarning kuchsiz siquvi xisobiga yuzaga keladi. Suvning bosimi yillik qazib chiqarish boshlang'ich zaxiralarning 4-5 % ni tashkil etganda qatlam bosimini ushlab turishni ta'minlaydi. Bu tarzda ishlaydigan uyumlar uchun taminot viloyati bilan kuchsiz (yomon) aloqa, undan uzoqda joylashganlik, past o'tkazuvchanlik va kollektor qatlamlarning bir turli emasligi xarakterlidir.

Quduqlar ishga tushirilgandan boshlab quduq tubi atrofida past bosimli zona hosil bo'ladi. Bu zonada neft, aralash suv va tog' jinslari qayishqoqlik kuchlari xisobiga kengaya boshlaydi va bosim hosil qilib quduq tubiga harakatlanishiga imkon yaratadi. Past bosimli zona tobora kengayib boradi va qayishqoqlik kuchlari katta maydon bo'ylab ta'sir ko'rsatadi. Past bosimli zona qatlamning suvli qismiga yetganda qatlamga suv kiradi va suvneft chegarasi ko'tarilib boradi. Suvneft chegarasi bir xilda ko'tarilmasligi quduqlarni muddatidan oldin suv bosishiga olib keladi. Buning natijasida maxsulotning suvlanganlik foizi oshadi.

Qayishqoq suv siquvi tarzida qatlam bosimi avvaliga pasayadi, so'ogra qatlamdan joriy va jami neft olishga bog'liq holda doimiy ravishda to'yinganlik bosimidan yuqori ko'rsatgichda saqlanadi. Shuning uchun ishlatish jarayonida gaz omili o'zgarmaydi. Agar neft olish miqdori oshirilsa, qatlam bosimi pasayadi va u to'yinganlik bosimidan ham pasayganda uyumda erigan gaz tarzi yuzaga keladi. ( 1b rasm).

Qayishqoq suv siquvi tarzida neft olish koeffitsienti 0,4-0,7 ni tashkil etadi.



1 Rasm. Uyumlarni ishlash dinamikasi grafigi ( M.A.Jdanov bo'yicha ).

a – suv siquvi tarzida; b – qayishqoq-suv siquvi tarzida.

Egri chiziqlar:  $Q_n$  – neft qazib chiqarish;  $Q_s$  – suv qazib chiqarish;  $P_{qat}$  – qatlam bosimi;  $P_{to'y}$  – to'yinganlik bosimi;  $G_r$  – gaz omili; A – A – uyumda gravitatsion tarzni yuzaga kelishi.

**Gaz bosimi tarzi.** Gaz shapkali uyumlarda neftni quduqlar tubiga harakatlantiruvchi asosiy energiya manbaasi gaz shapkasidagi gazning bosimi hamda neftda erigan gazning qayishqoqligi hisoblanadi. Bu uyumlarda bundan tashqari chekka va ostki suvlarning ahamiyatli faolligi bo'lishi mumkin.

Gaz bosimi tarzida ishlatishning boshlang'ich bosqichida neft olish ahamiyatsiz kamayadi. Bu ko'p neft olinganda uyumning neftli qismida qatlam bosimini pasayishi, natijada gaz shapkasidagi gazning kengayishi xisobiga bosimning yuzaga kelib neftni gaz bilan porshenli siqib chiqarilishi bilan bog'liq. Bunday xolda uyumda GNCh ni tobora pasayishi kuzatiladi. Vaqt o'tishi bilan gaz shapkasida ham bosim tobora pasaya boshlaydi va neft debitini kamayishiga olib keladi. Shunday qilib gaz bosimi tarzida qatlam bosimining o'zgarishi jami neft olishga bog'liq bo'ladi.

Neft qazib olingen sari qatlam bosimi tobora pasayib boradi va uyumning neftli qismida qatlam bosimining ahamiyatli pasayishiga olib keladi. Bu neftda erigan gazning erkin xolatda ajralishi va uni gaz shapkasida to'planishiga imkon yaratadi. Neftdan gazning ajralishi uning qovushqoqligini oshiradi va neft debitiga hamda neft beruvchanlikka salbiy ta'sir ko'rsatadi. Qatlam bosimining yanada pasayishi gaz omilini o'sishiga olib keladi.

Uyumning neftli qismida qatlam bosimining ahamiyatli pasayishi chekka va ostki suvlarini harakatlanishi va uyumga kirishiga imkon yaratadi. Bu uz navbatida SNCh ni uyumning gumbaz qismiga tomon siljishiga olib keladi. Qatlam bosimini uyumning gazli qismida pasayishi va ko'p miqdorda gaz olish GNCh ni yuqoriga siljishi va neftni quruq kollektorga kirishiga sabab

bo'ladi. U yerdan neftni olish imkonи bo'lmaydi. Tabiiyki bu jarayon neftberuvchanlikni pasayishiga olib keladi. Bunday holatlarda gaz shapkasidan gaz olish maqsadga muvofiq emas.

Gaz bosimi tarzida oxirgi neftberuvchanlik koeffitsienti 0,5-0,7 ni tashkil etadi ( 2a rasm ).


**Erigan gaz tarzi.** Neftni qazib chiqarish quduqlari tubiga harakatlantiruvchi asosiy energiya manbaasi neftda erigan gazning qayishqoqligi xisoblanadi. Bu tarz odatda uyumning neftli qismi bilan kontur orti qismining gidrodinamik aloqasi yaxshi bo'lmanan uyumlarda yuzaga keladi.

Erigan gaz tarzi qatlam bosimi to'yinganlik bosimidan pasayganda kuzatiladi. Uyumda neftda erigan gazlar undan ajralib erkin xoldagi pufakchalarni hosil qiladi. Bu vaqtida ular neftgaz eritmasi ( aralashmasi ) hosil qilib yuqori darajadagi qayishqoqlik beradi, neftni qovushqoqligini pasayishiga imkon yaratadi va aralashmaning harakatlanishini yingillashtiradi. Ishlatishning bu davri qatlam bosimining doimiy ravishda pasayishi, gaz omilining nisbatan doimiyligi va joriy qazib chiqarishni maksimumgacha o'sishi bilan xarakterlanadi.

Gaz pufakchalarining miqdori oshib va neftga nisbatan harakatchanlikka ega bo'lib quduqlar tubiga neftdan avval yitib keladi. Bu davrda gaz omili birdaniga o'sadi va neft uchun fazoviy o'tkazuvchanlik kamayadi. Shu vaqtida neft o'zida erigan gazning asosiy qismini yo'qotib qovushqoq bo'lib qoladi va harakatchanligi kamayadi. Shuning uchun qatlam bosimining pasayib borishiga qaramasdan joriy neft olish minimumgacha kamayadi.

Neftda erigan gazning miqdori chegaralanganligi sababli uning energiyasi pasayadi, neftdan gazning ajralishi to'xtaydi. Gaz omili minimumgacha kamayadi. Erigan gaz tarzida qatlam bosimining pasayishi jami neft va gaz olishga bog'liq. ( 2b Rasm ).

Yuqorida bayon qilinganlar erigan gaz tarzining kam samaraligidan dalolat beradi. Neft olish koeffitsienti sharoitga bog'liq holda 0,1-0,3 oraliqda o'zgaradi.



2 Rasm. Uyumlarni ishslash dinamikasi grafigi ( M.A.Jdanov bo'yicha ).

a – gaz bosimi tarzida; b – erigan gaz tarzida.

Egri chiziqlar:  $Q_n$  – neft qazib chiqarish;  $Q_s$  – suv qazib chiqarish;  $P_{qat}$  – qatlam bosimi;  $P_{to'y}$  – to'yinganlik bosimi;  $G_r$  – gaz omili;  $A - A$  – uyumda gravitatsion tarzni yuzaga kelishi.

**Gravitatsion tarz.** Neftni quduqlar tubiga harakatlantiruvchi asosiy energiya manbaasi og'irlilik kuchi xisoblanadi. Bu tarz odatda neft uyumlarini ishlatalishning yakuniy bosqichida qatlam energiyasining boshqa manbalarini ta'siri tugagandan so'ng yuzaga keladi.

Neft konlarini ishlatalish amaliyotida ikki turdag'i gravitatsion tarz ajratiladi: a) bosimli gravitatsion; b) erkin neft yuzali gravitatsion tarz.

Birinchi turdag'i tarz odatda yuqori o'tkazuvchan, katta burchak ostida yotgan qatlamlar bilan bog'liq uyumlarda kuzatiladi. Neft qazib chiqarish quduqlari tubiga uzining og'irlilik kuchi ta'sirida harakatlanadi. Bunda neftning debiti neft sathi va quduq tubi orasidagi gipsometrik ko'rsatkichning farqiga hamda qatlamning yotish burchagiga bog'liq bo'ladi. Shuning uchun qatlamning tushishi bo'yicha uzoqda joylashgan quduqlar neftning yuqori debiti bilan tavsiflanadi. Bu o'z navbatida neft beruvchanlik koeffitsientining oshishiga imkon yaratadi. Bu turda neftberuvchanlik koeffitsienti 0,3-0,4 ni tashkil etadi.

Ikkinci turdag'i tarz kollektorlik xossalari past, ahamiyatli fatsial o'zgarishlar mavjud va yotish burchagi katta bo'lмаган uyumlarda yuzaga keladi. Bu holatda neftning quduqlardagi sathi qatlamning ustki yuzasidan pastda bo'ladi, ta'minot zonasi uyumning quduq joylashgan maydoni hisoblanadi. Shu sababli neftning erkin yuzasi hosil bo'ladi, uning holati tabiiy qiyalik chizig'i bilan aniqlanadi.

Ta'minot maydoni katta bo'lмаганligi sababli neftberuvchanlik koeffitsienti kichik bo'ladi – 0,1 dan 0,2 gacha.

### **Gaz uyumlarining tarzlari.**

Gaz uyumlarining ish tarzi uyumni geologik sharoitlari hamda ishlatalish jadalligiga bog'liq. Lekin gazning qovushqoqligi neftning qovushqoqligidan 100 barobarga yaqin kichik bo'lганligi sababli gaz uyumida bosimning tarqalishi neft uyumlaridagiga nisbatan ancha tez bo'ladi.

**Gaz tarzi.** Gaz tarzli uyumlarda gaz olish gazning kengayishidan yuzaga keladigan bosim hisobiga amalga oshiriladi. Bu tarz litologik chegara va tektonik ekranlanish natijasida hosil bo'lган butunlay yopiq tutqichlar bilan bog'liq uyumlarda yuzaga keladi.

Gaz tarzi uchun qatlam bosimini pasayishini gaz olishga to'g'ri proportsianalligi xaraktyerlidir. Chunki bunday uyumlar qatlam bosimini ushlab turish uchun tashqi manbalarga ega bo'lmaydi. Bundan odatda

uyumdagি gaz zaxiralarini bosim pasayishi bo'yicha hisoblash uchun foydalilaniladi.

Bu tarzda gaz olish koefftsienti 0,6 dan 0,8 gacha yitadi.

**Qayishqoq – gazsuv siquvi tarzi.** Qayishqoq – gazsuv bosimi tarzida qatlam energiyasining asosiy manbaasi chekka suvlarning kuchsiz siquvi, suv va jinslarning hamda kengayadigan gazning qayishqoqlik kuchlari hisoblanadi.

Gaz uyumida suv va jinslarning qayishqoqlik kuchlari birdaniga yuzaga kelmaydi. Gaz uyumini ishlatishning boshlang'ich bosqichida gazning kengayish energiyasi xisobiga gaz tarzi o'rnaladi. Uning davomiyligi turli uyumlar uchun turlicha va bosimning 3-30 % ga pasayishi bilan aniqlanadi.

Qatlam suvlari uyumga kirib qatlamning bo'shagan hajmini egallaydi. Bunda gazsuv chegarasi sekin kutarila boshlaydi. Gaz qazib chiqarishni davom etishi va qatlam bosimining pasayishi sababli uyumga suvning harakat tezligi oshadi. Bu ishlatishning yakuniy bosqichida gaz beruvchanlik usishiga imkon yaratadi.

Bu tarzda gaz olish koeffitsienti 0,8-0,9 gacha yetadi.

**Suv siquvi tarzi.** Gaz uyumining suv siquvi tarzida qatlam energiyasining asosiy manbaasi chekka (ostki) suvlarning siquvi hisoblanadi. Gaz uyumlarida suv siquvi tarzini yuzaga kelish sharoiti neft uyumlarida shu tarzni yuzaga kelish sharoiti bilan bir xil. Bu sharoit chekka suvlarning kuchli siquviga imkon yaratadi. Uyum ishga tushirilgandan so'ng olinayotgan gaz o'mini suv to'ldirib boradi. Olingan gaz va qatlamga kirgan suv miqdori bir xil bo'lganda qatlam bosimi pasaymaydi, gaz olish jarayonida gazsuv chegarasining tobora ko'tarilishi kuzatiladi. Bu tarzda maksimal gaz olish koeffitsientiga (1 gacha) erishiladi.

### 1.3. Konlarda mahsulot qazib olishda murakkab geologik holatlar.

Quduqlarni burg'ilash, neft va gaz qazib olish jarayonlarida kon geologik sharoitidan kelib chiqib turli murakkabliklar tug'ilib turadi.

Neft va gaz quduqlarini burg'ilash amaliyotida shu narsa aniqlanganki, qatlamni burg'i bilan ochish texnologiyasiga quyidagilar ta'sir ko'rsatadi: qatlam bosimining kattaligi; maxsuldor qatlamning yotish chuqurligi; kollektorning xarakteri; qatlam to'yingan flyuidning tabiatи; jinslarning harorati va boshqalar. Maxsuldor qatlamning ochish texnologiyasini tanlashda qatlam bosimi muhim rol o'ynaydi.

Qatlam bosimining kattaligiga qarab kollektorlar uch guruhgа bo'linadi:

1. Anomal yuqori qatlam bosimiga (AYB) ega bo'lган  $P_q >> P_{gidr}$ .
2. Gidrostatik bosimiga yaqin bosimli  $P_q \geq P_{gidr}$ .
3. Gidrostatik bosimdan past bosimli  $P_q < P_{gidr}$

Anomal yuqori qatlam bosimli qatlamlar yuqori zichlikka ega bo'lgan burg'ilash eritmasi bilan ochiladi. Bu shu bilan bog'liqki, quduqdagi eritma ustuni ochilayotgan qatlamga undagidan yuqoriroq bosim hosil qilishi lozim.

Ikkinchi guruh kollektorlari gilli eritmalar, tarkibida qattiq fazalar kam bo'lgan eritmalar, neft asosidagi, texnik suv asosidagi, YAM bilan ishlangan eritmalardan foydalanib ochiladi.

Uchinchi guruh kollektorlari NAE, aeratsiyalangan burg'ilash eritmalari, yuvib, havo yoki gaz bilan shamollatib (produvka) ochiladi.

Birinchi va ikkinchi guruh maxsuldar qatlamlarini ochish qatlamga repressiya bilan amalga oshiriladi, ya'ni qatlam bosimidan burg'ilash eritmasining quduq tubidagi bosimi katta bo'ladi. Agar quduqdagi bosim qatlam bosimidan past bo'lsa, neft va gaz quduqqa keladi. Bu boshqarib bo'lmaydigan favvoralanishga olib kelishi mumkin. Repressiya mavjud bo'lganda qatlamga burg'ilash eritmasining filtratlari va qattiq fazaning mayda zarrachalari kiradi, yutilish bo'lganda burg'ilash eritmasi kiradi. Bularning hammasi quduq tubi atrofida qatlamning tabiiy o'tkazuvchanligini pasaytiradi.

Shuning uchun maxsuldar qatlamni ochishning har qanday usulini asosiy vazifasi qatlamning tabiiy ko'rsatkichlarini saqlab qolish hisoblanadi.

Qazib olish jarayonida esa ko'pgina kon va quduqlarda mavjud bo'lgan neft mahsulotlaridagi erigan gazlar to'yinish bosimining tez pasayib ketishi, harorat ta'siri, qatlam o'tkazuvchanligining juda past bo'lishi, yuqori qovushqoqlikka ega neftlarni qazib olishdagi murakkabliklar, mahsulotlarning fizik – kimyoviy xossalaring o'zgarib borishi, katta chuqurlikda yotuvchi konlardagi tog' bosimi va shu kabi ko'pgina qazib olish jarayoniga salbiy ta'sir qiluvchi murakkab sharoitlarni keltirib chiqaradi. Respublikamizdagi bunday konlarimizdan yirik va o'lkan konlardan Ko'kdumaloq neftgazkondensat koni, SHO'rtan gazkondensat konlari va shunga o'xshash o'rtacha kattalikdagi boshqa ko'pgina konlarimizni keltirib o'tishimiz mukin.

## **2. Аномал паст босимли ва аномал юқори босимли нефть ва газ конларини ишлаш ва ишлатиш.**

**Режа:**

- 2.1. Бухоро-Хива нефтгазли худуди аномал паст босимли нефт ва нефтгаз конлари ҳақида қисқача маълумот;**
- 2.2. Шимолий Шуртсан конини ишлашнинг мураккаблиги;**
- 2.3. Аномал юқори қатлам босимининг ҳосил бўлиш сабаблари;**
- 2.4. Қатлам ҳарорати ва тоғ босими ўсишининг уюм босимига таъсири.**

Бухоро-Хива нефтгазли худудидаги Шўртаннефтгаз МЧЖ га қарашли Ғарбий Тошли, Шарқий Тошли, Шимолий Шўртан, Тўрсари, Фармистон, Яккасарой, Илим, Мезон, Сагиртау каби аномал паст босимли нефт ва нефтгаз конлари аномал паст босимли конлар ҳисобланади. Бу конлар Бухоро-Хива нефт-газ ўлкаси бўйлаб жойлашган.

2017 йилда нефт қазиб чиқаришда ишлатилаётган конларда 106 та ишлатиш кудуғидан нефт қазиб олишда фойдаланилди. Ишлатиш кудуқ-ларида олиб борилган

тадқиқот ишлари натижалари асосида қудукларнинг ишлаш ҳолатини назорат қилишда ва технологик тартибини тузишда фойдаланилди.

Күйида нефт қазиб чиқаришда ишлатилаётган конлар тўғрисида тахлилий маълумот келтирилган уларнинг аномаллик даражасини II.1-жадвалда кўришимиз мумкин.

Шунингдек “Шуртanneftgaz” МЧЖга тегишли аномал паст босимли конларни ишлашнинг ҳозирги ҳолати, муаммолари ва уларнинг ечимлари билан танишиб чиқамиз.

### Фарбий Тошли кони

Фарбий Тошли кони 1972 йилда ишга туширилган. Конда геология қидирув ишлари 1969-1972 йилларда олиб борилиб XIII-бўр ва XV-XVa-юра қатламларида нефт борлиги аниқланган. Маҳсулдор қатламнинг узунлиги 4км., эни 1км, баландлиги 51м, маҳсулдор қатлам чуқурлиги 1100 м., бошланғич қатлам босими 112 кг/см<sup>2</sup>. Бошланғич сув- нефт чегараси 1146 м. бўлиб жорий сув-нефт чегараси 1110-1120 метр оралигига тўғри келади. Кондан нефт қазиб чиқариш 1972 йил 1-сонли қудук XIII-қатламдан 1063-1117м. оралигидан газ ва XV-қатлам 1472-1580м. оралигидан бир кеча кундузда 59 м<sup>3</sup> нефт қазиб олиш билан бошланган. Кондаги XV-қатламда НСЧ (ВНК) минус 1102м, XIII-қатламда НСЧ (ВНК) минус 725м абсолют белгида. Коннинг умумий майдони- 280,0 га тенг бўлиб бир қудукнинг жойлашиш сеткаси 4,6 га, ишлатиш қудукларининг жойлашиши бўйича 11,2 га тўғри келади.

Фарбий Тошли конидан 2017 йилда 16,777 минг тонна, кон ишга тушгандан бўён эса 1463,048 минг тонна нефт қазиб олинди. 2017 йилда конда кунлик нефт қазиб олиш миқдори 46 тн. ни ташкил қилди. Кондаги сувланганлик даражаси 83 %. Кондаги ишлатилаётган қудуклар мажмуаси - 42та. Бошланғич қатлам босими -112 кг/см<sup>2</sup> бўлиб 01.01.2017 йил холатида 60 кг/см<sup>2</sup> ни ташкил қилди. Қатлам босими кон ишга тушгандан бўён 52,0 кг/см<sup>2</sup> га камайган, бу бошланғич қатлам босимига нисбатан 46,43 % ни ташкил этади.

Конда нефт қазиб чиқариш маҳсулдорлигини ошириш ва қатлам босимини тушишини олдини олиш мақсадида бта (1р,25,33,47,62,63) дамловчи қудуклар мавжуд бўлиб, шу қудуклар орқали бир кунда 600-610м<sup>3</sup> сув маҳсулдор XIII қатламга НБ-125 ва 9МГр насослари орқали ҳайдалмоқда. Кондаги дамловчи қудуклар орқали маҳсулдор қатламга сув ҳайдаш 65-75 атм. босимда амалга оширилмоқда.

2017 йилда қатламга 210649 м<sup>3</sup> миқдорида сув ҳайдалди.

2017 йилда 16,777 минг тонна нефт қазиб олинди.

2017 йилда Фарбий Тошли конида 37 та қудукда тўла таъмирлаш ишлари бажарилди. Шундан 67, 68, 73-сонли қудуклар XIII-горизонтдан XV-горизонтга бурғулаб ишга туширилди, 37, 60-сонли тутатилган қудуклар кайта таъмирланиб ишга туширилди.

Фарбий Тошли кони қудуклари тўлиқ чуқурлик насоси билан ишла-тилди. Бу қудукларни мунтазам равишда чуқурлик насосини таъмирлаш, алмаштириш, насос компрессор қувуруни герметиклигини текшириш, штангаларини алмаштириш борасида 88 марта қудукларда жорий таъмир-лаш ишлари бажарилди.

Конда катлам босимини бир меъёрда ушлаб туриб ишлатиш қудукларидан кунлик суюклик қазиб чиқариш миқдорини янада кўпайтириш учун катламга сув ҳайдашни давом эттириш максадга мувофикдир.

### Шарқий Тошли конида

Шарқий Тошли кони 1974 йилда ишга туширилган. Конда 1963-1974 йилларда геологик қидирув ишлари олиб борилди. Геологик қидирув ишлари натижасига асосан XV-юра қатламида ва XIII-бўр қатламида нефт борлиги аниқланган. Қатлам узунлиги - 7,3 км, эни - 1,75 км, баландлиги – 95м. Асосий маҳсулдор нефт қатлами XIII-қатлам бўлиб, қалинлиги 52 м, самаралиси 31 м. Маҳсулдор қатлам чуқурлиги 1070 м. бошланғич қатлам босими 112 кг/см<sup>2</sup>. Коннинг бошланғич сув нефт чегараси 1110 метр

бўлиб жорий сув нефт чегараси шартли 1072-1080 метр оралиғига тўғри келади. Кондан 1974 йилда XIII-максулдор қатламдан 2 та қудукни ишга қўшиш билан бир кунда 10-12 тн. саноат миқиёсида нефт олиниши билан кон ишга туширилган. **Кондаги НСЧ (ВНК) 1099м абсолют белгига.**

Коннинг умумий майдони – 325,0 га тенг бўлиб бир қудукнинг жойлашиш сеткаси 17,1 га, ишлатиш қудукларининг жойлашиши бўйича 5,2 га тўғри келади.

Шарқий Тошли конидан 2017 йилда 14,193 минг тонна нефт қазиб олинди. 2017 йилда конда ўртача кунлик нефт қазиб олиш миқдори 39-40 тн.ни ташкил қилди. Кондаги сувланганлик даражаси 83 % .

Конда нефт қазиб чиқариш махсулдорлигини ошириш ва қатлам босимини тушишини олдини олиш мақсадида 9та (1,13,15,74,76,83, 85,97,100) дамловчи қудуклар мавжуд бўлиб, ушбу қудуклар орқали бир кунда 710-715 $m^3$  сув махсулдор XIII қатламга НБ-125 ва 9МГр насослари орқали 75-80 атм. босимда хайдалди. Қатлам босимини ушлаб туриш ва махсулдорликни ошириш учун кондаги 13,15,83,97,100- сонли дамловчи қудуклар туби тўлиқ ювилди. Қатламга 2017 йилда 257637  $m^3$  миқдорида сув ҳайдалди.

2017 йилда Шарқий Тошли конида 9 та қудукда тўла таъмирлаш ишлари бажарилди. Шундан 89-сонли тугатилган қудукни кайта тиклаб ишга туширилди ва ушбу қудуклар хисобидан бир кунда 4 тн қўшимча нефт қазиб олишга эришилди.

Ишлаётган қудуклар мажмуаси - 25та. Бошланғич қатлам босими -112  $kg/cm^2$  бўлиб 01.01.2017 йил холатида 59  $kg/cm^2$  ни ташкил қилди. Қатлам босими кон ишга тушгандан буён 53,0  $kg/cm^2$  га камайган, бу бошланғич қатлам босимига нисбатан 47,32 % ни ташкил этади.

### **Яккасарой кони**

Яккасарой кони Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ тумани худудида жойлашган. Конда излов қидирув ишлари 1974 йилда бошланиб 1994 йилда тугатилган. Конда излов қидирув ишлари олиб борилиб, 2 та қидирув, 3 та излов ва 1 та параметрик қудук, жами 6 та қудук бурғуланган. Яккасарой нефт конидаги 3-сонли қудук 1978 йилнинг феврал ойидан ишга тушган. Кондаги 3-сонли ишлатиш қудуғи 1995-1999 йилларда ишламасдан консервацияда турган. Қудук тубдан қайта таъмирланиб 2000-йил сентябр ойидан ишга қўшилган. № 3-сонли нефт қудуғи тубини қайта ювиш ва НСВ-43 мм насосга утиш натижасида 21.05.2007 йилдан тўла таъмирлаш ишлари ўтказилиб 01.06.2007 йилдан қудук ишга туширилди ва кунлик нефт қазиб чиқариш 1,0 тоннадан 3,5 тоннага кўпайди. **Кондаги НСЧ (ВНК) минус 2850м абсолют белгига.**

Яккасарой конидан 2017 йилда 1,077 минг тонна нефт қазиб олинди.

2017 йилда конда кунлик нефт олиш миқдори 3-4 тн ни ташкил қилди. Кондаги сувланганлик даражаси 60 %. Ишлаётган қудуклар мажмуаси – 1 та. Бошланғич қатлам босими - 313  $kg/cm^2$  бўлиб 01.01.2017 йил холатида 220  $kg/cm^2$  ни ташкил қилди. Қатлам босими кон ишга тушгандан буён 93,0  $kg/cm^2$  га камайган, бу бошланғич қатлам босимига нисбатан 29,7 % ни ташкил этади.

### **Фармистон кони**

Фармистон кони 1992 йилда ишга туширилган. Кон 1986 йилда очилган булиб, геологик қидирув ишлари 2002 йилда тугатилган, ҳозирги вактда янги ишлатиш қудукларини бургулаш ишлари давом этмокда. Конда XV катламдан саноат миқиёсидағи нефт қазиб олинмокда. Қудукларнинг лойиҳавий чукурлиги 3500м. Тектоник жиҳатдан Фармистон кони Бухоро-Ҳива нефтгазли областнинг Шимоли-шарқий кисмида жойлашган. Кондаги маҳсулдор XV пр катлам қалинлиги 56 м , нефтли катлам қалинлиги 76 м. бўлиб бу катлам говаклиги 6-9 % ни ташкил киласди. **Кондаги НСЧ (ВНК) минус 2850м абсолют белгига.**

Коннинг умумий майдони – 340,6 гектарга тенг бўлиб битта қудукнинг жойлашиш сеткаси 26,2 гектарга, ишлатиш қудукларининг жойлашиши бўйича 85,2 гектарга тўғри келади.

Гармистон конидан 2017 йилда 44,708 минг тонна нефт қазиб олинган.

Гармистон конидан хозирги кунда бир кунда 110-120 тонна нефт 3 та ишлатиш қудуғидан қазиб олинмокда. Конда сувланганлик даражаси 20 % ни ташкил қилди. Кондаги 20-сонли қудукда бурғулаш ишлари давом эттирилмокда. Ишлаётган қудуклар мажмуаси- 3 та.

Бошланғич қатlam босими - 352 кг/см<sup>2</sup> бўлиб 01.01.2017 йил холатида 290 кг/см<sup>2</sup> ни ташкил қилди. Қатlam босими кон ишга тушгандан буён 62,0 кг/см<sup>2</sup> га камайган, бу бошланғич қатlam босимига нисбатан 17,14 % ни ташкил этади.

### Шимолий Шўртан кони

Шимолий Шўртан кони Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида жойлашган бўлиб, Ғузор тумани марказидан 20 км, Қарши шахри марказидан 35 км узоқликда, Шўртан конининг жанубий-ғарб томонида 7 км узоқликда жойлашган. Геологик ва тектоник тузилиши бўйича Бухоро-Хива нефтгаз области, Чарджоу тектоник погонасининг Бешкент букилмасида жойлашган. Конда геологик қидирув ишлари 1979 йилда бошланиб 1987 йилда тугатилган. Геологик қидирув ишлари мобайнида конда жами 9 та (1,2,3,4,5,6,7,8,9) қудуклар бурғуланиб бу қудукларнинг хаммаси тугатилган. Кон 2005 йилдан ишга туширилган. Кон ҳажми ўлчови: узунлиги 4,5 км, эни 2,2 км, маҳсулдор қатlam қалинлиги - 17 м. . Кондаги НСЧ (ВНК) минус 3233м, ГСЧ (ГВК) минус 3216м абсолют белгида.

Коннинг умумий майдони – 893,75 га тенг бўлиб битта қудукнинг жойлашиш сеткаси 59,6 га, ишлатиш қудукларнинг жойлашиши бўйича 178,7 га тўғри келади.

Шимолий Шўртан конидан 2017 йилда 136,498 минг тонна нефт қазиб олинган.

2017 йилда конда кунлик нефт қазиб олиш миқдори 373тн ни ташкил қилди. Конда сувланганлик даражаси 23 % ни ташкил қилди.

Ишлаётган қудуклар мажмуаси – 11 та.

Бошланғич қатlam босими - 387 кг/см<sup>2</sup> бўлиб 01.01.2017 йил холатида 198 кг/см<sup>2</sup> ни ташкил қилди. Қатlam босими кон ишга тушгандан буён 189,0 кг/см<sup>2</sup> га камайган, бу бошланғич қатlam босимига нисбатан 48,83 % ни ташкил этади.

### Тўртсари кони

Тўрсари кони территорияси жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси-нинг Қашқадарё вилояти Ғузор туманида жойлашган. Тўрсари майдонида №1-сонли излов қудуғи нефт ва газ маҳсулотларини излаб топиш мақсадида структура марказида СР 1865 ва L 1668 сейсмопрофиллар-нинг кесишган жойида Жанубий Жонбулоқ 2-сонли излов қудуғидан жанубий-шарқда 1050 метр, Жанубий Жонбулоқ №1-сонли излов қудуғидан шимолий-ғарбда 2125 метр узоқликда жойлашган. Тўрсари кони 2009 йилда ишга туширилган. Кондан саноат микиёсидаги нефт чиқиши билан кон очилган, кондаги нефт захираси ҳали тасдиқланмаган.

Маҳсулдор катlamни бошланғич босими 355 кгс/см<sup>2</sup> булган бўлса 01.01.2017 йил холатига катlam босими - 256 кгс/см<sup>2</sup>. Қатlam босими кон ишга тушгандан буён 99 кгс/см<sup>2</sup> га камайган, бу 27,9 % ни ташкил этади.

Тўрсари конидаги қудукларнинг умумий мажмуаси 4 та бўлиб, шундан:

2017 йилда Тўртсари конидан 15,529 минг тонна нефт қазиб олинди. 2017 йилда конда кунлик нефт қазиб олиш миқдори 42-43 тоннани ташкил қилди. Кондаги сувланганлик даражаси 4,2 % га тенг.

Ишлаётган қудуклар мажмуаси - 1 та.

Конда 4 - сонли қудукда бурғулаш ишлари давом этмоқда. Бошланғич қатlam босими - 355 кг/см<sup>2</sup> бўлиб 01.01.2017 йил холатида 256 кг/см<sup>2</sup> ни ташкил қилди. Қатlam босими кон ишга тушгандан буён 99 кг/см<sup>2</sup> га камайган, бу бошланғич қатlam босимига нисбатан 27,89 % ни ташкил этади.

### Мезон кони

Бурғулашдан сўнг 3-сонли қудукдан саноат микиёсидаги нефт олинди. Кудук 30.04.2010 йилда ишга қўшилди ва шу билан Мезон кони очилди.

2017 йилда кондан 0,518 минг тонна нефт қазиб олинди. Конда кунлик нефт қазиб олиш миқдори 5 тн.ни ташкил қилди. Кондаги сувланганлик даражаси 1,3 % ни ташкил қилди.

Ишлатилаётган қудуклар мажмуаси - 1 та. Конда 4 - сонли қудукда бурғулаш ишлари давом этмокда.

Бошланғич қатlam босими - 317 кг/см<sup>2</sup> бўлиб 01.01.2017 йил холатида 270 кг/см<sup>2</sup> ни ташкил қилди. Қатlam босими кон ишга тушгандан буён 47 кг/см<sup>2</sup> га камайган, бу бошланғич қатlam босимига нисбатан 14,8 % ни ташкил этади.

### Илим кони

Илим кони 2007 йилда ишга туширилган. Кон Кашкадаре вилояти Ўзор шаҳар марказидан 25 км узоқликда жойлашган. Кон Бухоро-Хива нефтгаз обласи Бешкент букилмасига киради. Илим кони структураси 1976 йилда аниқланган. Излов-қидирав ишлари 1981 йилда №1-сонли қудукни бурғулаш билан бошланди. 1981-1985 йиллар мобайнида конда №1,2,3 –сонли излов-қидирав қудуклари бургуланиб синов ишларидан сунг оз миқдорда газ ва нефт олинди. Мураккаб геологик шароитлар туфайли конда излов-қидирав ишлари вақтингчалик тўхтатилган. 2006 йилда конда излов-қидирав ишлари №4–сонли қудукни бурғулаш билан давом эттирилиб, 3071-3080м, 3029-3036м ораликлардан 269 минг м<sup>3</sup>/ к.к. дан 579,9 минг м<sup>3</sup>/к.к. саноат микиёсидаги газ олинди ва 2007йил кон ишга тушди. Конда 5 та излов-қидирав қудуклари бургуланиб №1,2,3–сонли излов-қидирав қудуклари бургулашдан сўнг геологик сабаб билан беркитилган. Кондаги №7,9–сонли қудуклар нефт қазиб чиқаришда ишлатилмокда. Бугунги кунда конда излов-қидирав ишлари давом эттирилмокда.

Кон ўлчами қуйидагича: узунлиги- 4,2 км, эни- 16км, баландлиги- 480м. Бошланғич қатlam босими 383,5 кгс/см<sup>2</sup> бўлиб, ҳозирги қатlam босими 124 кгс/см<sup>2</sup> ни ташкил этади, қатlam ҳарорати 113<sup>0</sup>C.

2017 йилда кондан 4,540 минг тонна нефт қазиб олиниб, ишга тушгандан буён кондан 14,423 минг тонна нефт қазиб олинди. Конда кунлик нефт қазиб олиш миқдори 12-14 тоннани ташкил қилди. Кондаги сувланганлик даражаси 16,5 % ни ташкил қилди.

### Ишлатилаётган қудуклар мажмуаси - 2 та.

Бошланғич қатlam босими 383,5 кг/см<sup>2</sup> бўлиб 01.01.2017 йил холатида 124 кг/см<sup>2</sup> ни ташкил қилди. Қатlam босими кон ишга тушгандан буён 259,5 кг/см<sup>2</sup> га камайган, бу бошланғич қатlam босимига нисбатан 67,67 % ни ташкил этади.

### Сагиртау кони

Сагиртау майдони Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод тумани ҳудудида жойлашган. Сагиртау майдонидаги 1-сонли излов-қидирав қудуғи структуранинг марказида 44070406Н ва 46070406Н сейсмопрофилларнинг ўзаро кесишган жойида жойлашган. Қудукни бу жойга жойлаштиришдан асосий мақсад, майдоннинг чуқур ва тектоник тузилишини ўрганиш, юқори юра даври карбонатли ётқизиқларидағи нефт ва газ уюмларини аниқлаш, қатlam сувларининг гидрогеологик, гидрохимик хусусиятларини ўрганишдан иборатdir.

Сагиртау майдони структураси 2006 йилда тайёрланган. Сагиртау майдонидаги №1-сонли қудукда бурғулаш ишлари 08.01.2009 йилда бошланиб, қудукда 3088-3078м, 3071-3066м, 3054-3048м ораликлар отилиб, саноат миқёсидаги нефт ва газ маҳсулоти олиниб, майдон 03.03.2011 йилда ишга туширилди.

Майдон улчами қуйидагича: узунлиги- 5,5 км, эни- 2,0 км.

2017 йилда кондан 0,695 минг тонна нефт қазиб олиниб, ишга тушгандан буён кондан 5,572 минг тонна нефт қазиб олинди. Конда кунлик нефт қазиб олиш миқдори 5,0 тоннани ташкил қилди.

Кондаги сувланганлик даражаси 2,8 % ни ташкил қилди.

Ишлатилаётган қудуклар мажмуаси 1 та бўлиб, ҳозирги кунда 1-сонли ишлатиш қудуғи “Лукойл” МЧЖга топшириш учун 01.03.2017 йилдан тўхтатилган.

Бошланғич қатlam босими  $330 \text{ кг}/\text{см}^2$  бўлиб 01.01.2017 йил холатида  $320 \text{ кг}/\text{см}^2$  ни ташкил қилди. Қатlam босими кон ишга тушгандан буён  $10 \text{ кг}/\text{см}^2$  га камайган, бу бошланғич қатlam босимига нисбатан 3,03 % ни ташкил этади.

## 2.2. Шимолий Шуртan конини ишлашнинг мураккаблиги

Шимолий Шуртan нефтгазконденсат кони 2005 йилда очилган бўлиб, катта чуқурликдаги конлар туркумига киради. Коннинг нефт+газ+конденсат заҳиралари салмоқли ҳажмда бўлишига қарамасдан 2005-2009 йилларда ундан маҳсулот қазиб чиқариш паст суръатларда олиб борилган.

Бу ҳолатни юзага келишига бир неча омилларни кўрсатиш мумкин. Булар куйидагилар:

1. Маҳсулдор уюмни ётиш чуқурлигининг юқорилиги – ўртача  $3670 \text{ м}$ . Бундай конларда қудуқларни қазиб даври бир мунча узоқ ва кўп харажатли бўлади.
2. Маҳсулдор уюмни мураккаб геологик тузилишдан иборатлиги ва қатlam нефти хусусиятларининг ёмонлиги;
  - а) қатlamдаги ғоваклик ва ўтказувчанлик хусусиятларини майдон ва баландлик бўйича кескин ўзгариши;
  - б) кўп қудуқларда очилган маҳсулдор уюмнинг умумий қалинлигини бир неча зич, қаттиқ тилли қатlamчалар билан бўлинганлиги;
  - в) қатlam нефтининг физик хусусиятлари ва таркибининг ёмонлиги;
- қовушқоқлиги юқори, нефти оғир – зичлиги  $0,900 \text{ г}/\text{см}^3$  гача боради.
- нефт таркибида туз, парафин ва смоланинг кўплиги.
3. Шимолий Шуртan конининг аномал паст босимли конлар қаторига кириши.

Маълумки бу ҳолат нефт конларида қудуқлар суткалик маҳсулорлигини бўлишига, қудуқларни ишлатишни энг арzon усули бўлган фаввораланиш даврининг кисқа бўлишига олиб келади.

Юқорида келтирилган омиллар Шимолий Шуртan конидан нефт қазиб олишни мураккаблаштирадиган асосий омилларга киради.

Ҳозирги кунда кондан нефт қазиб олиш суткасига 400 тоннага чиқарилмоқда. Бу натижага эришиш учун олиб борилган тадбирлар ҳақида қўйида батафсил тўхталиб ўтамиз.

### Шимолий Шуртan конида қудуқлар тубини очиш оралиқларини танлаш

Юқорида таъкидланганидек кон аномал паст босимли конлар туркумига кириши ва қатlam нефтини физик-кимёвий хусусиятларини ёмонлиги нефт қазиб олиш жараёнини қийинлаштирадиган омиллардан биридир.

Маълумки конда маҳсулдор уюмни ётиш чуқурлигини  $3670 \text{ м}$  бўлганда ва қазиб олинаётган нефтининг зичлиги  $0,900 \text{ г}/\text{см}^3$  бўлганда қудуқларни фаввораланиши учун қатlamда  $370 \text{ atm}$  босим бўлиши керак. Ўз-ўзидан маълумки бундай шароитда қудуқларни фаввораланиши мумкин эмас.

Бундай шароитда кондан нефт қазиб олишни кўпайтириш учун бир қатор қудуқларда маҳсулдор қатlamни қайта отиш ўтказилди.

Фаввораланиши амалга ошириш учун қатlam босимини кўтариш керак ёки қазиб олинаётган нефти зичлигини ҳеч бўлмагандан қудуқ ичида камайтиришга эришиш лозим.

Қазиб олинаётган нефти зичлигини камайтириш учун қудуқ кесимидағи маҳсулдор уюмни газли қисмининг қути худудидан кисқа оралиқлар перфорацияя қилинди.

Шимолий Шуртan конида қудуқларни ишлатиш технологияси II.1-расмда келтирилган.

Бу тадбир орқали нефтнинг зичлиги қудук устида  $0,760\text{-}0,780 \text{ г/см}^3$  гача туширишга эришилди.

Жараён механизмини батафсил ёритадиган бўлсак қудук кесимидағи газли қисм очилган унга кириб келаётган газ оғир нефтга аралашади ва бир қисми пропан, бутан юқори босимда унда эрийди демак, зичлигини камайтиради, қолган қисмни эса қудук ичра газлифт усулини юзага келтириб нефтни кўтариб чиқади.

Усул технологик жихатдан мукаммал бўлиб, қўшимча капитал харажатлар талба этмайди.

Уни амалга ошириш учун фақат етарли даражадаги газ захиралари бўлиши лозим.

### **2.3. Аномал юқори қатлам босимининг ҳосил бўлиш сабаблари**

ҚАЮБ ҳолатини ўрганиш ва унинг ҳосил бўлиш табиатини аниқлаш мақсадида кўп ишлар қилинган [20, 23, 24, 25, 28 ва бош.]. Қилинган ишларнинг таҳлили, натижаси ва улардаги маълумотлар турли ўлкаларда ҚАЮБнинг пайдо бўлишига турли сабабларни кўрсатадилар (1.1-жадвал).

ҚАЮБ нинг пайдо бўлиши [24] ишда энг содда ва оддий қилиб тушунтириб берилган. Бунда муаллиф гидростатик ва аномал босимлар нисбатига қараб уюмларни З турга бўлади ва унинг фикрича улар ҚАЮБ нинг ҳосил бўлишини барча ҳолатларини қамрайди. Кўпчилик мутахассислар [24] келтирилган фикрга тўлиқ қўшилмайдилар ва ҚАЮБ нинг пайдо бўлишини нефтнинг келиб чиқиши ва ундан кейинги тектоник ва гидродинамик ҳодисалар билан боғлайдилар [6, 23, 28]. Аксарият тадқиқотчилар фикрича ҚАЮБнинг ҳосил бўлишига асосий сабабчи бўлган ҳолат иккита тоғ босими ва ҳароратдир.

ҚАЮБ нинг ҳосил бўлишига сабабчи бўлган бошқа ҳолатлар - тангенсионал кучланиш, Ернинг магнит майдонлари, реакция ва шу кабиларнинг эҳтимоли бор, лекин улар кам ўрганилгандир.

1.1- жадвал

#### **Нефт ва газ конлари жойлашган қатламларда аномал юқори босимни пайдо бўлиши сабаблари**

№	ҚАЮБ нинг сабаблари	Туман маълумотлари	Ким томонидан ўрганилган	Тарқалиш хусусиятлари
1	Қатламнинг ер юзасига чиқиши қудук оғзидан анча юқори	Апшерон	Мелик-Пашаев В.С., Воробёв В.С, Левориш А., Тхостов Б.А.	Чеклангани
2	Уюм ҳосил бўлгач, босим ўзгармаган ҳолда унинг чуқурлиги камайган	Апшерон	Мелик-Пашаев В.С, Уаттс К.В.	Чеклангани
3	Уюм ҳосил бўлгач вертикал кўчиш	Апшерон	Мелик-Пашаев В.С., Алиев А.К.	Чеклангани
4	Мазкур қатламни пастдаги қатламлар билан боғловчи тектоник ёриқларнинг мавжудлиги	Апшерон	Мелик-Пашаев В.С, Алиев А.К.	Чеклангани

5	Газ уюми катта қалинликка эга	Апшерон	Мелик-Пашаев В.С.	Чекланган
6	Тектоник узилмалар мавжудлиги туфайли нефт, газ, сув қатлам-лари ўзаро боғланган	Апшерон	Алиев А.К.	Чекланган
7	Айланувчи сувларни юқори харорати ва бошқа мезонинларнинг таъсири	Апшерон	Мелик-Пашаев В.С., Алиев А.К.	Чекланган
8	Юқори босимли қатлам-лардан нефт ва газ оқими хисобига	Апшерон	Алиев А.К., Тхостов Б.А.	Чекланган
9	Тектоник ҳаракатлар туфайли жинсларнинг сиқилиши	Каспий олди, Курск олди	Шерстенов Н.М, Салаев С, Линевский А.А., Уаттс Е.В.	Кенг
10	Юқоридаги жинслар босими остида зичланиш	Каспий олди, Круск олди, Доғистон, Краснодар ўлкаси	Шерстенов И.М., Салаев С, Бабаян Г.А., Дикенсон Г., Тхостов Б., Леверсон А.И.	Кенг
11	Нефт ва газларнинг физик-кимёвий ўзгариши, қатламлардаги углеводородларнинг сиқилиши хисобига ҳажмининг ортиши.	Свердлов вил., Куйбишев вил., Чеченистан, Туркманистан, Ставрапол ўлкаси	Шерстенов И.М., Салаев С.Г., Леверсон А.	Чекланган
12	Кам ўтказувчанлик ёки юқори қовушқоқлик, суюқлик босимининг ортиши уюмдан чиқаётган оқим кўрсатгичидан ортиқ	Апшерон	Бабаян Г.А., Алиев А.К.	Кенг
13	Ажратилган, ёпиқ коллекторларга мансублик	Калифорния	Чани Р.Е., Уаттс Е.В.	Кенг
14	Қатлам зич бўлмаган қумтошдан иборат бўлганлиги учун юқорида ётган жинслар босимида дош бераолмайди	Калифорния	Уаттс Е.В.	Кенг
15	Қумтошлар билан аралаш гилларнинг орасидаги суюқликнинг сиқиб чиқарилиши сабабли	Калифорния	Уаттс Е.В.	Чекланган

16	Нефт, газ, сувга түйинганликдаги ўзгариши	Техас, Луизиана	Динкенсон Г., Мак-Лаули П.	Чекланга н
----	---	-----------------	----------------------------	------------

#### 2.4. Қатлам ҳарорати ва тоғ босими ўсишининг уюм босимига таъсири.

ҚАЮБ ҳолатига асосий таъсир қилувчи омиллар сифатида тоғ жинслари ва қатлам сувларининг ҳарорати, ҳамда тоғ босими деб кўрсатилган эди. Биз қуйида ўша кўрсаткичларни таъсир микдорини баҳолашга ҳаракат қиласиз. Доимий ҳажмда, яъни уюмнинг ўтказмас жинс-лар туфайли ёки бошқа тўсиқлар билан ажралиб қолганлигига нефтнинг кенгайиши, уюмда босимнинг ортишига олиб келади. Чунончи, уюм ҳосил бўлгач тектоник жараёнлар туфайли ажратилган дейлик ва унга алоҳида иссиқлик таъсири мавжуд. Шундай ҳолатда [24] даги боғлиқликдан фойдаланиб қуйидагига эга бўламиш:

$$V \square V_0 * \frac{273 \square t}{273} * \frac{P}{T} \quad (2.1.)$$

$V_0$  - нефт ёки газнинг дастлабки ҳолатдаги ҳажми;

$V$  - нефт ёки газнинг ўзгарган ҳолатдаги ҳажми;

$P$  - қатламдаги дастлабки босим;

$P_k$  - қатлам ўзгарган ҳолатдаги қатлам босими;

$t$  - дастлабки кўрсаткичга нисбатан ўзгарган қатлам ҳарорати микдори (уюм тўла ажратилган ҳолатда), яъни  $V = V_0$ , бунда (1.1) дан қўйидагини оламиш:

$$\frac{\square}{\square_k} \square \frac{273 \square t}{273} \quad (2.2.)$$

Фаргона нефтгазли ўлкасидаги (ФНГЎ) ККС горизонти (неоген ётқизиқлари) учун баҳоловчи ҳисоб қиласиз.

ККС горизонти Жанубий Оламушук конида 650 м чуқурлиқда, даст-лабки ҳарорати  $30^{\circ}\text{C}$  бўлган ҳолда, ҳавза четига яқин жойда жойлашган. Ҳавзанинг марказий қисмида эса ККС горизонти 5200 м чуқурлиқда  $118^{\circ}\text{C}$  ҳароратга эга.

Юқорида қабул қилинган кўрсаткичлар асосида босим гидростатик ҳолатда ўзгаришини қабул қилган ҳолда ҳисобларни бажарсан, ҳарорат ўзгаришида босимни ўзгариши 1,322 ни ташкил этади, яъни қатлам боси-ми оддий гидростатик босимдан 32,2% га ортади. Бунда 5200 м чуқурлиқда (гидростатик босим 52,0 МПа) ҳарорат туфайли ўзгарган босим катталига 16,64 МПа ни ташкил қиласи, яъни қатламнинг дастлабки босими 68,64 МПа тенг бўлади.

Ажратилган уюмга, яъни ер юзасидан ажралган (алоқаси йўқ) уюмга тоғ босимининг ҳам салмоқли таъсири бўлади [23].

Тоғ босимининг қатлам босимини ўсишига таъсири қўйидаги боғлиқлик билан ифодаланади:

$$\square_1 * V_1 \square \square_2 * V_2 \quad (2.3.)$$

бу ерда:  $P_1$ -уюмнинг дастлабки босими;  $V_1$ -уюмнинг дастлабки ҳажми;  $P_2$ -қатлам босимининг ўзгарган катталига;  $V_2$ -уюмнинг ўзгарган ҳолатдаги ҳажми. Ҳисобни ФНГЎ нинг ККС горизонти учун бажарамиз. Ажратилган уюм учун тоғ босимининг ортиши унинг ҳажмини камайтиради, бу ҳодиса коллекторнинг ғоваклигини камайиши туфайли содир бўлади.

Ғоваклик микдорини чуқурлик сари ўзгаришини ККС горизонти учун олинган иборадан ҳисоблаймиз:

$$m \square a \frac{b}{L^2} \square \frac{c}{L} \quad (2.4.)$$

бу ерда: т-коллекторнинг ғоваклиги; L-қатламнинг ётиш чукурлиги; а, в ва с боғликлиқнинг доимий коэффициентлари бўлиб, улар қўйидагиларга тенг:

$$a = 2,158; \quad v = 1222577,414 \quad a = 9034,955.$$

(2.4) тенглама бўйича коллекторнинг ғоваклиги 650 м ва 5200 м чукурликда қўйидагига тенг бўлади: 13,164% ва 3,845%.

Демак, ККС горизонти учун чукурлик 650 м дан 5200 м га ортганда коллекторнинг ғоваклиги 70,79% га камайиши керак, яъни ундаги босим гидростатик босимга нисбатан шунчага ортиши керак:

$$52 * 0,7079 = 36,81 \text{ МПа}, \text{ демак}$$

қатламнинг ўзгарган босими 88,81 МПага тенг бўлиши керак.

Келтирилган ҳисоблар Фарғона ҳавзасининг марказий қисми учун шуни кўрсатадики, қатлам босими гидростатик босимга нисбатан анча юкори бўлиши мумкин (агар уюм тўлиқ ажратилган ҳолатда бўлса) (1.1-график) [25].

Кўрилган шароит учун қатлам босимининг аномаллик коэффициент қўйидагига тенг бўлади:

$$\frac{\square_k}{\square_{zu\delta}} = 2,027$$

Келтирилган ҳисоблар натижалари ҳақиқатга яқин бўлиб, тоғли ўлкаларга тўғри келади ва улар қўйидаги аномаллик кўрсаткичларига эга:

( $K_a=1,3-2,0$ ) - юкори аномаллик, ( $K_a > 2,0$ ) - ўта юкори аномаллик [23]. Шуни қайд этмоқ лозимки, кўрилган шароитларда оддий босим кўрсаткичлари ҳам ( $K_a=1,0-1,1$ ) ва озроқ ўсган босим кўрсаткичи ҳам кузатилади ( $K=1,0-1,3$ ). Босимни шундай катта оралиқда ўзгаришининг мавжудлигига харорат ва тоғ босимидан бошқа таъсир қилувчи омиллар ҳам мавжуд эканлигини унутмаслик керак.

Босим ҳамда қудуқларнинг маҳсул микдорини ишлашни бошланғич даврида кескин пасайиб кетиши асосан карбонат ва территен коллекторларнинг ғоваклиги ва ўтказувчанлиги билан боғлиқ.

Фарғона нефт газли ўлкасида (ФНГЎ) нефт ҳосил бўлиш шароитларини, уюмларнинг шаклланиши, тектоникаси, гидрогеологиясини ўрганиш би-лан кўплаб мутахассислар шуғулланадилар. ФНГЎ нефтларни пайдо бўлиши шароитини шархи, уларнинг кейинги ҳаракати, тектоник ва гидрогеологик жараёнлари кўп мақола ва адабиётларда келтирилган. Уларга асо-сан мезозой ва палеоген даврида газ ва нефт уюмларининг ҳосил бўлиши чегараланган, ҳамда водийнинг марказий қисмida унинг чекка қисмлари томон лотерал нефт силжиши содир бўлган.

### **3. Йўлдош газни утилизация қилиш орқали ишлатиш бўйича технологик ечимлар.**

**Режа:**

**3.1. Шимолий Шуртан конида йўлдош газни утилизация қилиш технологиясини баҳолаш;**

**3.2. Нефт билан қазиб олинаётган газдан самарали фойдаланиш йўлларини излаш.**

#### **3.1. Шимолий Шуртан конида йўлдош газни утилизация қилиш технологиясини баҳолаш**

Шимолий Шуртан конида нефт қазиб чиқаришни кўпайтириш учун газ дўпписи газидан фойдаланила бошланди. Шунингдек қўшимча қазиб олинаётган қимматбаҳо газни нефтни тайёрлаш қурилмаларида ёкиб юборишга қисқа муддат бўлса ҳам тўғри келди.

Ўз-ўзидан маълумки янги кудукларни ишга қўшиш билан нефт қазиб олиш учун қўшимча газ сарфи ҳам ошиб боради.

Шу туфайли 2009 йилдан бошлаб конда машъалада ёқиб юбориладиган қўшимча газдан самарали фойдаланиш учун С-1, С-2 газ сепараторлари ўрнатилди. Сепараторнинг принципиал тархи II.3-расмда келтирилган.

Газ сепараторларни Шимолий Шуртан конида жойлаштиришнинг принципиал схемаси II.4-расмда келтирилган.

Уларни ўрнатишдан мақсад юқори босимли кудуклар маҳсулоти, яъни нефт+газ+конденсат аралашмаси нефт тайёрлаш қурилмасига киришдан аввал газ сепараторларидан ўтказилади.

Газ сепараторлар иккита бўлиб суюқлик ва газни ажратишга мўлжалланган қурилма. Унинг суткалик қуввати 3,0 млн м<sup>3</sup> газни ажратишга мўлжалланган. Газни ажратиш жараёни икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич С-1 ва иккинчи босқич С-2 горизонтал сепараторда амалга оширилдаи ва суюқликнинг асосий қисми шу ерда ажратилади.

Маълумки кудукдан келадиган маҳсулот қувурда газ+суюқлик аралашмаси ва шунингдек газ алоҳида тикин ҳолатида сепараторга кириб келади. Бу эса сепаратор ичида бир турдаги мувозанат ҳолатини юзага келишига тўскинлик қиласди.

Биринчи босқич ажратишдаги бу номувозанатлик сепаратодан чиқаётган газни ажралган суюқликнинг бир қисмини олиб кетилишини таъминлайди ва ажратиш жараёни қисман бўлсада якунланмайди (ёки сифатли бўлмайди).

Мана шу салбий ҳолат юзага келмаслиги учун сепаратор 2 дона бўлиб кетма-кет жойлаштирилган.

Демак, қурилмадаги иккинчи босқичда, яъни С-2 сепараторида горизонтал С-1 сепараторда ажралмаган суюқлик томчилари ушлаб қолинади.

Сепараторларга аралашма 55 атм босим билан киради ва газ 53 атм босим билан чиқади. Нефт+суюқлик аралашмаси штуцер орқали 4 атм босимга туширилиб чиқарилади. Қурилмадан чиқсан юқори босимли газ Шуртан конини 4-ЙП га юборилади. Ундан 2-Газни дастлабки тайёрлаш қурилмаси орқали бошқа конларни гази билан кўшилиб газ сиқув компрессор станциясидан ўтади ва Шуртан бош иншоатига қайта ишлашга юборилади.

Ажралган нефт эса товар ҳолатига келтирилиши учун нефтни тайёрлаш қурилмасига киргизилади.

- жадвалдан кўриниб турибдики, 01.01.2013 йил ҳолати бўйича Шимолий Шуртан конидан нефт билан биргаликда қазиб олинадиган газни утилизация қилиш орқали 728,81 млн. м<sup>3</sup> газ ва 22,444 минг тонна барқарор конденсат қазиб олинниб қайта ишлашга жўнатилди (II.3-жадвал). Бу ўз-ўзидан кўриб турибдики корхона учун улкан иқтисодий самара ва атроф-муҳитни сақлаш учун ҳам фойдалидир.

## Йўлдош газни утилизация қилиш тизимлари бўйича технологик ечимлар

Ўзбекистон Республикасини Киота протоколи мажбуриятларига риоя қилиш, шунингдек қайта тикланмайдиган табиий ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида нефт конларини жихозлашда нефтнинг йўлдош газларини утилизациялаш имкониятларини кўзда тутиш лозим.


Газларни утилизациялашнинг 2 та вариантини кўриб чиқамиз:

- биринчи вариант бўйича (**3 -расм**) Шакарбулоқ конини (Шуртан регионининг таркибида Шимолий Шуртан, Ғармистон ва Кумчук конларини нефтнинг йўлдош газлари билан биргаликда) нефтнинг йўлдош гази “Шуртан” бош иншоатигача (ГС) транспорт қилиш имкониятини берадиган конда алоҳида лойиҳаланадиган сиқув компрессор станцияси (ДКС) орқали жўнатилади. У ерда “Шуртан” бош иншоати дегазацияланган газлар билан биргаликда унда


курилиши лойиҳаланадиган сиқув компрессор станциясига узатилади. Бош иншоатдаги компрессор станцияси газни тайёрлашни таъминладиган босимгача кўтаради ва амалдаги паст ҳароратли сепарациялаш қурилмасига (УНТС) йўналтиради. Алоҳида сиқув компрессор станциялари Шимолий Шуртан, Кумчук, Шакарбулоқ, Фармистон нефт тайёрлаш қурилмаларида ва “Шуртан” бош иншоатида жойлаштирилади;

- иккинчи вариантда ( -расм) Шакарбулоқ кони нефтининг йўлдош газидан нефтни тайёрлаш қурилмаси (НСП) майдончасида жойлаштириладиган газ трубина станциясида (ГТС) электр энергия ишлаб чиқиши учун фойдаланиш.

Шакарбулоқ конини йўлдош газининг утилизациялашни келтирилган вариантлари Шуртан регионини Шимолий Шуртан, Фармистон ва Кумчук конлари йўлдош газларини утилизациялаш кўриб чиқилганда биргаликда хисобланади.



3.1. -rasm – Mas’ala gazlarini utilizatsiya qilishda GTS (Gaz trubina stantsiyasi) ni joylashish tarxi.



3.2- расм. Шимолий Шуртан конини конида нефтни тайёrlаш ва газни утилизация килиш принципиал тархи.

### **3.2. Нефт билан қазиб олинаётган газдан самарали фойдаланиш йўлларини излаш**

Юқорида таъкидланганидек, Шакарбулоқ конида нефт қазиб чиқаришни кўпайтиш учун газ дўпписи газидан фойдаланила бошланди. Шунингдек қўшимча қазиб олинаётган қимматбаҳо газни нефтни тайёрлаш қурилмаларида ёкиб юборишга киска муддат бўлса ҳам тўғри келади.

Ўз-ўзидан маълумки янги қудуқларни ишга қушиш билан нефт қазиб олиш учун қўшимча газ сарфи сарфи ҳам ошиб боради.

Шу туфайли жорий бошида конда машъалада ёкиб юбориладиган қўшимча газдан самарали фойдаланиш учун сепараторлар блоки ўрнатилди.

Уни ўрнатишдан мақсад юқори босимли қудуқлар маҳсулоти, яъни нефт+газ аралашмаси нефт тайёрлаш қурилмасига киришдан аввал сепараторлар блокидан ўтказилади.

Сепараторлар блоки иккита: бири горизонтал ва вертикал қурилмалардан иборат бўлиб, суюқлик ва газни ажратишга мўлжалланган қурилма. Унинг суткалик қуввати 3,0 млн м<sup>3</sup> газни ажраишга мўлжалланган. Газни ажратиш жараёни икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич горизонтал сепараторда амалга оширилда ва суюқликнинг асосий қисми шу ерда ажратилади.

Маълумки қудуқдан келадиган маҳсулот қувурда газ+ суюқлик аралашмаси ва шунингдек газ алоҳида тиқин ҳолаида сепараторга кириб келади. Бу эса сепаратор ичидаги турдаги мувозанат ҳолатини юзага келишига тўсқинлик қиласди.

Биринчи босқич ажратишдаги бу номувозанатлик сепаратодан чиқаётган газни ажралган суюқликнинг бир қисмини олиб кетилишини таъминлайди ва ажратиш жараёни қисман бўлсада якунланмайди (ёки сифатли бўлмайди).

Мана шу салбий ҳолат юзага келмаслиги учун сепараторлар блокида вертикал сепаратор жойлаштирилган.

Демак, қурилмадаги иккинчи босқичда, яъни вертикал сепараторда горизонтал сепараторда ажралмаган суюқлик томчилари ушлаб қолинади.

Сепараторлар блокига аралашма 96 атм босим билан киради ва газ 94 атм босим билан чиқади. Нефт+суюқлик аралашмаси штуцер орқали 4 атм босимга тширилиб чиқарилади. Чиқаётган газ “FLOWBOSS” газ ўлчаш қурилмасидан ўтказилгач “Шўртан” бош иншоотига қайта ишлаш учун жўнатилади.

Ажралган нефт эса товар ҳолатига келтирилиши учун нефтни тайёрлаш қурилмасига киргизилади.

## **4: Юқори қовушқоқли нефть конларини ишлаш ва ишлатиш**

**Режа:**

**4.1. Юқори қовушқоқли нефтларнинг умумий тавсифи, Миршоди конининг ишлаш жараёни хақида маълумот.**

**4.2. Юқори қовушқоқ нефтли конларда нефт берга олишликни олишликни оширишнинг умумий тавсифи.**

**4.3. Юқори қовушқоқ нефтли конларни нефт берга олишлигини ошириш усууллари.**

## **4.1. Юқори қовушқоқли нефтлар ва нефть конлари ҳақида маълумот.**

Дунёдаги нефт олишнинг ривожланиши охирги йилларда юқори қовушқоқ нефт конларининг улуши ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Шу сабабли бундай конлар Ўзбекистондаги ва чет давлатлардаги олимларни кўп тадқиқотларни олиб боришига сабаб бўлмоқда. Лаборатория тадқиқот натижаларига кўра таркибида нисбатан катта миқдорда асфальтенлар, қатрон(смола)лар ва парафинлар бўлган нефтлар Ньютоннинг ишқаланиш қонунига бўйсунмайдиган, аномал хоссаларга эга эканлиги аниqlанган, қовушқоқликнинг ошишига сабабчи бўлади. Динамик қовушқоқлик коэффициенти енгил нефтга нисбатан 100 марталаб юқори кўрсатгич яъни кўпгина маълумотларга асосан динамик қовушқоқлик 1000 м.Па.с ва ундан юқори кўрсатгични ташкил этади.

Одатда кам қовушқоқли ( $0,4\text{-}10 \text{ мПа}^*\text{s}$ ), ўрта қовушқоқли ( $10\text{-}50 \text{ мПа}^*\text{s}$ ), юқори қовушқоқти ( $50\text{-}1500 \text{ мПа}^*\text{s}$ ), оғир ( $1500 \text{ мПа}^*\text{s}$ ), оғир ( $1500 \text{ мПа}^*\text{s}$  дан ортиқ) нефтлар ва битумлар ( $20\text{-}25*10^2 \text{ мПа}^*\text{s}$  дан ортиқ) ажратилади.

Қовушқоқлиги  $50 \text{ мПа}^*\text{s}$  дан ортиқ бўлган нефт захиралари олиниши қийин бўлган захиралар гуруҳига киритилади.

Юқори қовушқоқ нефтли конларни ишлашини таҳлили билан Ўзбекистонда Назаров С.Н., Азимов П.К., Ирматов Э.К., Акрамов Б.Ш., Назаров У.С., Турғунов Ҳ.М., Рахимов Н.Р. ва бошқалар, собиқ иттифоқда эса Ованесов Г.П., Желтов Ю.В., Аширов К.Б., Амелин И.Д., Усенко В.Ф., Ковалев А.Г., Губанов А.И., Ковалев В.С., Иванова М.М., Сургучев М.Л., Ованесов М.Г., Понамеров В.Г. ва бошқалар шуғулланишган.

Уларнинг таҳлили натижасида юқори қовушқоқ нефт конларини ишлашида, мураккаб қийинчиликларга тўқнаш келинади: паст йиллик нефт олиш суръатлари (нефт қовушқоқлиги кичик бўлган конларга нисбатан); олувчи кудукларни тез сувланиши; кўп миқдорда йўлдош сув олиниши; кичик жорий ва якуний нефт бера олишлик.

Бошланғич чегаравий градиентли нефтларни ҳаракатида, сизиш зоналарида ҳаракатсиз нефт - турғун зоналар юзага келади.

Юқори қовушқоқ нефтли конларни таҳлили бундай нефтларни сув билан сиқиб чиқариш механизми кам қовушқоқ нефтларнидан кескин фарқ қилишини кўрсатди. Шу сабабли сув-нефт туташ юзаси ҳаракати

хусусиятларини нефт ва сув қовушқоқлигининг нисбатига ва сиқиб чиқариш тезликларига боғлиқлигини ўрганишга кўплаб тадқиқотлар бағишиланган. Бир турли ва ҳар хил қатlam моделларида ўтказилган тажрибалар сувнинг ҳаракати беқарор бўлишини кўрсатди. Ҳайдалаётган сув "тил" кўринишида қатlamни нефтли қисмига киради ва ўзининг орқасида турли шаклдаги ва ўлчамдаги тегилмаган нефтларни қолдиради.

Нефтни сув билан ҳар хил ғовак бўшлиқлардан сиқиб чиқариш жараёни кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган, уларнинг орасидан Оганджанянц В.Г., Ковалев А.Г., Гиматудинов Ш.К., Шевцов И.А., Вахитов Г.Г., Мартинцев О.Ф., Бабалян Г.А., Таиров Н.Д., Пономарев В.Г., Сайфуллин З.Г., Фаткуллин А.Х., Сафаров И.А. ва бошқаларни фундаментал ишлари алоҳида аҳамиятга эга.

Уларни олган натижаларига кўра катта сизиш тезликларида сув асосан юқори ўтказувчан қатlamчалар орқали ҳаракат қиласди. Юқори қовушқоқ нефтли конларни ишлаш тажрибаси кўп ҳолларда айнан шундай сиқиб чиқариш режими амалга оширилишини кўрсатган.

Ноњутоң суюқлик ва сувлар учун олинган фазавий ўтказувчанликлар, чегаравий градиентли нефт ва сувни биргаликдаги ҳаракатида, сувнинг фазавий ўтказувчанлигини иккинчи фаза хоссаларига боғлиқ эмаслигини кўрсатди.

Қовушқоқ - пластик суюқликни фазавий ўтказувчанлиги сизиш тезлигига катта боғлиқ эканлиги ҳам тасдиқланди.

Рыжик В.Н., Желтов Ю.В. ва Аванесов И.Г. лар томонидан ҳар хил қатlamда қамраб олинганлик коэффициентини ҳисоблаш усули таклиф этилган. Бу усулда сиқиб чиқариш кўлами, тасодифий жойлашган, кўплаб алоҳида сув “тил” ларига бўлиб ташланган. Ҳисоблаш натижалари асосида қамраб олинганлик коэффициенти кичик қовушқоқ нефтларга нисбатан 10-15% кичик бўлиши кўрсатилган.

Шу сабабли Желтов Ю.Б., Ҳалимов Э.М., Бабалян Г.А., Саттаров М.М., Тимашев Э.М., Аванесов И.Г., Столяров Е.В., Павлов В.П. ва бошқалар юқори қовушқоқ нефтли конларни ишлашда, кам қовушқоқ нефтли уюмларга нисбатан, зич қудуклар тўридан фойдаланиш кераклигини асослаган. Уларнинг олган натижаларига кўра юқори қовушқоқ нефтли конларда, уларнинг физик-геологик шароитларига боғлиқ равишда, қудуклар тўри зичлиги 8-15 га қудук бўлиши керак.

Ўзбекистондаги юқори қовушқоқ нефтли конларни ишлашини лойиҳалаш, самарадорлигини таҳлил этиш ва нефт берга олишликни ошириш

билинганинг қаласи тадқиқотчилар шуғулланишган. Аммо, бундай конларни самарали ишланишини бир қатор масалалари ҳозирги вақтгача ўз ечимини топмаган. Уларнинг асосийси юқори қовушқоқли конларда иссиқлик усулларини қўллаб нефт бера олишликни ошириш ҳисобланади.

Шу ўринда юқори қовушқоқли нефт конларимизда башорат қилинган ўртача якуний нефт бера олишлик 20% га тенглигини, яъни бошланғич заҳираларнинг 80% ер остида қолиб кетишими инобатга олсак ушбу вазифа катта амалий ва назарий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва дунё ҳамжамиятидаги юқори қовушқоқли нефть конларига Сурхандарё вилояти худудидаги Миршоди, Кокайти, Ховдак, Лалмикор, Амударё, Қўштор, Учқизил каби конларни мисол келтиришимиз мумкин. Дунё бўйича юқори қовушқоқли нефть конлари асосан Россия, Қозогистон, Канада, Мексика, Венесуэла ва бошқа давлатларда мажуд.

### **Миршоди кони ҳақида умумий маълумотлар**

Миршоди нефт кони мамурий жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида жойлашган.

Яқин йирик аҳоли пункти Шўрчи туман маркази кондан 13 км жануби-гарбда жойлашган, Денов шаҳри эса 21 км шимолий-шарқда жойлашган. Коннинг майдони орқали Термиз-Душанбе магистрал темир йўли ўтган. Темир йўлга параллел равишда асфальтланган Термез-Душанбе автомобил йўли ўтган.

Асосий сув тармоғи Тўпаланг ва Қоратоғ дарёларининг қўйилишидан ҳосил бўлган Сурхондарё дарёси ҳисобланади. Сурхондарё дарёси Миршоди конидан 4 км шарқда жануби-гарбий йўналишда оқиб ўтади.

Орографик жиҳатдан Миршоди тузилмаси тепаликлардан иборат паст текислик бўлиб, аллювиал-пролювиал ётқизиқлар билан қопланган.

Жойнинг рельефи Сурхондарё дарёси томонга шимолий йўналишда умумий эгикликдан иборат. Рельефнинг мутлоқ баландлиги 460-510 метр, Сурхондарё дарёси воҳасида 450-435 метргача пасаяди.

### ***Нефтгазлилиги***

Миршоди нефт кони кўп қатламли ҳисобланади. Палеогеннинг бухоро қатламлари чегарасида I, II, III горизонтлар билан боғлиқ нефт уюми очилган ва ишлатиб келинмокда.

Қатламнинг параметрлари кон-геофизикаси тадқиқотлари маълумотлари ҳамда кернни тажрибаҳона тадқиқотлари бўйича олинган натижаларни солиштиришда кўрсаткичларни нисбатан яхши мос келиши кузатилади.

I. Горизонт - нефтли горизонт 1984 йилда аниқланган. Горизонт оч кулранг ва кулранг оҳактошлардан иборат. Қалинлиги қудуқлар бўйича 4 дан 12,5 метргача. Горизонтнинг қумтошлиқ коэффициенти 33% дан 60% гача ва бурма қанотига яқинлашиб борган сари камаяди. Самарали нефтгатўйинган қалинлиги 7,30 метрни ташкил этади. Бошланғич қатлам босими 22,97МПа. Горизонтнинг очиқ ғоваклиги 13-23,8%, ўтказувчанлиги 1 дан  $46,9 \text{ мкм}^2$  гача.

II. Нефтли горизонт 1985 йилда №11 қудуқда аниқланган. У кулранг оҳактошлардан ва доломитлардан ташкил топган. Оҳактошлар алевритгилли, пелитоморфли, жуда мустаҳкам, микроғовакли. Доломитлар оҳактошли, дарзли, битумли. Горизонтнинг нефтга тўйинган қалинлиги нисбатан барқарор ва 15,14 метрни ташкил этади. Очиқ ғоваклиги юқори қисмида 4-10% қуи қисмида 24-26% гача, ўтказувчанлик нисбатан юқори ўртача  $90 \text{ мкм}^2$  гача.

III. Махсулдор горизонт 1985 йилда 11 қудуқда аниқланган. У доломитлашган оҳактошлардан иборат. Улар оч кулранг деярли оқ, органоген-пелитоморфли, донадор, ўртача қаттиқлиқда, ғовак, оч кулранг ангидридлар аралашган. Горизонтнинг қалинлиги 11,13 метрни ташкил этади. Ғоваклиги 19,6%, нефтга тўйинганлик коэффициенти 0,85 ўтказувчанлиги  $250 \text{ мкм}^2$  гача.

### *Гидрогеологик тавсифи*

Миршоди нефт кони қатлам сувларининг гидрогеологик режимига кўра ёпиқ тузилмаларга киради.

Миршоди конида қудуқларни бурғилаш ва синаш жараёнида иккита сув сиқуви комплекси аниқланди: алай-риштон ва сенон-палеоцен.

### *Миршоди кони ишланинг қисқача тавсифи*

Барча нефт қудуқлари фаввора усулида ишлатилди. Конда нефт бухоро қатламишининг I ва II горизонтларидан олинади (5.1.1-жадвал).

2005 йил охирига эксплуатация қудуқлар мажмуи 9 тани ташкил этди. Шундан ҳаракатдаги қудуқлар мажмуи ҳам 9та 2005 йилга нисбатан эксплуатация қудуқлар мажмуи 1 тага күпайди.

### *Нефт ва газ қазиб чиқариши ҳаракати*

2005 йилда кондан 118172 м<sup>3</sup> суюқлик қазиб чиқарылди, шундан: 52991 тонна нефт, 65181 м<sup>3</sup> сувдир. 2005 йилга нисбатан нефт қазиб чиқарышда 15429 тоннага кам ва сув қазиб чиқарышда 26774 м<sup>3</sup> га күпайди.

Нефт қазиб чиқарышни бир меъёрда ушлаб туриш асосан конда геологик-техник тадбирларни ўтказиш натижасидир. Шу жумладан конда 1-қудуқда қатламдан суюқлик келиш тикланиб 1703 тн (24-сонли қудуқда) нефт, 1 та қудуқда юқори маҳсулдор қатламга ўтилиб, қатлам суви олинди.

Йил давомида қудуқлар мажмуи 2753 қудук-кун ишлади. Бу олдинги йилга нисбатан 2 қудук-кун күпdir. Қудуқлар ўртача кунлик суюқлик қазиб чиқариш миқдори 42,9 м<sup>3</sup>/кунни ташкил этди, шундан нефт-19,2 тн/кун, сув-23,7 м<sup>3</sup>/кун. 2005 йилга нисбатан суюқлик қазиб чиқариш 4,1 м<sup>3</sup>/кунга ва сув қазиб чиқарышда 9,8 м<sup>3</sup>/кунга күпайган бўлса, нефт қазиб чиқарышда 5,7тн/кунга камайиб кетди. Қудуқларнинг умумий сувланиши 55,2% ни ташкил этди. Бу ўтган йилга нисбатан 19,2 % га кўтарилиб кетди. Бундан кўриниб турибдики конда қудуқларнинг сувланиш фоизи табиий тезланиши ошганлигини кўрсатади.

Конда қудуқларнинг сувланиш фоизи ўтган йилларга нисбатан ортиб бормоқда. Бунга мисол 2006 йилда асосий нефт берадиган қудуқлардан 13-сонли қудук сувланиши 24,4% дан 36,8% га, 24сонли қудук 15,2% дан 33,0% га, 25-сонли қудук 63,3% дан 88% га, 27-сонли қудук 66,3% дан 88% га, 29-сонли қудук 40% дан 80% га, 30-сонли қудуқда 5% дан 88,4% га, 38-сонли қудуқда 73% дан 100% га ошиб кетди. Юқоридагилардан хulosса қилиб айтадиган бўлсак, конда барча қатламларда сув-нефт чегараси анча қисқариб бораётганлиги маълум бўлди.

Миршоди конида нефт қазиб чиқарыш баъзи қийинчиликлар билан боғлиқ. Ишчи қувур деворига парафин ёпишиши натижасида қувур ички диаметрига парафин ўтириши натижасида кичрайиб, беркилиб қолишигача боради, шунинг учун қувурларга кимёвий қоришка МЛ-80, газ конденсати ва иссиқ сув ёрдамида ҳар 10-12 кунда ишлов берилди ва шу билан қудуқларнинг технологик меъёр бўйича ишлаши таъминлаб борилди. Конда йил давомида қудуқлар ичини иссиқ сув бмлан 20 маротаба, конденсат билан 78 маротаба ва МЛ-80 билан ишлов берилди.

## *Қатлам босими ва газ омили ҳаракати*

Қатлам босими қудуклардаги мувозанат босимини қудук устида ўлчаш ёрдамида ҳисоб-китоб йўли билан аниқланди. 2006 йилда қатлам босими 2005 йилга нисбатан камаймади ва 200 атм босимни ташкил этди. Конда нефт билан чиққан сув ажратиб олиниб қатламга қайтариб ҳайдаш давом эттирилди.

Конда олинаётган нефт таркибидаги эриган газ миқдори кам бўлиб, саноат аҳамиятига эга эмас. 2006 йилда нефт билан бирга  $150662 \text{ m}^3$  йўлдош газ олинди. Газ омили  $3 \text{ m}^3/\text{тоннани}$  ташкил этди. Йўлдош газ нефтдан ажратиб олингандан кейин машъалада ёқилади.

### **4.2. Юқори қовушқоқ нефтли конларда нефт бера олишликни оширишнинг умумий тавсифи**

Ишлатилаётган конлардан нефт олиш даражасини ошириш ёки, нефтичилар ибораси билан айтганда қатламларни якуний нефт бера олишликини ошириш муаммоси кейинги йилларда энг муҳим иқтисодий вазифалардан бири бўлиб қолди.

Нефт оловчи ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланиш режаларида нефт захираларидан тўлароқ фойдаланиш, қатламларни нефт бера олишликини ошириш ва бу йўналишда илмий-тадқиқот, синов ва саноат миқёсида янги усувлар татбиқ этиш кўзда тутилган.

1970 йиллардаги дунё энергия инқирозидан сўнг нефт дунё ёқилғи энергия мажмуасининг асоси бўлиб қолди.

Одатда, ушбу даврдаги қатламларга нефт бера олишликини ошириш муаммолари ҳолати конларни турли геологик-физик шароитларда амалиётда эришиладиган нефт бера олишлиги, унга турли кўрсаткичларни таъсири, қатламларни нефт бера олишликини ошириш усувларини истиқболи ва асосий йўналишлари муҳокама қилинади.

Келажакда керак бўлиши мумкин бўлган хом ашё ва техник таъминот, иқтисодий шароитлар, нефт олиш даражасини ва олинадиган захираларни ошириш имкониятлари, атроф ва геологик муҳитга таъсир этиш саволлари алоҳида ўрин тутади.

Конларга сув бостириш усули, турли қатламдаги жараёнларда ва амалга ошириш шароитларида, кенг қўлланилишига қарамасдан нисбатан

тўлиқ ўрганилмаган. Сув бостиришдан сўнг қолган нефтнинг ҳолати, унинг ҳажмига ва тақсимланганлигига турли кўрсаткичларни таъсири кўп мунозараларга сабаб бўлиб, бу усулнинг самарадорлиги айrim ҳолларда амалиёт талабларига жавоб бермаяпти. Шу сабабли кейинги 15-20 йил давомида мутахассислар бу усул самара бермаган конларда, турли омилларни, газларни ва иссиқликни қўллаш асосидаги янги усулларни қидирмоқдалар.

Қатламларни нефт бера олишини ошириш усуллари жуда мураккаб, кўп харажатли ва нисбатан кам ўрганилган жараён бўлиб, самарадорлиги кўп геологик, физик ва технологик кўрсаткичларга боғлиқ. Бу усуллар билан 1 тонна нефт олишга сарф қилинган қувват оддий сув бостириш усулига нисбатан 5-10 марта кўп. Янги усулларни синаш ва қўллаш тўла аниқ бўлмаган геологик-физик шароитларда амалга оширилганда қатламларни нефт бера олишлигини ошириш усулларидан самарасиз натижা олиш ва иқтисодий йўқотишлар эҳтимоли катта бўлади. Қатламларни нефт бера олишлигини ошириш ишида, таклиф этилган усулларнинг ўрганганлик даражаси ва амалиётда қўллаш натижасида олинган маълумотлари асосида ҳозирги ҳолатини ва муаммоларини ўрганиб, уларни қўллашдаги қийинчиликларни ёритиш ва самарали қўллаш шарт - шароитларини аниқлашдан иборат.

Нефт саноатини ривожланиши тарихи давомида қатламларни нефт бера олишлигини ошириш энг долзарб ва кескин муаммоларидан бири ҳисобланади.

### *Қатламларни тузилиши ва хоссалари*

Қатламлардан нефт олиш жараёнини самарали бошқаришда нефт бера олишиликни иссиқлик усуллари билан ошириш муаммоларини ҳал этишда қатламларни тузилиши ва хоссалари, уларда нефтни тўпланганлиги, ётиш, тўйиниш ва сизиш шароитлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш керак. Нефт уюмларини тузилиши мураккаблигини тасаввур этиш жуда кейин. Нефт ва газ қатламларини физик ва сизиш хоссалари тартибсиз ўзгаради, маҳсулдор қатлам ўтказувчан бўлмаган қатламчалар билан бўлинганлиги сабабли, унинг қалинлиги нефт ва газлилик майдони бўйлаб фарқ қиласди.

Нефт олиш билан шуғулланувчи мутахассислар жуда оғир вазиятда бўладилар. Улар ўзлари ўрганаётган ва ишлаётган нефт қатламини бевосита кўриш ва ўлчаш имкониятига эга эмаслар. Нефт заҳираларини ҳисоблашда ва ишлашини лойиҳалашда асос қилиб олинган қатлам модели айrim қудуклардан олинган ва тўлиқ бўлмаган маълумотларга асосланади. Шу сабабли нефт ва газ уюмларини тузилиши ва заҳиралари ҳақидаги тушунчалар нисбийдир. Кўп ҳолларда нефт конларини ишлашни бошланғич даврида қабул қилинган

моделлари конларни ҳамма тузилиш хусусиятларига мос келмаслиги мумкин. Нефт конларини ишлаш даврида олинган янги маълумотлари асосида унинг геологик тузилиши тўхтовсиз аниқланиб борилади ва ишлаш тизимиға ўзгартирислар киритилади. Нефт конларининг ишлаш тажрибаси уларнинг самарадорлигига ва қатламлардан нефт олиш даражасига қатламларни макротурлилиги, коллекторларни нефтга тўйинганлиги, тоғ жинсларининг таркиби, ғовак муҳитларнинг ҳўлланувчанлиги ва бошқа кўрсаткичларни катта таъсир этишини кўрсатмоқда. Юқорида қайд этилган кўрсаткичлар нефт конларида кенг қўламда ўзгаради ва шу сабабли қатламларни нефт бера олишигини олишириш муаммоларини ҳал этишда албатта инобатга олиниши керак.

### *Коллекторлар турлари*

Нефт ва газ коллекторларининг асосий кўрсаткичларига уларнинг ҳажмий ва сизиш хоссалари, литологик тартиби, ғоваклиги ва ўтказувчанлиги киради. Нефт ва газ коллекторлари терриген ва карбонат турларига бўлинади.

Терриген турдаги коллекторлар турли ўлчамдаги минерал заррачалар ва жинс бўлакларидан тузилган бўлиб, турли семонлар билан семонланган бўлади. Одатда бу жинслар турли даражада қумтошлар, алевролитлар ва уларни гил ва аргиллит аралашмалари билан семонланган бўлади. Терриген коллекторларни тавсифлашда минерологик донадорлик хоссалари катта аҳамиятга эга.

Минералогия таркибига кўра терриген коллекторлар кварцли ва полимиктли жинсларга бўлинади. Кварцли коллектор табиатда чўкинди йиғилиш жараёнида заррачалар асосий қисмини ташкил этган шароитда пайдо бўлади. Бу ҳолда пайдо бўлган жинс қумли асосга (95-98% гача) эга бўлиб, одатда юқори коллекторлик, ғоваклик ва ўтказувчанлик хоссаларига эга бўлади. Бошланғич нефтга тўйинганлик 80-95%, сувга тўйингалик эса 5-20% гача бўлиши мумкин. Полимиктли коллектор чўкинди йиғилиш жараёнида кварц заррачаларидан ташқари кўп фоизда дала шпатлари ва уларнинг кимёвий ўзгарган маҳсулотлари бўлганда пайдо бўлади. Ҳосил бўлган жинс гилли аралашмаларга (25-50% гача) эга бўлиб, унинг коллектор хоссаларини камайтиради. Полимиктли коллекторларда бошланғич сувга тўйинганлик 30% га этиши мумкин. Уларнинг ўтказувчанлиги 0,0001-0,001 дан 3-5 мкм<sup>2</sup> гача, ғоваклиги эса 12-14 дан 25-26% гача ўзгариши мумкин.

Карбонат коллекторлар асосан оҳактош ва доломитлардан ташкил топган юқори ғовакли, ўтказувчанли, нефт ва газга тўйинган, ғовак бўшликлари

иккиламчи ўзгаришлар таъсирида бўлмаган биоморфли, оргоногенли ва чақиқ карбонат жинслардан иборат. Бу карбонат коллекторлар  $0,3\text{-}1 \text{ мкм}^2$  гача ўтказувчанликка ва 20-35% гача ғовакликка эга бўлиши мумкин. Одатда бундай жинслар қумоқ-қумоқ, бўшроқ, кам семонланган (10% гача) бўлиб, нефт уюмида уларни бошлангич сувга тўйинганлиги 5-20% дан ошмайди.

Ўрта ғовакли ва ўрта ўтказувчанли карбонат коллекторларнинг ғовак бўшлиқларини иккиламчи ўзгариши натижасида 15-25% ғовакликка ва  $0,01\text{-}0,3 \text{ мкм}^2$  ўтказувчанликка эга бўлиб, юқори семонлашган (10-20%). Ўрта ғовакли карбонат жинсларни сувга тўйинганлиги 25-30% га этиши мумкин.

Кичик заррачали, кам ўтказувчанли, кам ғовакли карбонат коллекторлар пелетоморфли жинслардан иборат бўлиб, ғоваклиги 8-15%, ўтказувчанлиги  $0,0001\text{-}0,01 \text{ мкм}^2$ , сувга тўйинганлиги 35-50%. Бу турдаги карбонат коллекторларнинг бўшлиқлари ғоваклик билан сизиш хоссалари эса дарзлилик билан боғлиқ.

### *Нефтга тўйинни шароитлари*

Нефтни қатlam шароитидаги қовушқоқлиги унинг ғовак муҳитда ҳаракатчанлигини ва оқувчанлигини аниқловчи асосий хоссасидир.

Бир хил шароитда нефтни қатlam бўйлаб олувчи қудуқлар томон ҳаракатига сарф этилган энергия ёки кучлар нефтнинг қовушқоқлигига тўғри, сизиш тезлиги ва суюқлик сарфи (маҳсул миқдори) тескари боғлиқликга эга.

Нефт уюми оралиғида нефтнинг қовушқоқлиги унинг устки қисмидан остки қисмигача 1,5-2 марта ўзгариши мумкин.

Қатlam нефтнинг қовушқоқлиги ишлаш усууларини асослаш учун муҳим кўрсаткич бўлганлиги сабабли уни бутун уюм ҳажми бўйича аниқлаш талааб этилади.

### **Қатlamларни нефт берага олишлигини ошириш усууларини таснифи ва қўллашдан мақсад**

Нефт берага олишликни ошириш усуулари сув ва газ босган қатlam қисмларидаги тарқоқ нефтга, сув бостирилган қатlamдаги катта нефтга тўйинган қатlamчаларга ва қудуқлар тўри билан қамраб олинмаган линзаларга самарали таъсири этиши керак. Қолдиқ нефтга тўйинганликни кўп турли ҳолати нефт, сув ва газ хоссаларини кенг кўламда ўзгариши сабабли қатlamларни нефт берага олишлигини ягона ошириш усули йўқ.

Қатламларни нефт берә олишлигини оширишни маълум усуллари асосан қолдик нефтга тўйинганликни келтириб чиқарувчи сабабларни камайтиришга қаратилгандир. Ишчи омилларнинг турига кўра маълум қатламларни нефт берә олишликини ошириш усулларини қуидагича таснифлаштирилади (5.1-чизма). Маълум қатламларни нефт берә олишлигини ошириш усуллари асосида сув бостириш бўлиб, сув ҳамма ишчи омилларнинг асосий таркибини ташкил этади, унга кимё маҳсулотлари, газ, ҳаво, иссиқлик ташувчилар ва эритувчилар қўшилади.


Нефт уюмларини оддий сув бостиришда, сувга фаол ишчи омиллар кўшмасдан, сув бостириш билан қамраб олинганлигини ва нефт берә олишлигини қатламларнинг геологик тузилиш хусусиятларига мос келувчи технологияларини ва сув бостириш усулларини қўллаб ошириш мумкин (қат-қат қатламларга даврий таъсир этиш, майдон бўйлаб турли бўлган қатламларда оқим йўналишини ўзгартириш, ажралган линзаларга алоҳида кудуқлар қазиш ва бошқ.).


Қўйида (5.2.3-жадвал) қолдик нефтни пайдо бўлиш сабаблари ва уни олиш йўллари келтирилган.

Сувга фаол ишчи омилларни (сирт фаол модда, полимер, ишқор, углеводород икки оксиди, углеводород гази, мицелляр эритмалар) қўшиш қатламларни сув бостириш билан қамраб олинганлигини ошириш ва сув бостирилган қисмларидан қолдик нефтни сиқиб чиқариш мақсадида амалга оширилади [4, 7, 15].

Бу ҳамма усуллар нефт берә олишликини оширишда турли имкониятларга эга ва уларни қўллаш шароитлари бир-биридан фарқ қиласи (5.1.4-жадвал).

Сув бостирилган қатлам қисмларида қолган нефтни факат мицеляр эритмалари ва карбонат ангидрид гази самарали сиқиб чиқаради, чунки улар нефтни сиқиб чиқарувчи омил билан аралашиб кетишини таъминлаб, нефтни





**4.1. - чизма. Қатламларни нефт бераолишилигини ошириш усуллари таснифи**

### Қолдик нефтни пайдо бўлиш сабаблари ва уни олиш йўллари

<b>Ҳосил бўлиш сабаблари</b>	<b>Олиш йўллари</b>
Қатламларни бўлинган ва узилган ҳажми уюмнинг 0,1-0,8 ҳажмини ташкил этади	Кудуқларни жойлаштириш ҳисобига сиздириш билан қамраб олинганликни ошириш, қатламларни очиш (ишлишда иштирок этмаётган) ҳайдаш босимини мувофиқлаштириш
Қатlam ўтказувчанлиги бўйича турлилиги 0,011 дан 3 - 4 мкм <sup>2</sup>	Сув учун фаза ўтказувчанлиги камайтириш, қовушқоқлигини ошириш ва бошқа тадбирлар ҳисобига қатламларни ўтказувчанлигини тенглаштириш
Нефтнинг қовушқоқлиги сувникидан катта ва 1 - 5 дан 50 - 1000 мПа*с гача	Нефт қовушқоқлигини камайтириш, сувни қовушқоқлигини ошириш, нефт ҳажмини кенгайтириш
Нефтни сув ва жинс туташувидаги фазалараро молекуляр кучлар 18-30 мН/м ташкил этади	Нефт-сув туташувидаги фазалараро тортишиш кучларини камайтириш, ғовак муҳитни хўлланувчанлигини ошириш
Қатламнинг микротурлилиги, ғовак муҳитни солиширма юзаси - $(0,05-3)*10^4$ см <sup>2</sup> /см <sup>3</sup>	Молекуляр кучларни камайтириш ва гравитацион кучлар таъсирини ошириш

### Қатламларни нефт берга олишилигини ошириш усусларини имкониятлари ва қўллаш шароитлари

Ишчи омил	Нефт берга олишиликни ошириш, %	Қўллаш шароитларини критик кўрсаткичлари
Сув+газ	5-10	Гравитацион ажралиш.

		Маҳсулдорликни камайтириш.
Полимерлар	5-8	Сув ва қатламни тузлилиги. Маҳсулдорликни камайтириш.
Ишқорлар	2-8	Нефтни фаоллиги
Мициляр эритмалар	8-20	Технологиянинг мураккаблиги. Сув ва қатламнинг тузлилиги. Маҳсулдорликни камайиши.
Углерод икки оксиди	8-15	Қамраб олишни камайиши. Тикланиш, занглаш.
Буғ	15-35	Иссиқлик йўқолиши. Кичик чукурлик. Қум чиқиши. Техник муаммолар.
Ҳаво+сув (ёниш)	15-30	Амалга оширишдаги мураккаблик. Ёниш билан қамраб олинганлик. Техник муаммолар. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.

ушлаб қолувчи капилляр кучлар таъсирини йўқотади. Қат-қат турли ва майдон бўйлаб турли қатламларни сув бостириш билан қамраб олишни оширишга полимер эритмалари, карбонат ангидрид гази, сув ва газ аралашмалари даврий таъсир этиш, суюқлик оқими йўналишини ўзгартириш, ишқорлар кодир бўлиб, улар сувлар ҳаракатчанлигини ва оқим турлилигини камайтиради. Буғ ва қатлам ичра ёниш ёрдамида нефтнинг қовушқоқлиги камайтирилиб, уни сиқиб чиқариш ва қатламни қамраб олишда ортиши, оддий сув бостириш усулига нисбатан, фақат юкори қовушқоқ нефтли уюмларда рўй беради. Сувда эрувчи сирт фаол моддалар, сульфат кислотаси қатлам нефт бера олишлигини асосан қудуқлардаги қатламни ишлаётган қалинлигини ошириш ҳисобига кўпайтиради, чунки улар фазалар орасидаги тортишиш кучини кам пасайтиради.

Ажралган линзаларда ва қатламда қолган нефтни факат маҳсус қазилган ёки бошқа горизонтлардан ўтказилган қудуқлар ёрдамида олиш мумкин.

### **Қатламларни нефт берга олишлигини ошириш усулларини самарали қўллаш шароитлари**

Қатламларни нефт бера олишлигини оширишни ҳамма маълум усулларини қўллаш мураккаб ва қимматdir. Нефт конларини янги усуллар қўллаб ишлашда, қатламларда мураккаб жараёнлар ва ҳодисалар рўй беради. Кимёвий омилларнинг адсорбцияси ва десорбцияси, эритмалар тузилишининг ва мураккаб молекулаларнинг бузилиши, фазавий ўтишлар, масса кўчиши, диффузия, дистилляция ва нефтнинг оксидланиши, иссиқликнинг кондуктив ва конвектив қўчиши, кимёвий реакциялар ва моддаларнинг ўзгариши, туз чўкиндиларининг ҳосил бўлиши, ҳўлланиш инверсияси, капилляр жараёнлари ва сиртқи ҳодисалар, гравитация ва бошқалар ҳозирги вақтда кам ўрганилган бўлиб, мухим тадқиқотларни ўтказишни талаб этади. Бу жараён ва ҳодисалар нефт олиш механизми хусусиятларини ва қатламларни нефт бера олишлигини ошириш усулларини самарадорлигини таъминлайди. Амалиётдаги синов-саноат миқёсдаги тажрибаларни кўрсатишича қатламларни нефт бера олишлигини ошириш усуллари билан ишлаш, сув бостириш усулига нисбатан 5-10 марта қиммат. Шунинг учун қатламларни нефт бера олишлигини ошириш усулларини самарали қўллаш факат оқилона технологик жараён ўрнатилган илмий асосланган лойиҳалар (тарҳлар) асосида амалга ошириш мумкин.

Қатламларни нефт бера олишлигини ошириш усулларини оқилона технологияларини лойиҳалаш учун қўйидагилар маълум бўлиши керак.

Конларни тузилиши ва ҳолати, қатламларни коллекторлик хоссаларини ўзгариши, макро ва микротурлилиги, бутун уюм ҳажми бўйича қатламларни нефт, сув ва газга жорий тўйинганлик ҳолатини муфассал билиш.

Тажрибахонада унинг қатlam шароитидаги хусусиятлари ва самарадорлигини ўрганилганлиги асосида, жараённи механизми ва амалга ошириш технологияси ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш.

Турли геологик - физик шароитларда ва технологияларда конларда синов-синоат синаши асосида усул самарадорлигининг натижаларига эга бўлиш.

Конларини ишлашини тўлиқ акс эттирувчи жараённинг математик модели бўлиши керак.

Юқорида келтирилган шартлар бажарилган ҳолдагина қатламларни янги нефт бера олишлик усулларини самарали технологик тархи (ложиҳаси) тузилиши мумкин.

Лойиҳадаги технологик жараённи амалга ошириш учун қўйидагилар бажарилиши керак.

Керак бўлган материал-техник воситалар ва капитал маблағлар билан таъминланиши.

Лойиҳадаги технологияни, жараённи бошлаш муддатини, ишчи омилларни ҳажми ва концентрациясини, ҳайдаш босимини, олиш суръатларини, қудуқларини жойлаштириш тартибини бажаришга қаратилган ишларни аниқ, ташкил этилиши [14].

Қатламларни янги нефт берса олишликтин ошириш усулларини мураккаблиги ва қимматлига сабабли уларни амалиётта жорий этишни бир неча босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Одатда қатламларни нефт берса олишилгига оширишни янги усуллари қуйидаги босқичлардан ўтади.

**Тажрибахонада ўрганиш.** Намуналарда, суюқликларда босимда ва ҳароратда қатлам шароитини моделлаштириб жараён хусусиятларини аниқлаш.

**Саноат намойиши.** Жараён самарадорлигини сифатан тасдиқлаш учун коннинг кичик майдонида амалга ошириш.

**Саноат тажрибаси.** Технологик самарадорликни микдоран аниқлаш учун жараённи хақиқий конлар шароитида амалга ошириш.

**Синов-саноат синаши.** Ҳақиқий технологик ва иқтисодий самарадорликни, қўллашни оқилона шароитларини аниқлаш мақсадида жараённи турли қудуқлар тўри технологиялар билан синаш.

**Саноатда тадбиқ этиш.** Нефт олишни ва олинадиган захираларни ошириш учун бутун уюм миқиёсида қўллаш.

Мураккаб қатламларни нефт берса олишилик усулларини амалга оширишни ва ўрганишни бундай кетма-кетлиги юқори самарадорликни таъминлаш учун шарт бўлиб, шошма шошарлак катта ҳаражатлар йўқотилишига олиб келиши мумкин.

## **Қатламларни нефт берса олишилгини ошириш усулларини қўллаш мезонлари**

Геологик - физик хоссалари ва ишлаш шароити маълум нефт конларнида (уюмларида), юқори иқтисодий қўрсаткичларни таъминлаш, нефт олиш суръатларини ва олинадаган захираларини ошириш учун, қатламларни нефт берса олишилгини оширишни усуллари қандай танланади? Бу саволга жавоб бериш мураккаб вазифа, чунки ҳар қандай кон (уюм) учун бир нечта усуллар қўлланилиши мумкин. Энг самарали усулни танлаш учун қуйидагиларни билиш керак:

- қатламларни нефтга тўйинганлиги (сувга тўйинганлиги) ёки уларни камайганлиги даражаси;
- қатламдаги нефти ва сувни хоссалари (қовушқоқлиги, олтингугурт, парафин, асфальтин, қатрон, тузлар микдори);
- коллектор ва унинг хоссалари (қумтош, алевролит, оҳактош,

ўтказувчанлиги, қалинлиги, турлилиги, узилганлиги, бўлинганлиги, чукурлиги, солиширма юзаси, моддалар таркиби, гиллиги, туз таркиби);

- бурғуланган қудукларнинг жойлашиши ва техник ҳолати;
- материал ва техник воситаларнинг борлиги, уларнинг сифати, таърифи ва нархи;
- нефтни сотиш нархи;
- нефтни оширишга бўлган талаб.

Уларнинг жами кўп вариантли вазифани юзага келтириб, у фақат маҳсус изланишлар ва илгаридан берилган талаблар, техник ва иқтисодий таҳлил асосида ҳал этилиши мумкин. Юқоридаги учта биринчи келтирилган шартлар (қатламларни, нефтларни ва сувларни геологик - физик хоссалари) қатламларни нефт бера олишлигини оширишни мақсадга мувофиқ усулини танлаш кучли таъсир этсада аниқ жавоб бера олмайди (5.1.5 ва 5.1.6- жадваллар).

Кўплаб ўтказилган тадқиқотлар ва синов - синоат синашлари натижасида қатламларни нефт бера олишлигини оширишни иссиқлик усусларини самарали қўллаш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар 5.1.6-жадвалда келтирилган.

Уларни таҳлили усусларни қўллашни ҳамма чегараловчи мезонларини ажратиш имкониятини беради.

**1. Қатламларни дарзилилиги.** Қатламларни чегаравий турлилиги бундай ҳолларда қиммат ишчи омилларни олувчи қудукларга тез ёриб ўтишини юзага келтириб, ишчи омиллардан оқилона фойдаланмасликка олиб

#### 4.3.-жадвал

### **Қатламни нефт бера олишлигини ошириш усусларини геологик-физик шароитларга боғлиқлиги**

Нефт, сув	Қатлам	Усул
Камқовушқоқли нефт, таркибида тузлар кам бўлган сув, хусусан кальций ва магний	Кумли заифлашмаган, юқори ўтказувчанли, кам ўтказувчанли, бир турли бўлмаган	Сув бостириш, даврий таъ-сир этиш, сувгаз аралашмаси ҳайдаш, юқори босимли газни қўллаш
Камқовушқоқли нефт, тарки-бида тузлар кам бўлган сув, хусусан кальций ва магний	Карбонатли заифлашмаган, юқори ўтказувчанли, дарзли, ғовакли.	Сув бостириш, даврий таъ-сир этиш, ишқорларни қўл-лаш таъсир этмасдан ишлаш.

	<p>Күмли заифлашган, сув бос-тирилган катта ўтказувчан-ли, ягона катта қатlamли.</p> <p>Сув бостирилган, карбонат-ли, юқори ўтказувчанли, бир турли бўлмаган</p>	<p>Мицелляр эритмалар, карбо-нат ангидрит гази, сувгаз аралашмаларини ҳайдаш</p> <p>Карбонат ангидрит гази, даврий таъсир этиш</p>
Ўрта қовушқоқли, қатронли, парафинли нефт, тузлар кам бўлган сув, хусусан кальций ва магний	<p>Күмли заифлашмаган, юқори ўтказувчанли, кам ўтказувчанли.</p> <p>Заифлашмаган карбонатли, юқори ўтказувчанли, кам ўтказувчанли, дарзлиғовакли.</p> <p>Сув бостирилган, қумли, юқори ўтказувчанли, ягона катта қатlamли, бир турли</p>	<p>Сув бостириш (иссиқ сув), полимерларни қўллаш, сув-газ аралашмаларини, ишқор-ларини ҳайдаш.</p> <p>Сув бостириш (иссиқ сув), даврий таъ-сир этиш, ишқор ҳайдаш, карбонат ангидрит гази.</p> <p>Карбонат ангидрит газини қўллаш, микроэмulsionлар, сув-газ аралашмаларини ҳайдаш.</p>
Юқори қовушқоқли, оғир нефт, қатlam суви таркибида тузлар миқдори кўп	<p>Катта чуқурликда жойлаш-ган, қумли, юқори ўтказув-чанли, кам ўтказувчанли.</p> <p>Күмли, юқори ўтказувчанли, кам ўтказувчанли, катта чуқурликда бўлмаган</p>	<p>Қатlam ичра ёниш.</p> <p>Буг ҳайдаш, даврий ишловлар бериш.</p>

4.4.-жадвал

#### **Қатlamларини нефт берга олишлигини оширувчи иссиқлик усулларини қўллашни асосий мезонлари**

Кўрсаткичлар	Қатлам ичра ёниш	Буғ билан сиқиб чиқариш	Даврий буғ ишлови	Иссиқ сув билан сиқиб чиқариш
Қатлам нефтни қовушқоқлиги мПа*с	>10	>50	>100	>5
Нефтга тўйинганлик, %	>50	>50	>50	>50
Қатлам босими, МПа	чегараланмага н	чегараланмага н	чегараланмага н	чегараланмага н
Ўтказувчаник, мкм <sup>2</sup>	>0,1	>0,2	чегараланмага н	чегараланмага н
Қатлам қалинлиги, м	>3	>6	>6	>3
Дарзлик	Мос келмайдиган кўрсаткич			
Литология	чегараланмага н	чегараланмага н	чегараланмага н	чегараланмага н
Қатлам чуқурлиги, м	>1500	<1200	<1200	<1500
Қатламда гил микдори, %	чегараланмага н	5-10	5-10	5-10
Кудуклар тўри зичлиги, га/кудук	<16	<6	чегараланмага н	чегараланмага н

келади. Қатламларининг умумий ғовак ҳажмини 1,5 - 2% дарзликлар ҳажми ташкил этганда, уларнинг гидроўтказувчанлиги қатламнинг умумий гидроўтказувчанлигини 60 - 80% ташкил этиши мумкин. Шунинг учун катта дарзли қатламларнинг ишчи омил билан кам қамраб олиниши сабабли қўшимча олинган нефт микдори кўп бўлмайди ва жараённи қўллаш даврида сарф қилинган ҳаражатларни оқламаслиги мумкин.

**2. Газ дўпписи.** Қатламни айрим қисмида табиий ёки сунъий юқори газга тўйинганликни бўлиши ҳамма усуллар учун яхши кўрсатгич ҳисобланмайди, чунки ҳайдалаётган ишчи омиллар нефтга тўйинган қисмга нисбатан катта ўтказувчанликка эга газ қисми томон ҳаракатга келади. Натижада, худди дарзли қатламдаги каби, ишчи омилларни самарасиз сарф қилиниши содир бўлади.

**3. Қатламларни юқори сувга тўйинганлиги.** Қатламларни юқори сувга тўйинганлиги (70 -15% дан юқори) ҳамма маълум нефт ошириш усулларини қўллаш учун йўл қўйиб бўлмайдиган кўрсатгич ҳисобланади. Бундай ҳолларда ишчи омилларини сиқиб чиқариш қобилиятини 25 - 30% дан фойдаланиб қолган қисми қатламни сувга тўйинган қисмларида бефойда сарф бўлади. Кўп усуллар (буғ билан сиқиб чиқариш, сувда эрувчи сирт фаол моддалар, қатлам ичра ёниш) сарф қилинган ҳаражатларни қопланмаслиги сабабли, қатламларни нефтга тўйинганлиги 50% дан кам бўлганда қўлланилмайди. Агарда қатламдаги қолдиқ нефтнинг асосий қисми сув бостирилган ҳажмда тарқалган ҳолатда бўлса, нефти ҳаракатланувчанлигини оширишни таъминловчи усуллар қўлланилади (карбонат ангидрит гази, мицеляр эритмалари). Қатламдаги қолдиқ нефтнинг асосий қисми ишлаш билан қамраб олинмаган қатламчаларда бўлса, сиқиб чиқариш билан қамраб олинганикни оширувчи усуллар қўлланилади (полимерлар, сувгаз аралашмалари, ишқорлар). Шу сабабли қатламларнинг нефтга тўйинганлиги, нефт бера олишликни ошириш усулларини қўллашдан олдин маълум бўлиши керак бўлган энг муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Қатламларни бошлангич нефтга тўйинганлиги қанча катта бўлса ҳамма нефт бера олишикни ошириш усулларини мутлоқ ва нисбий технологик ва иқтисодий самарадорлиги шунча катта бўлиши тасдиқланган.

**4. Фаол сув тазиқли режим.** Нефт уюми фаол табиий сув тазиқли режимда ишлашда ишлашида (одатда ўлчамлари кичик, ўтказувчанлиги юқори ва нефтнинг қовушқоқлиги кичик бўлган ҳолларда), қатламнинг чекка ва остки сувларининг сиқиб чиқарилиши натижасида қатламнинг сув бостириш билан юқори даражада қамраб олинишига ва қатламнинг кичик қолдиқ нефтга тўйинганлигига (25 - 30% дан кичик) эришилади. Бундай ҳолларда қолдиқ нефтга тўйинганликни кичикилиги қатламларни нефт бера олишликни ошириш усулларини қўллаш имкониятларини йўқка чиқаради. Фаол сув тазиқидаги уюмнинг чекка қисмларида қиммат ишчи омиллар билан самарали таъсир этиш имконияти йўқ. Уларни чегара ташқарисидаги қудуқларга ҳайдаш ишчи омилларини йўқотилишига, чегара ичкарисидаги қудуқларга ҳайдаш эса самарадорликни пасайишига олиб келади.

**5. Нефтнинг қовушқоқлиги.** Кўп ҳолларда иқтисодий мезонларга кўра бу энг асосий кўрсаткич ҳисобланади. Оддий сув бостириш асосида амалга ошириладиган ҳамма физик - кимёвий усуллар нефтнинг қовушқоқлиги 25 - 30 мПа<sup>\*</sup>с дан кичик бўлганда иқтисодий нуқтаи назардан ўзини оклади. Юқори ўтказувчанли қатламларда полимерли сув бостириш усулини нефтнинг қовушқоқлиги

нисбатан юқори бўлганда ( $100 - 150$  мПа $^*$ с гача) амалга ошириш мумкин. Иссиклик усусларини (нефтни буғ билан сиқиб чиқариш, қатlam ичра ёниш, даврий буғ билан ишлов бериш) нефтнинг қовушқоқлиги катта бўлган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки иссиқлик ҳисобига нефтнинг қовушқоқлигини камайиши ҳисобига катта самарадорликка эришилади. Бироқ нефтнинг қовушқоқлиги  $500 - 1000$  мПа $^*$ с дан катта бўлганда иссиқлик усуслари ҳам самарасиз бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда жуда зич қудуқлар тўри ( $1 - 2$  га/қудуқ дан кам) зарур бўлиб, бу эса ўз навбатида ўзини қопламай-диган катта ҳаражатларни ва энергия сарфини талаб қиласди.

**6. Сувнинг қаттиқлиги ва шўрлиги.** Қатlamларни нефт берада олишлигини ошириш усусларини қўллаш учун қатlam сувини ва ишчи омилларни тайёрлашда фойдаланадиган сувларнинг хоссалари катта аҳамиятга эга. Ҳамма физик - кимёвий усуслар сувнинг шўрлиги катта бўлганда (айниқса катта миқдорда кальций ва магний тузлари бўлганда) ўз самарадорлигини кескин камайтиради. Чунки қатламда кимёвий омилларни ютилиши, чўқиндиларнинг ҳосил бўлиши, омилларнинг сиқиб чиқариш хусусиятларини пасайиши каби ҳодисалар рўй беради. Бундан ташқари кимёвий эритмаларни тайёрлашда қатламда олtingугурт ҳосил бўлишини, микроорганизмларни эритмаларни бузиб юборишини ва аслахаларни емирилишини олдини олиш максадида, сувларни кислород ва биорганизмлардан тозалаш керак. Иссиклик усуслари учун сувнинг бу хоссалари катта аҳамиятга эга эмас.

**7. Коллекторларнинг гилланганлиги.** Нефт қатламларида гилларнинг кўп миқдорда бўлиши ( $10\%$  дан ортиқ) қатламларни нефт берада олишлигини ошириш усусларининг ҳаммаси учун салбий кўрсаткич ҳисобланади. Қатламда гиллар миқдори кўп бўлганда физик - кимёвий усусларни, кимё маҳсулотларини катта миқдорда ютилиши сабабли, самарадорлиги камаяди. Кимёвий моддаларнинг ютилиши ғовак муҳитнинг солиштирма юзасига боғлиқ бўлиб, алевролит ва полимиқт коллекторларда кварцли қумтошларга нисбатан  $10-50$  марта катта. Бунинг натижасида кимёвий маҳсулотлар эритмалардан ажралиб ҳайдовчи қудуқлар атрофига чўкиб қолади, қатламнинг асосий қисмидаги нефт камбағаллашган эритмалар билан сиқиб чиқарилиши кузатилади. Юқори гилли коллекторларда иссиқлик усусларини қўлланилиши олувчи қудуқлардан қум чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Қатламларни нефт берада олишлигини оширишни ҳамма усуслари учун юкорида келтирилган мезонлардан ташқари, геологик - физик шароитлари аниқ бўлган конлар учун қўйидаги қўшимча мезонлардан фойдаланиш керак.

## **1. Нефтни ёниш билан сиқиб чиқариш**

Нефтнинг қовушқоқлиги  $10$  мПа $^*$ с дан катта бўлиши керак, чунки қатламда нефтни ёниш жараёнини сақлаб туриш учун керакли миқдорда кокс (асфальтинлар)

керак бўлади. Қатламнинг қалинлиги 3 м дан ва ўтказувчанлиги  $0,1 \text{ мкм}^2$  дан кичик бўлган ҳолларда уюмни устки ва ости қисмида иссиқликнинг самарасиз йўқолиши сабабли, бу усулни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас.

Ёниш жараёнини назорат қилиш ва ёниш маҳсулотларини юқорига чиқиб кетмаслигини олдини олиш учун қатлам устидаги жинслар етарли даражада қалинликга эга бўлиши сабабли, қатламнинг чуқурлиги 150 м дан катта бўлиши керак.

## **2. Нефтни буг билан сиқиб чиқариш**

Қатлам қалинлиги 6 м дан кичик бўлган ҳолларда иқтисодий нуқтаи назардан максадга мувофиқ эмас. Уюмнинг усти ва ости орқали иссиқликнинг катта миқдорда йўқотилиши сабабли нефтни буг билан сиқиб чиқариш жараёни фойдасиз бўлиб қолади.

Иссиқликни қудук танаси бўйлаб йўқотилиши (ҳар 100 м чуқурликда 3% гача етиши мумкин) ва қувурлар биримасининг мустаҳкамлигини (айниқса қудук устида) сақлашни техник мураккаблиги сабабли қатламнинг ётиш чуқурлиги 1200 м дан кичик бўлиши керак.

Қатлам ўтказувчанлиги  $0,2 - 0,3 \text{ мкм}^2$  катта бўлганда нефтни сиқиб чиқариш мақсадга мувофиқ суръатда бўлиб, иссиқликни уюм устида ва остида йўқотилишини камайтиради.

Жараёндан иқтисодий самара олиш учун қудук танасидаги ва қатламдаги умумий иссиқлик йўқотилиши ҳайдовчи қудук устида берилган иссиқликни 50% катта бўлиши мумкин эмас.

Юқорида келтирилган қатламларни нефт бера олишлигини ошириш усулларини қўллаш мезонларини факат усулларни бошлиғич ажратиб олиш, жорий етиш истиқболларини аниқлаш ва қўлланиш миқёси имкониятларини аниқлашда фойдаланиш керак.

Ҳақиқий нефт конлари учун қатламларни нефт бера олишилик усулларини танлашда, юқоридаги мезонлар асосида икки ва ундан ортиқ усуллар мос келиб қолиш ҳолатлари бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда қатламларни нефт бера олишлигини оширишни у ёки бу усулни танлаш муфассал технологик ва иқтисодий ҳисоблар натижасида, материал - техник воситалари билан таъминланганлик ва зарур капитал маблағлар асосида ҳал этилади.

### **4.3. Юқори қовушқоқ нефтли конларни нефт бера**

**олишлигини ошириш усуллари**


Дунёдаги маълум нефт захираларини нисбатан катта қисми юқори қовушқоқлик билан хусусиятланади. Нефтни юқори қовушқоқлиги - унинг ғовак мухитда кам ҳаракатланув-чанлигини ва олишни қониқарсиз самарадорлигини аниқловчи асосий қўрсатгичлардан бири ҳисобланади. Нефтиң қовушқоқлиги ҳароратга катта боғлиқ, лекин қатlam ҳарорати ҳар доим ҳам етарли даражада катта эмас. Илмий тадқиқотлар натижалари ва конларни ишлаш тажрибаси қўрсатишича, қовушқоқлиги  $25\text{-}50 \text{ мПа}^*\text{с}$  дан юқори бўлган нефтларни самарали олиш учун уларни қовушқоқлигини пасайтириш мақсадида қатламларга иссиқлик билан таъсир этиш талаб қилинади. Нефтни ҳарорати  $20\text{-}25 {}^\circ\text{C}$  дан  $100\text{-}120 {}^\circ\text{C}$  гача оширилганда унинг қовушқоқлиги  $500\text{-}1000$  дан  $5\text{-}20 \text{ мПа}^*\text{с}$  гача пасайтириш мумкин (5.3.1-чизма).

Юқори қовушқоқ нефтли қатламларда амалиётда турли сунъий иссиқлик таъсир этиш усувлари қўлланилади: қатлам ичра ёниш (куруқ ва нам); нефтни буғ ва иссиқ сув билан сиқиб чиқариш; қудукларга даврий буғ билан ишлов бериш [1,2,3,4,5].

### Қатлам ичра ёниш, жараён механизми

Нефтни қатлам ичра ёниш усули ёрдамида олишни 30-чи йиллар бошларида А.Б.Шейнман ва К.К.Дубрава таклиф этишган. Жараён катта иссиқлик микдорини ажратилиши билан давом этувчи, нефтдаги углеводородларни қатламда ҳаводаги кислород билан оксидланиш реакциясига кириш хусусиятига асосланади. Бу жараён ер устидаги ёнишдан фарқ қиласи, Қатламнинг ўзида иссиқликнинг юзага келиши - бу усулнинг асосий афзаллигидир [1,2,3,4].

Қатламда нефтни ёниш жараёни одатда ҳайдовчи қудук туби атрофи



қизитилиб ва ҳаво ҳайдаб бошланади.

Ёниш бошланиши учун қатламга олиб келинадиган керакли иссиқликни қудук туби электр иситгичлари, газ ёндиригичлари ёки турли реакциялар ёрдамида олинади [12].

Кудук тубида ёниш ўчоғи ҳосил қилингандан сўнг, қатлам ичра ёниш жараёни давом этишини ва қатлам бўйлаб нефтни сиқиб чиқариш кўлами ҳаракатини таъминлаш учун, қатламга тўхтовсиз ҳаво ҳайдалади ва ёниш ўчоғидан ёниш маҳсулотлари ( $N_2$ ,  $CO_2$  ва бошқ.) чиқариб турилади.

Ёниш учун ёқилғи сифатида ёниш кўлами олдидағи, ёниш газлари, сув буғи, сув, нефтни буғланган фракциялари сиқиб чиқарилгандан сўнг қолган нефт сарфланади. Бу нефт дистилляция, крекинг ва бошқа мураккаб физик-кимёвий жараёнлар туфайли бошланғич ҳолатига нисбатан кескин ўзгарган бўлади. Шу сабабли нефтнинг энг оғир фракциялари ёниб кетади. Қатламни геологик-физик шароитларига боғлиқ равишда  $1m^3$  қатламда 10-40 кг ёки қатламдаги бошланғич нефт миқдорининг 6-25 % ёқилғи сифатида сарф бўлиши мумкин. Назарий ва конда ўтказилган тадқиқотлар натижасида ёқилаётган ёқилғи сарфи нефтнинг зичлиги ва қовушқоқлиги ортиши билан сарфнинг кўпайиши, қатлам ўзгарувчанлигини ортиши билан эса камайиши ўрнатилган.

Қатламга фақат ҳаво ҳайдалиб амалга оширилган, оддий (куруқ) қатлам ичра ёниш ҳолларида, унинг қатламга нисбатан иссиқлик сифими кам бўлганлиги сабабли қатламни қиздириш кўлами кўчаётган ёниш кўламидан ортда қолиши юз беради. Шу сабабли қатламда ҳосил қилинган иссиқликнинг асосий қисми (80 % гача ва ундан ортиқ) ёниш кўламидан ортда қолиб, атрофдаги жинсларда кўп тарқалиб кетади ва амалда фойдаланилмайди. Бу иссиқлик қатламни оралиқ қисмларида ёниш билан қамраб олинмаган нефтни кейинчалик сув билан сиқиб чиқариш жараёнига маълум ижобий таъсир кўрсатади.

Иссиқликнинг асосий массасидан ёниш кўлами олдидағи қатлам қисмida фойдаланиш, қатламда ҳосил қилинган иссиқликни нефтни сиқиб чиқариш кўламига яқинлаштириш жараён самарадорлигини кескин оширади.

Иссиқликни қатламдаги ёниш қўламининг орқадаги қисмидан олдинги қисмiga кўчириш учун ҳайдалаётган ҳавога иссиқлик сифими каттароқ миқдорда (сув) қўшиб, қатламда иссиқлик кўчишини яхшилаш керак. Шу сабабли кейинги йилларда нам ёниш усули кўпроқ қўлланилмоқда.

Нам қатлам ичра ёниш жараёни шундан иборатки, қатламга ҳаво билан бирга маълум миқдорда сув ҳайдалади.

Сув ҳаракатдаги ёниш күлами қиздирган жинсларга тегиб буғга айланади. Газ билан олиб кетилаётган буғ иссиқликни ёниш күлами олдига қўчиради, бу ерда асосан буғ билан тўйинган ва конденсацияланган иссиқ сувдан иборат, қатламни қиздирилган зоналари кенгайиб боради.

Қатлам ичра буғ хосил қилиниши - нефтни қатламдан сиқиб чиқариш механизмини катта даражада аниқловчи, нам ёнишни энг муҳим хусусиятларидан биридир. Қатламга ҳайдалаётган сув ва ҳаво ҳажмлари нисбатининг ўзгариши тахминан  $1-5 \text{ м}^3$  сувга  $1000 \text{ м}^3$  ҳаво оралиғида бўлади (ҳаво - сув нисбати  $(1-5) * 10^3 \text{ м}^3/\text{м}^3$ ). Ҳар бир қатлам учун сув - ҳаво нисбатининг катталиги жараёнини амалга оширишни кўплаб геологик - физик ва технологик шароитлари асосида аниқланади.


Сув - ҳаво нисбатини маълум даражагача ошириш қатламда нефтни оксидланиш жараёнини тўхтатишга сабаб бўлади. Сув-ҳаво нисбатини камайтириш ёниш күламини қисқартиради, ёниш ҳароратини оширади ва қатламга иссиқлик таъсири самарадорлигини (нефт олишни) камайтиради. Нам қатлам ичра ёниш жараёнини сув-ҳаво нисбатини энг катта кўрсатгичларида кўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ёниш күламини кўчиши давомида қатламда бир-биридан ҳарорати билан фарқ қилувчи зоналар юзага келади (3.2-чизма). Энг юқори ҳарорат ёниш күламида бўлади (III зона).

Тажрибада ёниш күламидаги ҳароратни  $350-1000^3 \text{ }^0\text{C}$  оралиғидаги ўзгариши аниқланган. Ёниш күламидаги ҳарорат нефтларни хоссаларига, қатламни ва унинг атрофидаги жинсларнинг иссиқлик хусусиятларига боғлиқ. Бундан ташқари, қуруқ ёниш жараёнида, ҳаво оқими зичлигини, ҳаводаги кислород қисмини ва қатламдаги босимни ортиши ёниш күламидаги ҳароратни оширади. Нам қатлам ичра ёнишда, сув-ҳаво нисбатини ошириш ёниш күламидаги ҳароратни камайишига олиб келади, ёниш күламидаги ҳароратга коллектор тури ҳам таъсир этади. Карбонат қатламларида ёниш күлами ҳарорати қумли қатламларга нисбатан баланд [18].

Ёниш зонасида ҳамма суюқликлар буғланади, аммо жинс заррачалари юзасига ёпишиб қолган нефтнинг оғир кокс кўринишидаги қолдиқ фракциялари бундан мустасно бўлиб, қатлам ичра ёнишга ёқилғи сифатида хизмат килади. Ёниш күлами орқасида куйдирилган қатлам колади. Бироқ, сув - ҳаво нисбати катта бўлган ҳолларда ёниб улгурмаган ёнилғи қолдиқлари бўлиши мумкин.

Ёниш күлами ёнидаги II-чи зонада (4.3.-чизма) ҳаво ва буғланган сувни



**4.3.-чи зама.** Намли ёниш жараёнида қатlam узунлиги L бўйича ҳарорат Т кесими ва қатlam узунлиги S бўйича қатlamни нефтга, сувга ва ҳавога тўйинганлигини тақсимланганлиги (қатlam бир турли бўлганда) сизиши мавжуд.

I-чи зонада ҳарорат ҳайдалаётган ишчи омилларни ҳароратигача камая-ди. Бу зонада ҳаво ва сувни сизиши юз беради.

III-чи ёниш зонаси ёнида, ҳароратни кескин тушиши ва қатlamдаги сувнинг

буғланганлиги билан хусусиятланувчи қиздирилган буғли IV зона жойлашган.

Қиздирилган буғ зонаси олдида, барқарорланган зона ёки буғ платоси деб аталувчи, ҳарорати кам ўзгарган, буғнинг тўйинган зонаси V ҳосил бўлади. Бу зонада уч фазали сизиш ва нефтни дистилляцияси юз беради. Зона ўлчамлари ёниш кўлами яқинлашиши билан катталашиб боради.

VII-чи зона сувли садди дейилади.

VIII-чи зона юқори нефтга тўйингалик (нефтли садди) билан хусусиятланади.

IX-чи зонада нефтни, сувни ва газни сизиши уларнинг бошланғич тўйинганлигини тақсимланганлиги билан аниқланади.

Ҳамма зоналарда газнинг (ёниш маҳсулотларининг) борлиги нефтни сиқиб чиқариш механизмига таъсир кўрсатади. Газлар таркибида кўп микдорда CO<sub>2</sub> бўлиши мумкин.

### *Ишлаш системалари ва технологиялари*

Нам ёниш амалга оширилганда ёниш кўлами олдида қатlamни ва суюқликларни кенг қиздирилган зонаси ҳосил бўлади. Унинг ўлчамлари куйдирилган зона ўлчамларидек бўлиб 100-150м га этиши ва ундан ҳам катта бўлиши мумкин.

Бу эса нам ёниш усулини, ёниш кўламини олувчи қудукларга етказмасдан, нисбатан сийрак қудуклар тўрини жойлашишида ҳам қўллаш имконияти борлигини кўрсатади ва натижада нефт олиш учун ҳавонинг жамғарма сарфи камайтирилади. Ёниш кўлами олдидаги қатlamни қиздирилган зонасини кенгайишини бошқариш ҳисобига ҳаво сарфин 1,5-2 маротаба қисқартириш мумкин. Нефт олишга сарф қилинаётган ҳавони, қатlamда ҳосил қилинган иссиқлик ҳошиясини қатlamга сув ҳайдаб кўчириш ҳам қўшимча тежаш имконини беради. Умуман нам ёнишда нефт олиш учун сарф қилинган ҳаво қуруқ ёнишдагига нисбатан 2-3 маротаба кам бўлади. Аммо сув ҳайдаш учун кўшимча қудуклар бурғулаш керак бўлиши мумкин. Нефт олиш учун солиштирма ҳаво сарфи, конлардаги тадқиқотлар натижасига асосан, қуруқ қатlam ичра ёниш жараёнида 2000 дан 3500 м<sup>3</sup>/м<sup>3</sup> гача, нам ёнишда эса 1000 дан 2000 м<sup>3</sup>/м<sup>3</sup> гача ўзгаради.

Қатlam ичра ёниш технологиясида ҳайдаш қудуғидан ёниш кўламини узоқлашгани сари, уни кенгайиб бориши сабабли, доимо ўсиб борувчи ҳаво ҳажмини ҳайдаш кераклигини ҳисобга олиниши керак. Ҳайдаш қудуклари устидаги ҳайдаш босими одатда қатlam босимидан 1,5-2 маротаба катта бўлади.

### *Амалга оширилган лойиҳалар ва усулнинг самарадорлиги*

Хозирги вақтда дунёning турли давлатларида қатlam ичра ёниш лойиҳалари амалга оширилмоқда. 5.3.1-жадвалда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг асосий технологик кўрсаткичлари келтирилган [14,19].

Афсуски, қатlam ичра ёниш ҳақидаки маълумотлар тўлиқ берилмаган. Ушбу усулуни қўллаш ҳисобига нефт бера олишликни ошириш даражаси ёки якуний нефт бера олишликни аниқлаш имкони йўқ. 3.1-жадвалдан кўриниб турибдики, айрим конларда қатlam ичра ёниш усули иқтисодий самарасиз бўлган.

### *Усулнинг камчиликлари ва муаммолари*

Қатlam ичра ёниш усули кўп камчиликларга эга.

Чиқаётган газларнинг юқори ҳарорати сабабли атроф мухитни муҳофаза қилиш, ёниш маҳсулотларидан фойдаланиш, иш жараёни хавфсизлигини таъминлаш, қудулардан қум чиқишини ва қум тиқинлари ҳосил бўлишини, аслаҳалар емирилишини, барқарор сув-нефтли эмульсиялар юзага келишини олдини олиш мақсадида мураккаб техник муаммоларни ҳал этиш керак [22, 25].

Кам ўтказувчанли қатlamларда нам қатlam ичра ёнишни амалга оширишда ҳаво ва сувни алоҳида ҳайдаш учун дублёр ҳайдовчи қудукларни бурғилаш талаб этилади, чунки уларни биргалиқда ҳайдалганда қабул қила олишлик кескин камаяди (4-10 маротабагача).

Қатlam ичра ёниш - ўзининг механизми, амалга ошириш шароитлари, моделлаштириш ва самарадорлигини баҳолаш бўйича энг мураккаб усулдир.

Қатlamни бир текис ёнмаслиги унинг хоссаларини анча ўзгартириб

4.5.-жадвал

**Қатlam ичра ёниш усули қўлланилаётган лойиҳалар ҳақида маълумот**

№	Кон (давлат)	Лойиҳани қўллаш бошланган вақт	Майдон, га	Қудуқлар сони		Нефт олиш, т/кун		Лойиҳанинг иқтисодий баҳоси
				Олувчи	Ҳайдовчи	Умумий	Таъсир хисобига	
1	Саут-буфalo (АҚШ)	1983	8320	40	19	164	158	Иқтисодий самарали
2	Слосс (АҚШ)	1963	388,5	27	10	*	456	-“-
3	Дели (АҚШ)	1966	16,2	4	1	*	59	-“-
4	Беллювью (АҚШ)	1971	4,0	21	4	*	118	-“-
5	Каддо-Парши (АҚШ)	1969	1,1	4	1	*	9	Иқтисодий самарасиз
6	Карлайд (АҚШ)	1963	1,7	8	2	*	13	Иқтисодий самарасиз
7	Ист-Тиа-Хуана	1966	4,6	6	2	*	596	Иқтисодий

	(Венесуэла)							самарали
8	Батрум (Канада)	1966	1968	94	15	505	505	-“-

\* - умумий нефт олиш миқдори ҳақида маълумот йўқ.

юборади ва келажақда бошқа нефт берға олишлик усулларини қўллашни мураккаблаштириб қўяди.

### *Усулнинг келажаги*

Келажакда қўлланиш миқёсининг ортишига усулни амалга оширишни техник мураккаблиги ҳамда қатlamни жараён билан қамраб олингандигини бошқариш ва хавфсизликни таъминлашни техник қийинчиликлари таъсир этади.

Қатlam ичра ёниш усулини самарадорлигини ва бошқаришни жиддий равишда кўтариш мумкин.

Бунинг учун солиштирма ҳаво сарфини камайтириш ва қатlamга иссиқлик таъсирини ошириш мақсадида, ҳайдалаётган сув-ҳаво аралашмасига айrim омилларни, катализаторларни, қўшимча ёқилғиларни (суюқ ёки газ кўрнишидаги) қўшиш, ишчи омилларни (сув ва ҳаво) қатlamга ҳайдаш системасини ва режимини (даврий таъсир этиш) ўзгартириш керак бўлади.

Сув ва ҳавонинг катта нисбатларида нам ёниш усули сув бостиришли қатlam ичра ёнишнинг бошқа турларига ўтиб кетади. Ёниш кўлами йўқ бўлиб кетиши мумкин, ҳайдалаётган ҳаводаги кислород тўйинган буғли зонага кириб нефт билан экзотермик реакцияга киришади ва юқори намли-ёниш деб аталувчи турига ўтиб кетади.

Юқори намли ёнишда қатlamга иссиқлик таъсирини жадалаштиришга ва олинаётган нефтга сарф қилинаётган ҳаво сарфини кўп тежашга эришилади. Намли ёниш усулини ушлаб туриш учун кам ёқилғи сарфини (қатlamни  $1\text{ m}^3$  га га 5-10 кг) талаб қилинади, бу эса кам қовушқоқ нефтли қатlamлар учун катта аҳамиятга эга.

Қатlamда ишчи омилларни ҳайдаш режимини ёки сув-ҳаво нисбатини даврий ўзгартириш қатlam бўйлаб ёниш кўлами хусусиятини сифатан ўзгартириш имконини беради. Бундай технологияда нефтни дистилляцияланиш маҳсулотлари ва унинг паст ҳароратда оксидланиши ҳисобига сиқиб чиқариш жараёнини жиддий жадаллаштириш мумкин.

Карбонат коллекторларда қатlam ичра ёнишни қўллашда бу усул нефтни  $\text{CO}_2$  билан сиқиб чиқариш усулига ўтиб кетиши мумкин. Бунда  $\text{CO}_2$  карбонатларни диссоциация-ланишида ҳосил бўлади ва ундан нефт олишда фойдаланилади.

Қатlam ичра ёниш технологиясини такомиллаштиришни энг мухим йўналиши уни бошқа қатlamларни нефт бера олишлигини ошириш усуллари билан биргаликда кўллашдир. Шу туфайли келажакда қатlam ичра ёниш технологияси шу йўналишда ривожланади.


### **Нефтни буғ билан сиқиб чиқариш**

#### *Жараён механизми*

Нефтни буғ билан сиқиб чиқариш - қатlamларни нефт бера олишлигини ошириш усуллари ичида энг кенг тарқалгани бўлиб, юқори қовушқоқли нефтларни сиқиб чиқаришда ҳамма бошқа усуллардан кўп афзаликларга эга.

Бу жараёнда буғ паст ҳароратли ва юқори қовушқоқ нефтли қатlamларга ер юзидан, нефтлилик майдони чегараси ичида жойлашган, маҳсус буғ ҳайдовчи қудуклар орқали ҳайдалади. Буғ  $230^{\circ}\text{C}$  да иссиқ сувга нисбатан 3-3,5 маротаба кўп, катта иссиқлик сифимига эга бўлиб ( $5000 \text{ кДж/кг}$  дан катта), қатlamга жуда кўп иссиқлик энергиясини олиб киради. Бу киритилган иссиқлик энергияси қатlamни иситишга, нисбий ўтказувчанликни ва нефт қовушқоқлигини камайтиришга, қатlamни тўйинтирувчи омиллар ва нефт, сув, газларни кенгайтиришга сарф бўлади. Қатlamда ҳарорати, тўйинганлиги ва сиқиб чиқариш хусусияти билан фарқ қилувчи учта қуйидаги зоналар ҳосил бўлади (5.3.3-чизма).

1. Ҳайдовчи қудук атрофидаги зона бўлиб ҳарорати ҳайдалаётган буғ ҳароратидан конденсация бошланиш ҳароратигача ( $400-200^{\circ}\text{C}$ ) ўзгаради. Бу зонада нефтнинг енгил фракцияларини экстракцияси ва уларни буғ билан



#### **4.4.- чизма. Нефтни буғ билан сиқиб чиқаришда бир турли намуна узунлиги бўйлаб ҳароратни ва тўйинганликни тақсимланганлиги**

Зоналар: I - нефтни дистилляцияланиши;

II - нефтни ва бугни енгил фракцияларини конденсацияланиши;

III - нефтни конвектив қиздирилиши ва нефтни ҳажмий кенгайиши.

қатlam бўйлаб кўчиши (сиқиб чиқарилиши) юз беради, яъни буғ ва нефтни енгил фракцияларини биргаликда сизиши ҳосил бўлади.

2. Ҳарорати конденсация бошланиш ҳароратидан ( $200^{\circ}\text{C}$ ) қатlam ҳароратигача ўзгарувчи иссиқ конденсатли зона. Бу зонада иссиқ конденсат (сув) ноизотермик шароитларда нефтни енгил фракцияларини сиқиб чиқаради.

3. Иссиқлик таъсири билан қамраб олинмаган, бошланғич қатlam ҳароратидаги зона. Бу зонада нефтни қатlam суви билан сиқиб чиқариш юз беради.

Жараён давом этиши даврида буғли ва иссиқ конденсатли зоналар кенгайиб, бошланғич қатlam ҳароратли учинчи зона қисқариб боради. Якуний натижада иссиқ, конденсатли зона, кейин эса буғли зона оловучи қудукларгача етиб бориши мумкин. Бунда иссиқ сув ва бугни қудукларга ёриб кириши ва уларни нефт билан бирга юзага чиқарилиши кузатилади.

Шундан сўнг буғ ҳайдаш жараёнини давом эттириш амалда мақсадга мувофиқ эмас.

Қатlamни қиздиришда нефтни дистилляцияси, қовушқоқликни камайиши ва қатlamларда ҳамма омилларни ҳажмий кенгайиши, фазавий ўтказувчанликларни, қатlam ҳўлланувчанлигини, нефт ва сув ҳаракатчанлигини ва бошқа кўрсатгичларни ўзгариши юз беради.

Нефтни сиқиб чиқариш самарадорлигини асосий қисми нефт қовушқоқлигини камайиши (40-50 %), ундан сўнг - нефтни дистилляцияси (18-20 %), ҳаракатчанликни ўзгариши (18-20 %), нефтни кенгайиши ва қатlam ҳўлланувчанлиги ҳисобига таъминланади.

*Ишилasi системалари ва технологиялари*

Бұғ ва иссиқ конденсатни қатламдаги ҳаракати давомида, нефти қатламни ўраб турған жинсларга иссиқликни кетиши сабабли, иссиқликни йүқотилиши содир бўлади. Иссиқликни йўқотилиши ушбу зоналарни ўраб олган жинслар билан чегарасидаги ҳароратга, уларни туташ юзасидаги ҳароратга, тугашиш вақтига ва бошқа кўрсатгичларга пропорционалдир.

Нефт қатламини қалинлиги кичик бўлганда уни ўраб турған жинслар билан чегарасида ҳарорат ҳар доим юқори, иссиқлик, алмашинуви нисбий юза (қатлам ҳажмига нисбатан) ҳам жуда катта бўлади, буннинг натижасида қудуқлар орасидаги масофа катта бўлганда буғни қўллаш кўп ҳолларда самара бермайди. Шу сабабли нефтни буғ билан сиқиб чиқаришни энг оқилона технологияларига ва системаларига иссиқликни кам сарф қилиш, уюм ҳажмини тўла ва тенг иситиш хосдир [24, 26].

Шу сабабли бу усулни қўллаш учун етарли даражадаги катта қалинликдаги (15 м ва ундан ортиқ) қатламлар танланади, ҳайдовчи қудуқларда уларнинг ўрта қисми очилади, қудуқларни жойлаштириш системаси майдон бўйлаб 1-2 дан 4-8 га/қудуқ зичликда қабул қилинади, буғни максимал юқори суръатда буғ ва сувни кетма-кет алмашиниб ҳайдаб таъминланади, қатламлар етарли даражада иситилгандан сўнг сув бостиришга ўтилади.

### *Амалга оширилаётган лойиҳалар*

Қатламлардан нефтни буғ билан сиқиб чиқариш, юқори қовушқоқли нефт конларини ишлатаётган, кўп давлатларда қўлланилмоқда. Қатламларни ушбу нефт бера олишликини ошириш усулини қўллаш шароитлари етарли даражада ўрганилган ва синовдан ўтган.

Ҳозирги вақтда бу усулнинг турли кўринишлари қўлланилмоқда:

- нефтни буғ билан сиқиб чиқариш;
- қатламларга буғ иссиқлиги билан даврий таъсир этиш;
- қатламларга буғ ҳайдашни оловчи қудуқлар тубига буғ - иссиқли ишлов бериш билан биргаликда ўтказиш ва бошқалар.

3.2-жадвалда қатламга буғ билан таъсир этиш усуллари қўлланилаётган лойиҳалар хақида маълумотлар келтирилган.

Усулнинг технологик самарадорлигини қатламни бир текис қиздиришга, қатламни ва суюқликларни қиздириш учун иссиқликдан фойдаланиш

даражасига боғлиқ. Ётиш чуқурлиги 500-800м дан ортиқ бўлмаган юқори ўтказувчан қатламларда ва нефт қовушқоқлиги 200-1000 мПа\*с дан юқори бўлмаган ҳолларда буғдан фойдаланиш якуний нефт бера олишликни 50-55 % гача етказилишини таъминлаши мумкин.

Аммо жараённи самарасиз технологияларида ёки қўллаб бўлмайдиган объектларда (дарзли, кичик нефтга тўйинган) якуний нефт бера олишликни жиддий

4.5-жадвал

**Буғ билан таъсир этиш усуллари қўлланилаётган лойиҳалар ҳакида маълумот**

№	Кон (давлат)	Лойиҳани қўллаш бошланган вақт	Майдон, га	Қудуқлар сони		Нефт олиш, т/кун		Лойиҳанинг иқтисодий баҳоси
				Олувчи	Ҳайдовчи	Умумий	Таъсир хисобига	
1	Керн-Фронт (АҚШ)	1981	1296	491	28	728	728	Иқтисодий самарали
2	Белридж (АҚШ)	1961	1396	2900	975	5256	5256	-“-
3	Керн-Ривер (АҚШ)	1962	2932	4762	1319	12129	12129	-“-
4	Атабаска ойл Сэндз (Канада)	1984	20000	3	3	273	273	-“-
5	Пайка-Пик (Канада)	1981	160	102	27	1023	1023	-“-
6	Линдерберг (Канада)	1974	85	68	341	341	341	-“-

7	Пис-Ривер (Канада)	1986	180	163	53	1091	1091	-“-
8	Дури (Индонезия)	1985	2808	1654	703	40930	40930	-“-

ошириб бўлмайди, қўшимча олинган нефт миқдори буғ ишлаб чиқаришга сарф қилинган нефтни қопламаслиги мумкин.

1т нефтни буғ генераторида ёқиб 13-15 тн буғ олиш мумкин. Нефтни буғ билан сиқиб чиқаришни қулай шароитларда 1тн қўшимча нефт олиш учун ҳаммаси бўлиб 2,5-3,5 тн буғ сарф қилинади. Нефтни буғ билан бундай солиштирма самарадорлигини қониқарли деб ҳисобласа бўлади, чунки буғ генераторларида ёқилган 1 тн нефт ҳисобига қатламдан 4-5 тн нефт олиш мумкин.

Усулни технологик самарадорлигини буғ олдига углеводородли эритувчи ҳайдаб ошириш мумкин, агарда у қатламда асфальтенларни ажралишига олиб келмаса.

Юқори ковушқокли нефтни буғ билан сиқиб чиқаришни иқтисодий самарадорлига буғнинг ва нефтнинг нархига, жараённинг солиштирма самарадорлигига, қўшимча олинган 1 тн нефтга қилинган буғ сарфига боғлик.

Буғ қўлланишида нефт олишдаги самарадорлик жуда тез намоён бўлади, ҳайдашдан 1-1,5 йил ўтгандан сўнг, кейин 2-4 йил мобайнида ўзгармай туради, ундан сўнгги 2-3 йилда иқтисодий чсгарагача кескин тушиб кетади.

### *Усулнинг камчиликлари ва муаммолари*

Нефтни буғ билан сиқиб чиқариш усулининг камчиликларига аввалам бор, иссиқлик сифими 5000 қДж/кг бўлган ва 80% тўйинган буғ олиш учун, буғ генераторларида юқори сифатли тоза сувни қўллаш зарурлиги ҳисобланади. Буғ генераторларига берилаётган сувда қаттиқ заррачалар 0,005 мг/л дан камроқ, ҳамма органик моддалар (нефт, тузлар), эриган газ (айниқса кислород), магний ва кальций катионлари (қаттиқлик нол) умуман йўқ бўлиши керак.

Сув билан кимёвий омиллар билан ишлов бериш, юмшатиш, газларни чиқариш, тузсизлантириш катта харажатлар талаб қиласи, айrim ҳолларда буғ ишлаб чиқаришга умумий харажатларни 30-35% сарф қилинади.

Қумли қатламлар қиздирилгандан сўнг ва буғ қўлами оловчи кудукларга яқинлашгандан кейин нефтни буғ билан сиқиб чиқариш қум чиқиши билан давом этади, лойли қатламларда эса - уларнинг ўтказувчанлиги камайиб қўшимча қийинчиликларни юзага келтиради.

Буғ ва нефтни ҳаракатланувчанлик нисбати сув ва нефт ҳаракатланувчанлик нисбатига қараганда ёмон, шунинг учун қатламни буғ

билан қамраб олинганилиги сув бостиришдагидан паст, айниқса нефтни қовушқоқлиги 800-1000 мПа\*с дан катта бўлганда. Нефтни буғ билан сиқиб чиқаришда қатламларни қамраб олганлигини ошириш ҳал қилиниши керак бўлган асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Буғни қўллашда энг мураккаб

муаммолардан бири - ҳайдовчи қудуқларни мустаҳкамловчи қувурлар бирикмаси орқали иссиқликни йўқотилишини камайтириш, одатдаги шароитларда

кудуқларни ҳар бир 100м чуқурлашишига 3-4% иссиқлик йўқотилиши тўғри келади.

Қудуқларни чуқурлиги 1000 м ва ундан ортиқ ҳайдовчи қудуқлар устида берилган иссиқликнинг йўқотилиши 35-45% га етиши мумкин, бу эса жараённи иқтисодий самарадорлигини кескин камайтиради. Буғ ҳайдовчи қувурларда иссиқликни беркитиш, айниқса катта чуқурликдаги қудуқларда, бу йўқолишиларни камайтаради, аммо техник қийинчиликларга тўқнаш келинади, қувурлар бирикмаси қудуқнинг устигача семонланган бўлиши керак. Семонга маҳсус қўшимчалар (кремнезен 30-60%) қўшилиб кенгаювчан ва иссиқга чидамли қилиш мумкин.

Юқорида айтилганларни ҳаммаси усулни қўллашни асосий чегараловчи кўрсатгични келтириб чиқаради - чуқурлик 800-1000м дан ортиқ бўлиши керак эмас.

Нефтни буғ билан сиқиб чиқариш усули карбонат коллекторларда деярли ўрганилмаган. Буғни карбонат жинслар билан ўзаро таъсирларида карбонат ангидрид гази, кальций, магний ва бошқаларни ҳосил бўлиши билан унинг бузилиши юз беради.

Қатламда карбонат ангидрид газининг бўлиши нефтни буғ билан сиқиб чиқариш жараёнини яхшилаши мумкин, аммо қаттиқ моддаларни ҳосил бўлиши натижасида ғовак бўшлиқни ёпилиши, яъни қатламларни маҳсулдорлиги камайиши мумкин.

### *Усулнинг келажаги*

Нефтни буғ билан сиқиб чиқариш усулига юқори қовушқоқли қолдиқ нефт заҳираларини олишни энг самарали усули сифатида қаралади. Ўзининг механизми ва қатламда юз берадиган жараёнларни кўп турлиги бўйича юқори қовушқоқли нефталар учун ҳамма маълум усуллар ичida энг универсали ҳисобланади.

Келажақда усулнинг технологиясида жиғдий ўзгаришлар бўлиши кутилмайди. Фақат қатламларнинг иссиқлик таъсири билан қамраб олинганликни оширишга ва буғ генераторларидаги нефтни паст калорияли ёнилғи (торф, кўмир ва бошқ.) билан алмаштиришга қаратилтан чоралар ўзгариши мумкин.

### **Даврий буғ ҳайдаш**

#### *Жараён механизми*

Қатламларга даврий буғ ҳайдашда, оловчи қудуқларни даврий буғли ишлашда ёки қудуқларни даврий буғли жонлантиришда оловчи қудуқлар орқали нефтли қатламга даврий буғ ҳайдаб, қудуқларни бир қадар ёпиқ ҳолатда ушлаб ва шу қудуқларни кейинчалик ишлатиш оқибатида қатламдан қовушқоқлиги камайган нефт ва конденсацияланган буғ олинади. Бу технологиянинг мақсади қатламни ва нефтни оловчи қудуқлар туби атрофини иситишга, нефт қовушқоқлигини камайтиришга, босимни кўтаришга, сизиш шароитларини енгиллаштиришга ва қудуқларга нефт оқимини оширишга қаратилгандир.

Қатламда юз берадиган жараёнлар механизми мураккаб ва нефтни буғ билан сиқиб чиқаришдаги ҳодисаларга ўхшаш давом этади. Аммо қўшимча капиляр сизиш, қудуқлардан суюқлик олмасдан сақлаб туриш вақтида макротурли мухитда нефтни ва сувни (конденсатни) қайта тақсимланиши юз беради. Қатламга буғ ҳайдалганда у нисбатан ўтказувчан қатламчаларга ва қатламнинг ғовакларига киради. Қудуқдан суюқлик олмасдан сақлаб туриш вақтида қатламнинг иситилган қисмида капиляр кучлар хисобига тўйинганликни фаол қайта тақсимланиши юзага келади. Иссиқ конденсат кичик ғоваклардаги ва кичик ўтказувчан линзалардаги (қатламчалардаги) нефтни ўрнини эгаллаб катта ғовакларга ва юқори ўтказувчан қатламларга сиқиб чиқаради, яъни у билан ўрин алмашади.

Айнан нефтни ва конденсатни қатламда тўйинганлигини қайта тақсимланиши қатламларга даврий буғли таъсир этиш жараёнининг физик асоси ҳисобланади. Нефтни ва конденсатни капилляр алмашинувисиз даврий буғни таъсир этиш самарадорлиги кичик ва биринчи даврнинг ўзида тамом бўларди.

#### *Даврий буғли тасир этиши технологияси*

Қатламларга даврий буғли таъсир этиши технологияси қуйидагилардан иборат.

Оловчи қудуқга икки-уч ҳафта (максимал 1 ой) давомида қатламни 1м қалинлигига 30-100т ҳажмда буғ ҳайдалади.

Ҳайдалаётган буғ ҳажми қатlam нефтини қовушқоқлиги қанча катта ва уни ҳаракатланиши учун қатlam энергияси қанча кам бўлса шунча кўп бўлиши керак.

Буғ ҳайдалгандан сўнг қудук ёпилади ва бир-икки ҳафта давомида, иссиқлик ва масса алмашинуви капилляр қарши оқим, ғовак бўшлиқда нефтни ва сувни қайта тақсимланиши жараёнини тугалланиши учун зарур давр, сақлаб турилади. Қатlamдаги энергия қанча кам бўлса, буғ босимидан олишда фойдаланиш учун сақлаб туриш даври шунчалик кичик бўлиши керак.

Кейин нефтни маҳсул миқдори иқтисодий самарадорлик чегарасигача 8-12 ҳафта мобайнида ишлатилади. Тўлиқ давр 3-5 ой ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Биринчи циклдан сўнг ушлаб туриш вақти катта бўлган иккинчи ва кейинги цикллар амалга оширилади.

Одатда уч-тўрт йил ичиди беш-олти цикл бўлади, айрим ҳолларда 12-15 цикл бўлиши мумкин, улардан сўнг даврий буғли таъсирнинг самарадорлиги камаяди ва буғга кетган сарфни оқламайди. Бу усулда иссиқликни катта масофага кўчириш имкони бўлмагани сабабли қудукларни жойлаштириш зич (1-2га/қудук) бўлиши керак.

#### *Амалга оширилаётган лойиҳалар ва усулнинг самарадорлиги*

Қатlamларга даврий буғли таъсир самарадорлиги қуйидагилар ҳисобига бўлади:

- қатlamни қудук туби атрофини тозалаш ва иситиш, ўтказувчанликни ошириш, нефтни қовушқоқлигини камайтириш;
- қудукларни маҳсул миқдорини ва маҳсулдорликни ошириш;
- қатlamни қудук туби атрофини ишлаш билан қамраб олинганлигини ошириш ва унинг ҳисобига якуний нефт бера олишлик даражасини қўтариш. Якуний нефт бера олишлик буғли таъсир этилмаган ҳолдаги 3-4% ўрнига 10-12 ва 25-30% га етиши мумкин (Венесуэладаги Боливар кони) [21,23].

Биринчи циклларда 1т ҳайдалган буғ ҳисобига 10-15т гача нефт олиш мумкин. Охирги циклда бу нисбат 0,5-1т гача пасаяди, ўртача кўрсаткичи эса 1,5-2,5т оралиғида бўлади.

Усулнинг афзаллиги шундан иборатки, буғ ҳайдашдан самарадорлик, қудукقا буғ ҳайдаш тўхтатилгандан сўнг, тез (жараённи қўллаш бошланишидан) олинади.

#### *Усулнинг камчиликлари ва муаммолари*

Усулнинг камчиликларига мустаҳкамловчи қувурларни биритириш қисмларида ва қувури ташқарисида семонли тошларни бузилишларига олиб келиши киради.

Қудукларни даврий буғли ишлашни аввалам бор қатламни ётиш чуқурлиги (500-800м дан кам) ва қатлам ғоваклиги (25% дан катта) чегаралайди, акс ҳолда иссиқликни бефойда катта йўқотиши содир бўлади.

### *Усулнинг келажаги*

Юқори қовушқоқ кефтли қатламларнинг қудук туби атрофига даврий буғли таъсир этишнинг келажаги нефт конларини иссиқлик усуллари қўллаб ишлаш билан боғлиқ.

Нефтни буғ ёки қатлам ичра ёниш билан сиқиб чиқариш қудукларга даврий таъсир этишсиз, оловчи қудукларга нефт оқимини келиш шароитларида таъминламасдан, самарали бўлиши мумкин эмас.

Конларда иссиқлик усуллари бирга қўлланилган ишлашда самарадорликни асосий қисми (40-50% гача) қудукларга даврий буғли ишлов беришга тўғри келади.

Нефтни буғ билан сиқиб чиқариш ва оловчи қудукларга даврий буғли таъсир этиш нефтни қовушқоқлиги катта бўлган АҚШ нинг Калифорния штатидаги Керн Ривер, Сан Адро, Вайт Вольт конларида кенг қўлланилган. Бу конларнинг нефтли қатламлари 200-600м чуқурликда ётади, қатлам қалинлиги 25-70м, нефтнинг қовушқоқлиги 3000 мПа<sup>\*c</sup> дан катта, 1960 йил ўрталаридан бошлаб Калифорния конларида нефтни буғ билан сиқиб чиқариш ва иилига 2500 дан ортиқ қудукга даврий буғли ишлов бериш амалга оширилмоқда.

Бу икки усул ҳисобига олинадиган заҳиралар геологик заҳираларнинг 35-37% даражасида оширилган.

Ишлашни иссиқлик усулларини қўллаш учун мос бўлмаган шароитларда (қатламларини қалинлиги кичик бўлган конлар, дарзли қатламлар ва бошқалар) оловчи қудукларга буғли таъсир этиш усули алоҳида қўлланиши керак (бошқа таъсир этиш усулларисиз).

1970 йилда Ўзбекистондаги Бостон конининг 1-а қатлами буғ ҳайдаш билан ишлаш учун синов-саноат технологик тархи тузилган ва амалга оширилган. Иккита синов майдонида буғ ҳайдаш технологик ва иқтисодий самара бермаган. Жараённи технологик қўрсаткичларини таҳлили ушбу усулнинг самарадорлигига буғни кичик суръатда ҳайдалганлиги, ҳайдовчи ва оловчи

кудуқлар орасида масофанинг катталиги, олувчи қудуқлар сони озлиги, қатламда бүг ҳаракатини бошқаришни иложи бўлмаганлиги, иссиқлик энергиясини қатламни ўраб турган тоғ жинсларга кўп сарф бўлиши салбий таъсир этганлигини кўрсатди.

1980 йилда Хаудаг конидаги 1 қатламга №130 қудук орқали геотермал сув ҳайдаш бошланди. 1983 йилда ҳайдаш учун №21 қудук ва 1987 йилда №70 қудук ўтказилди. Геотермал сув бостириш амалга оширилгунча 1 қатлам 45 йил мобайнида табиий сув тазиёки режимда ишлашда бўлган.

Ҳарорати 78°C бўлган иссиқ сувнинг йиллик ҳайдаш ҳажми геотермал сув манбаи маҳсулдорлигига ва ҳайдовчи қудуқларни ишлатиш коэффициентига боғлиқ бўлиб 120-153м<sup>3</sup> ни ташкил этар эди. Геотермал сувни ҳайдаш натижасида бошланғич уч йил давомида йиллик нефт олиш 4,6 дан 6,2 минг т гача ортди, кейин эса у кескин камая бошлади. Бироқ олинаётган суюқлик сувланганлиги йилдан йилга ортиб борди. Сув бостириш ташкил этилгунча сувланганлик 14,9% (1979 йил) бўлса, 1980 й. - 20,4%, 1981й. - 42,2%, 1982й. - 52,0% ни ташкил этди. Технологик ва иқтисодий кўрсаткичларни таҳлили натижасида Хаудаг конидаги 1 қатламга геотермал сув ҳайдаш жараёни ҳам самарасиз баҳоланди.

## **7. Кўп қатламли нефть ва нефтгаз конларини ишлатиш.**

### **Режа:**

- 7.1. Кўп қатламли конларда ишлатиш обектларини ажратиш.**
- 7.2. Кўп қатламли конларни ишлатиш тизимари.**

#### **7.1. Кўп қатламли конларда ишлатиш обектларини ажратиш Қатламларни ишлатиш объектларига оқилона бирлаштириш**

Нефт конини оқилона ишлатишни лойиҳалаштириш бир қатор таркибий қисмни ўз ичига олади; улар жумласига ишлатиш обектларини rational ажратиш ёки нефт қатламларини ишлатиш обектига rational ишлатишажратиш киради.

Кўпинча нефт конининг кўп қатламилиги қўшимча қийинчилик туғдирадиган етишмовчилиги ҳисобланиб, бу қўшимча йўқотишларга олиб келади. Бу ҳолат бурғиловчилар, таъмирловчилар ва ишлатувчиларнинг юқори малакага эмаслигидан ва ишни ёмон ташкиллаштиришидан юз беради.

Шунга қарамасдан кўп қатламилилик жуда яхши манфатли ҳам бўлиши мумкин. Агар нефт қатламлари узук ва маҳсулдорлиги айrim ҳудудлари бўйича бир хил бўлмаган кичик ва ультракичик маҳсулдорликка эга бўлса(тахминларга таяниладиган ҳолатда), у ҳолда бу қатламларни алоҳида ишлатиш иқтисодий жихатдан оқилона бўлмайди; шунинг учун буларни

ишга туширишга рухсат берилмайди. Агар бунда қатламлар бир нечата бўлса, уларни битта умумий обектга бирлаштириш мумкин; бундай қатламларни ишлатиш билан жами қатламларнинг маҳсулдорлигини кўтариш мумкин, бу билан ютуқقا бўлаётган тахликадан қутилиш мумкин. Бундай кўп қатламли конларни саноат миқёсида ишлатиш иқтисодий жиҳатдан оқилона ҳисобланади. Кўп қатламли конларда вертикал қудуқларни бурғилаш ва ишлатиш, бир қатламли вертикал қудуқлардан мураккаб, горизонтал қудуқлардан осон ҳисобланади.

Бир бирига яқин чукурликда ётган 3-5 нефт қатлами, уларда нефтнинг газ билан тўйиниши босими ҳам яқин бўлса, кўп қатламли вертикал қудуқнинг дебити бир қатламли вертикал қудуқнинг дебитидан 3-5 марта юқори бўлади. Бир қатламли горизонтал қудуқнинг дебити бир қатламли вертикал қудуқнинг дебитидан 2-3 марта юқори бўлади. Гаризонтал қудуқнинг дебитининг 4-5 марта эмас 2-3 марта ортиши шундай изоҳланадики, бунда оддий нефт қатлами моналит ҳисобланмайди, унинг умумий қалинлиги етарли ва самаралиқ қалинлиги катта бўлади (1,5-2 марта ва ҳатто 3-4 марта катта); Бундай қатламларда горизонтал қудуқлар барча қатламчаларни ишлатиш мақсадида диогнал-горизонтал қилиб қазилади. Горизонтал қудуқ оддий ҳолатда қазиб қўйилса қолган қатламчалар ишланмайди ва маҳсулдорлик пасайиб кетади.

Шуни айтиб ўтишимиз лозимки, юқоридаги ҳолатни тушинган ҳолатда узунлиги 10-20 метр горизонтал стволли қудуқ-арчалардан фойдаланса барча нефт қатламчалари биргаликда муаммосиз ишлатилади. Кўп қатламчали конларда бундай қудуқнинг бошланғич дебитидиогнал-горизонтал қудуқлардан ёмон бўлмайди. Бу каби қудуқларни бошқариш ва назорат қилиш осон, шу билан биргаликда қатламнинг нефт бераолувчанлиги ва дебити яхши бўлади.

Шундай қилиб кўп қатламчали нефт қатламлари жуда яхши самарага эга бўлади; кўп қатламли вертикал қудуқ дебити бир қатламли горизонтал қудуқ дебитидан самарали, қудуқларни бошқариш ва назорат қилиш осон, қатламнинг нефт бераолувчанлиги ва дебити яхши бўлади.

Энди бир неча нефт қатламларини битта умумий ишлатиш обектига бирлаштириш муаммоларини формулалар орқали кўриб чиқамиз ва бу формулалар орқали ҳисоблаймиз.

Бунда доимий қўлланилиб келинадиган рационалликнинг технологик киритерийларини қўллаймиз ва бундай киритерийлар қўйидагилардир: шундай ҳаракат (техник тадбир) рационал ҳисобланадики, унда қатламнинг тасдиқланган нефт бераолувчанлигига эришилади, битта лойиҳавий қудуқقا тўғри келадиган ўртача (максимал ёки амплитудали эмас айнан ўртача дебити) нефт дебити ортади. Лойиҳавий ҳисобларда битта лойиҳавий қудуқка сарфланадиган капитал харажатлар нормативидан фойдаланилади. Шундай экан битта лойиҳавий қудуқнинг ўртача дебитини ортиши тахминан қилинган капитал харажатлар бўйича ўртача қудуқ дебитининг ортишига тўғри келади. Бу технологик критерий лойиҳавий сеткада олувчи ва ҳайдовчи қудуқлар нисбатини рационал танлашда қўлланилган.

## Рационаллик критеряси

$$q_{o,r}^1 = \max,$$

Лойиҳавий қудук ўртача дебити  $q_0^1$  –алоҳида нефт қатлами бўйича лойиҳавий қудукнинг кўрилаётган қатламлар бўйича олинган ўртача амплитудали(бошланғич максима) нефт дебити билан ифодаланади; н-битта ишлатиш обектига бирлаштирилган кўрилаётган нефт қатламлари сони; (1- $\bar{A}_{yp}$ ) –хисобланган жами суюқлик олишдаги ўртача нефт улиши;

$$q_{o,r}^1 = q_0^1 \cdot n \cdot (1 - A_{o'}) \rightarrow \max.$$

$q_0^1$  –лойиҳавий қудукларнинг алоҳида қудуклар бўйича амплитудали нефт дебити берилган доимий орқали аниқланади. У анқланган бўлади (нефт қатлами параметрлари, қазиб оловчи ва ҳайдовчи қудуклар рационал жойлаштириш схемаси ва уларнинг рационал нисбати, улардаги қудук туби босимининг районал ёки чегаравий миқдори аниқланган бўлади), ёки бир вақтда аниқланади.

Пкатталик кўриб чиқилаётган кон ёки унинг алоҳида майдони бўйича нефт қатламлари умумий сонига teng ёки ундан кам бўлади.

$K_3$ -харакатланувчи нефт захирасидан фойдаланиш коэффициентининг 0,7-0,9 оралиқдаги ҳисобий жами олинган суюқлик таркибидаги нефт улиши куйидаги формула орқали аниқланади.

$$(1 - A_{o'}) e^{-\alpha V^2} = e^{+\alpha} \cdot e^{-\alpha(1+V^2)},$$

Torpedali perforatorlar kabel orqali tushiriladigan va diametri 22 mm li portlovchi snaryadlar otadigan aparatlar bilan amalga oshiriladi.


Ichki PM zaryadi bitta snaryad uchun 5 g teng. Aparat ikkita seksiyadan tashkil topgan bo‘lib, har biri ikkitadan gorizontal stvolga ega. Snaryad qiya turdag'i detonator bilan jihozlangan. Snaryadni tuxtash vaqtida ichki zaryadning portlashi sodir bo‘ladi va atrofidagi tog‘ jinslarining silkilanishiga olib keladi. Kameradagi PM ning massasi – 27 g ni tashkil qiladi. Sinov natijalarida shuni kursatadiki kanallarning chuqurligi 100-160 mm, diametri esa – 22 mm ni tashkil qiladi. Filtratsiya yulining 1 m uzunligi turtta teshikga bulinib ketadi, chunki torpedli perforatsiyada bir yiismi himoya tizmasiningteshib utish uchun ishlatiladi. Uqli va torpedali perforatsiya chegaralangan holatda qullaniladi, ya’ni kuproq kumulyativ perforatsiya qo‘llanilmoqda

### **Kumulyativ perforatsiya**

Kumulyativ perforatsiya – uq yoki snaryad qatnashmaydigan perforator bilan otish orqali amalga oshiriladi.

Tusiqni teshish fokuslashgan portlash hisobiga amalga oshiriladi. Bu kabi fokuslashish portlovchi moddaning sirt tuzilining oxiri tuzilishi bilan asoslangan, u yupqa metall (qalinligi 0,6 mm li mis list) bilan qoplangan. Ingichka gaz oqimi kurinishidagi portlash energiyasi – mahsulotni qoplamadan utib kanal ochadi.





Kumulyativ oqimning bosh qismi 6-8 km/s tezlikka erishadi va tusiqqa 0,15-0,3 mln MPa bosim hosil qiladi. Kmulyativ zaryad bilan otish tusiqda chuqurligi 350 mm ni tashkil qiluvchi perforatsiya kanalini va urta qismlarining diametri 8-14 mmli perforatsiya kanallarini hosil qiladi.

Hamma kumulyativ perforatorlarda gorizontal joylashgan zaryadga ega bulib va ular korpusli va korpussiz turlariga bulinadi.

Korpusli perforatorlar zaryadsizlantirilgandan sung ham kup marotaba ishlatsa buladi. Korpussiz perfoatorni esa bir marta ishlatiladi. Korpusli perforatorning ham bir marta ishlatiladigan turi ishlab chiqarilgan bulib, uning korpusi yupqa metalldan ishlangan va bu qobiq faqatgina quduqqa perforatorni

tushirishda zaryadlarni zichlangan holatda ushlab turish uchun xizmat qiladi.

Peforatorlar kabel bilan (uta kichik ulchamli, NKQ lari ichidan va NKQ lar bilan tushiriladigan perforatorlar ham mavjud) quduqqa tushiriladi. Bu kab perforatorlarda portlash jarayoni elektr impulsi bilan emas, balki NKQ orqali portlash porsheni kabi ishlovchi rezin shar tashlash orqali amalga oshiriladi. Kumulyativ zaryadning bir donasi uchun PM ning massasi 25-50 g ni tashkil qiladi.

Kumulyativ perforator bilan ochiladigan intervalning maksimal qalinligi 30 m, torpedali bilan – 1 m, uqli bilan - 2,5 m gacha buladi.


Korpusli perforatorlar bir martalik utshirish bilan 3,5 m intervalni ochadi, korpusli bir martalik perforatorlar esa -10 m gacha, korpussiz yoki lentali bilan 30 m gacha ochadi.

3-rasm. Korpusli kumulyativli perforator PK105DU:


1-portlatuvchi patron; 2-shnur; 3- zaryad; 4-elektr utkazgich  
Lenatli perforator korpusli perforatorga nisbatan engil, ularning qo'llanilishi quduq tubi bosimi va harorati bilan chegaralanadi, ya'ni portlovchi patron va detonirlovchi shnur quduq suyuqligi uzaro ta'sirda bo'ladi.

Lentali perforatorlarda zaryadlar zich berkitilgan shisha chashkaga urnatilgan, qaysiki oxirida yuk osilgan pulat lenta teshiglariga joylashtirilgan bo'ladi. Gryand shaklida kabelda tushiriladi. Porlashdan sung lenta uncha zarar etmaydi, lekin uni qayta foydalanib bo'lmaydi.

Korpussiz perfaratorning kamchigi – ishlamay qolganinini kuzatib bulmaydi, bu kabi nosozliklarni korpusli perfaratorlarda quduqdan kutargandan so'ng kurish imkonini beradi.



4- rasm. Lentali kumulyativli perforator PKS105:  
 KN - kabelnyiy nakonechnik; 1- perforator boshchasi; 2 –po‘lat lenta; 3- shnur; 4 - zaryad; 5 - portlovchi patron; 6 - yuk.



5-rasm. Perforatorlarning teshib utish qobiliyati: a – kumulyativnaya (PK-103); b – uqli (PVK-80); v – torpedali; g – qum-suyuqlik oqimi bilan teshish.  
 (1-himoya tizmasi; 2-sement halqa; 3 –tug‘ jinsi).

## 5-amaliy mashg‘ulot

### Mavzu:Suyuqlik-qum aralashmasi yordamida teshishni hisoblash.

Mahsuldor qatlamlar ikki marta ochiladi: **Birlamchi ochish burg’ilash jarayonida;ikkilamchi ochish esa mustahkamlash tizmasidan keyin sementlanib teshib amalga oshirildai.**

Mustahkamlash tizmalarini teshib qatlamni ochish quduqning qurilishida eng muhim jarayonlardan biri bo`lib, keyinchalik sinash ishlarining muvaffaqiyatlari o`tishi va qatlamda quduq oqimini ochishda muhim masalalardan biridir. Qatlamni ikkilamchi teshib ochishda quduqdagi suyuqlikni (**8-10mm**); ro`lat quvur diametrini (**6-12 mm qalinlikdagi**); sement tosh qalinligini (quduqda qaqiqiy qalqa oralig`i masofasi **25-50 mm** va undan katta); hamda quduq tubi sohasida tiqilib qolgan kollektorni tizimga bog`liq holda va burg`ilab ochishda unga salbiy ta`sir etuvchi omillarni hisobga olgan **40-50 mmdan 100-150 mm** va undan ko`p masofani yengib o`tishga to`g`ri keladi. Shunday qilib, teshish jarayonining eng asosiy tayinlanishi ko`rsatilgan to`siqlarni yengib o`tishi va quduq bilan gidrodinamik aloqani o`rnatish hamda oqimni jadallashtiruvchi har xil tadbirlarni amalga oshirishni ta`minlash va quduq tubi sohasining o`tkazuvchanligini kuchaytirishdan iborat. Teshish uchun otuvchi suvli-qumli yo`llanma teshgichlardan foydalilanadi.

So`nggi yillarda ko`proq parmalab teshadigan va har xil qirquvchi moslamalardan foydalilanadi. Bular yordamida mustahkamlash tizimlarida va sement toshida har xil yoriqlar hosil qilinadi. Amalda kimyoviy alyuminiyli eritmalardan yoki mis vtulkalardan ko`proq foydalilanadi. U mustahkamlash tizmasining bir qismiga mahkamlanadi, hamda mahsuldor yotqiziqlar joylashgan oraliqlarga o`rnatiladi va teshish amalga oshiriladi.

Mahsuldor qatlamni ochish, suyuqlik oqimini hosil qilish va quduqda o`zlashtirish ishlarini olib borish vaqtidagi ko`ngilsiz hodisa (ochiq favvorala-nish, suv paydo bo`lishi) larning yuz berishi nazariy va amaliy qoidalarga rioya qilmaslikdandir.

#### Mahsuldor qatlamni ochish usullari

Neft qudug`ini qazishning ma`sulyatli bosqichlaridan biri bu tugallash ishlari bo`lib, unga quyidagilar kiradi: **mahsuldor qatlamni ochish; mustahkamlovchi quvurlar tizmasini teshish va sementlash, quduq tubini jihozlash va neft oqimini hosil qilish.** Bu ishlarning qanchalik to`g`ri olib borilganligi quduqni o`zlashtirish davrida va ishlatish davomida bilinadi.

Neft qatlamini ochishda neft va gazning quduq tomon tabiiy sizuvchanligini saqlab qolish va avariyasiz ishlashini ta`minlash uchun ochish texnologiyasini to`g`ri tanlash lozim.

Oxirgi bosqichda ishlarni sifatli amalga oshirish quduqning uzoq muddat ishlashiga, qazib olish imkoniyatiga, iqtisodiy ko`rsatgichlariga ta`sir qiladi.

Mahsuldor qatlamni ochish usullari geologik va texnik shartlardan kelib chiqqan holda bir xil bo`lishi mumkin.

Mahsuldor qatlamni sifatli ochilishida quyidagi masalalar yechimi torishi kerak:

**1. Anomal yuqori qatlam bosimli quduqlarni ochishda ochiq favvora bo`lishini oldini olish choralar ko`rilishi kerak.** Buning uchun shunday loyli eritmani

qo`llash kerakki, quduq tubi bosimi qatlam bosimidan 10% yuqori ekanligi ta`minlansin.

2. Mahsuldor qatlamni ochganda tog' jinsini tabiiy sizilish xossalari saqlanib qolishi kerak.

Mahsuldor qatlamni ochishda loyli eritmaning bosimi har doim qatlam bosimidan yuqori bo`lishi kerak.

Qatlam va quduq tubi oralig'ida bosimning oshib ketishi natijasida qatlamga loyli eritma kirib kelishi sodir bo`ladi va qatlam tubi sohasida o`tkazuvchanlik pasayib ketadi.

Mahsuldor qatlamni ochish uchun shunday yuvuvchi suyuqlikdan foydalanish kerakki, u mahsuldor qatlamning o`tkazuvchanligini yomonlashtirmaydigan va qatlam bosimiga teskari bosim hosil qilaoladigan bo`lishi kerak. Yuvuvchi suyuqlik barqaror bo`lishi kerak, u mahsuldor qatlamning o`tkazuvchanligini yomonlashtirmaydigan va qatlam bosimiga teskari bosim hosil qilaoladigan bo`lishi kerak. Yuvuvchi suyuqlik barqaror bo`lishi kerak, yani vaqt o'tishi bilan o'zining sifatini o'zgartirmasligi lozim, Chunki qatlam ochilgandan keyin tizmani tushirguncha ancha vaqt o'tadi.

Neft va gaz quduqlarini muvofaqiyatli o'zlashtirish uchun mahsuldor qatlamning sifatlari ochilishi katta ahamiyatga ega. Ilmiy, amaliy va laboratoriya tekshirishlari shuni ko'rsatadiki mahsuldor qatlamni ochish vaqtida suv asosida tayyorlangan yuvuvchi suyuqlikdan foydalanish tabiiy g'ovak muhit o`tkazuvchanligini yomonlashtiradi. Laboratoriya sharoitida tabiiy va suniy namunalardan foydalanib tekshirilganda g'ovak muhit o`tkazuvchanligi **15-60% gacha** yomonlashishi aniqlangan.

Mahsuldor qatlamni ochishda yuvuvchi suyuqlik quyidagi talablarga javob berishi kerak:

a) Qatlamga singib kam miqdorda filtratlar hosil qilishi yoki umuman hosil qilmasligi kerak.

b) Hosil bo`lgan filtrat va qattiq zarrachalarni yer yuzasiga chiqarishni oson

bo`lishini ta'minlash.

c) Iloji boricha g'ovak muhit o`tkazuvchanligini yomonlashtiruvchi eritmani

qo'llanilishiga yo'l qo'ymaslik.

3. Mahsuldor qatlamning to`liq ochilishiga erishish uchun uzoq muddat suvsiz neft qazib olish va quduq tubiga suyuqlik oqimining yengil kirib borishini ta`minlanish kerak.

Uyumning tashqi konturidan suv haydovchi quduq burg'ilansa, yuqori samaradorlikka erishish maqsadida qatlamni to`liq ochish kerak. Bunday holatda quduq tubida suv yo`q va quduq "**suvneftchegarasi**" dan katta masofada joylashgan yoki neftgaz konturi chegarasi (NGCH) uzoq bo`lsa, u holda faqat qatlamning neft qismini ochish tavsiya qilinadi.

Agar neft qazib olinuvchi quduqda gaz do`ppisi ochilsa, mahsuldor qatlam "NGCH" sidan biroz uzoqroq masofada ochiladi, quduq tubi esa shunday jihozlanadiki, buning natijasida gaz do`ppisidan gazni olib chiqmasligi kerak.

### 3.2.Quduqda quvurlarni teshish


Quduqda ishlatish quvurlar tizmasini mahsuldor qatlamning kerakli chuqurlikkacha tushirilib sementlangan quduq tuzilishi kam harajatliligi uchun ko`p qo'llaniladi.

Mahsuldor qatlam otish natijasida teshik hosil qilish jarayoni teshish (perforasiya) jarayoni deb atalsa, teshishda qo'llaniladigan arrat rerforotor deb ataladi.

Mustahkamlovchi quvurlar tizmasi va sement xalqasida teshik hosil qilish uchun to`rtta usuldan foydalilaniladi:

Oqli, torpedalash, kumulyativ va suv qum aralashmasi bilan teshish.

**Quduq tubi qattiq tog' jinslaridan tashkil topgan bo`lsa mahsuldor qatlamni ochishda "suv-qumli" teshgichdan foydalilaniladi.** "Suv-qumli otgich" qalin devorli korpusdan tuzilgan bo`lib, unga teshik diametri 3 mm bo`lgan abraziv - chidamli materialli kalta quvur buraladi. "Suv-qumli otgichli perforator quduqqa nasos - kompressor quvuri orqali tushiriladi. Teshishni boshlashdan oldin NKQ lari orqali shar tashlanadi. Bu shar perfatorning o`tuvchi teshigini berkitadi. Undan keyin



16-rasm. Suv-qum oqimli perforator.

1 – dumli rero; 2 – korpus;  
3 – sharikli klapn; 4 – ushlab turuvchi kalta quvurcha; 5 – kalta quvurcha; 6 – bekitib qo'yuvchi.

**AN-500 yoki AN-700** nasos agregati bilan NKQ orqali quduqqa qumli suyuqlik haydaladi. Haydalgan qumli-suyuqlik faqat qalin kalta quvur orqali chiqadi. Qum-suyuqlik kontsentratsiyasi **50-100 kg/m<sup>3</sup>**, kvars qum diametri esa **0,3-0,8 mm**. Kalta quvurdan chiqqan qumli suyuqlik katta tezlikda abraziv oqim hosil qiladi. Qisqa vaqt davomida mustahkamlash quvurlarida, sement toshida va tog' jinsida teshik teshilib, quduq ustuni mahsuldor qatlama bilan ulanadi (16-rasm).

Kalta quvur diametri, ularning soni va haydaladigan suyuqlikning tezligiga bog'liq holda teshilgan teshikning chuqurligi **40-60 mm** gacha yetadi. Bunda sement toshining germetikligi ta`minlanishi kerak. "Suv-qum oqimli" usul bilan teshishda quduq ustida **40 MPa** bosim hosil qilinadi. Bitta nasadkada qumli-suyuqlikni haydalish darajasi **3-4 l/sek**, nasadkada oqimning hajmiy tezligi **200-300 m<sup>3</sup>/kun**, bosimlar farqi esa **18-20 MPa** gacha yetadi. Bitta oqimni perforatsiya qilish **15-20 minut** davom etadi. Berilgan oraliq teshilgandan so`ng perforator ko`tariladi va navbatdagi oralig'qa o`rnataladi va jarayon takrorlanadi.

"Gidro-qum oqimli" teshgich mustahkamlash nasos kompressor quvurni va burg'ilash quvurlarini kesishda, sement stakanini va qumli toshli qattiq tiqinlarni buzishda, hamda qatlama yoriqli teshiklapni bajarishda qo`llaniladi.

Suyuqlik-qum aralashmasi yordamida teshishni hisoblash.

Diametri D = 15 sm va chuqurligi H = 1500 m bo'lgan quduqda suyuqlikqum aralashmasi yordamida teshish uchun ishchi suyuqlik sarfini, umumiyl kerak bo'ladigan suyuqlikqum miqdorini va nasos agregati, gidravlik bosim yo'qatilishini, nasadkadan chiqishdagi suyuqlik bosimini, NKQ xavsiz osilish uzunligini va quvurni cho'zilishini aniqlash.

Suyuqlik (suv) sarfini quyidagi formula orqali aniqlaymiz

$$Q = n\phi f_10 \sqrt{\frac{20g\Delta p}{\rho_{ar}}} \text{ sm}^3/\text{s}$$

Bu erda n = 4 ta diametri 4,5mm nasadka soni;  $\phi$  - tezlik koeffisienti, uni sarf koeffisientiga teng deb olamiz 0,82 (konoidal nasadka uchun);  $f = 0,158 \text{ sm}^2$  nasadka teshigi kesimi ( $0,785 \cdot 0,45^2$ );  $g = 981 \text{ sm/s}^2$  - erkin tushish tezlanishi;  $\Delta p$  - nasadkadagi bosimlar farqi ( $\Delta p = 200 \text{ kg/sm}^2$ );  $\rho_{ar}$  suvqum aralashmasi zichligi, quyidagiga teng  $\Delta p = C(\rho_q - \rho_s) + \rho_s$ .

Oxirgi formulada  $\rho_q = 2,7 \text{ g/sm}^3$  - qumning zichligi;  $\rho_s = 1 \text{ g/sm}^3$  - suvning zichligi; C - qumning hajmiy konsentrasiyasi, u quyidagiga teng

$$C = \frac{c_0}{c_0 + 1000\rho_q} = 0,0357.$$

bu erda  $C_0 = 100 \text{ g/l}$  - qumning og'irlik konsentrasiyasi.

$\rho_{ar}$  ni aniqlaymiz:  $\rho_{ar} = 0,0357 (2,7 - 1) + 1 = 1,06 \text{ g/sm}^3$

$$\text{Suyuqlik sarfini aniqlaymiz: } Q = 4 \cdot 0,82 \cdot 0,158 \cdot 10 \sqrt{\frac{20 \cdot 981 \cdot 200}{1,06}} = 9920 \text{ sm}^3/\text{s} = 9,9$$

l/s.

2.Teshishni o'tkazish uchun kerak bo'ladigan nasos agregati, suyuqlir va qumning umumiy miqdorini aniqlaymiz.

Kerak bo'ladigan suyuqlir miqdori hisob kitobda ikki quduq hajmi miqdorida olinadi (bir hajmi qumni quduq tubiga tashish uchun, ikkinchi hajim jarayon tugaganda quduqni yuvish uchun) plus 0,3 hajim qatlamga singib yo'qatilishga.

Shunday qilib,

$$Q_s = 2,3V = 2,3 \cdot 26,5 = 61 \text{ m}^3$$

$$\text{bu erda quduq hajmi } V = 0,0177 \cdot 1500 = 26,5 \text{ m}^3.$$

Kerak bo'ladigan kvars qumi miqdori

$$Q_q = 1,3VC_0 = 1,3 \cdot 26,5 \cdot 100 = 3440 \text{ kg}, \text{ yoki } 3,44 \text{ t}$$

2AH-500 markali nasos agregati ikkita bo'lishi kerak, biri ishchi, u 9,9 l/s miqdordagi sarfni ta'minlasa, ikkinchisi zaxirada.

3.Suyuqlikqum aralashmasi yordamida teshishda bosimning gidravlik yo'qatilishi P quyidagiga teng

$$P = \Delta p_q + \Delta p_x + \Delta p_n + \Delta p_p$$

Bu erda  $\Delta p_q$  - quvurda bosim yo'qatilishi  $\text{kg} \cdot \text{k/sm}^2$ ;  $p_x$  - xalqa qismida bosim yo'qatilishi  $\text{kg} \cdot \text{k/sm}^2$ ;  $\Delta p_n$  - nasadkada bosim yo'qatilishi  $\text{kg} \cdot \text{k/sm}^2$ ;  $\Delta p_p$  - polastda bosim yo'qatilishi  $\text{kg} \cdot \text{k/sm}^2$ ;

Quvurda bosim yo'qatilishi

$$\Delta p_q = 82,5 \lambda \rho_{ar} \frac{Q^2 H}{d^2},$$

bu erda  $\lambda_i = 0,035$  - diametri 6,2 sm quvurdan suvning harakatidagi ishqalanish koeffisienti (24-jadvalga qarang);  $Q = 9,9 \text{ l/s}$  - suyuqlik sarfi;  $H = 1500 \text{ m}$  - quvurning tushirilish chuqurligi;  $d = 6,2 \text{ sm}$  — NKQning ichki diametri.

$$\text{Topamiz } \Delta p_q = 82,5 \cdot 0,035 \cdot 1,06 \frac{9,9^2 \cdot 1500}{6,2^2} = 49,1 \text{ kg} \cdot \text{k/sm}^2.$$

Xalqa qismida bosim yo'qatilishi quyidagicha aniqlanadi

$$\Delta p_x = \frac{82,5 \cdot 10^{-6} \lambda_x \rho_{ar} Q^2 H}{(D^2 d^2)^2 (D-d) g} \text{ kg} \cdot \text{k/sm}^2,$$

Bu erda  $\lambda_x$  - xalqali qismidan suyuqlik harakatlanishida ishqalanish koeffisienti;  $Q = 9,9 \text{ l/s}$ , yoki  $9900 \text{ sm}^3/\text{s}$ ;  $H = 1500 \cdot 10^2 \text{ sm}$ ;  $D = 15 \text{ sm}$  - ishlatish quvurlari tizmasining ichki diametri;  $d = 7,3 \text{ sm}$  - NKQ ning ichki diametri;  $g = 981 \text{ sm/s}^2$  - erkin tushish tezlanishi;

$\lambda_x$ ni aniqlash uchun Renol'ds sonini Mitsu va Shubert bo'yicha aniqlaymiz:

$$Re = \frac{\rho_{ar} \omega \delta}{\mu_{ar}^6 (1-m)}$$

Bu erda  $\omega$ -suyuqlik aralashmasiningning 15-sm va 7,3-sm tizmalar oralig'ida harakatlanish tezligi, u quyidagiga teng

$$\omega = \frac{Q}{0,785(D^2 - d^2)} = \frac{9900}{0,785(15^2 - 7,3^2)} = 73 \text{ sm/s};$$

$\delta = 0,05 \text{ sm}$  - qum donalarining o'rtacha diametri;  $m$  — quvurdagi qattiq fazaning shartli g'ovakligi. M kattaligi quyidagi ifoda orqali aniqlanadi

$$m = 1 - \frac{\rho_{ar} - \rho_s}{\rho_q} = 1 - \frac{1,06 - 1,0}{2,7} = 0,98$$

$\mu_{ar}$  - suyuqlikqum aralashmasi qovushqoqligi pz yoki  $\text{g/sm}\cdot\text{s}$  da, quyidagicha aniqlanadi

$$\mu_{ar} = \beta_s e^{3,18C},$$

Bu erda  $C$  - Qumning hajmiy koefitsienti ( $C = 0,0357$ );  $e$  — natural logarifm asosi;

$$\mu_{ar} = 1 \cdot 2,718^{3,18 \cdot 0,0357} = 1,119 \text{ spz, yoki } 0,01119 \text{ pz.}$$

Re sonini aniqlaymiz:

$$Re = \frac{1,06 \cdot 73 \cdot 0,05}{0,01119 \cdot 6(1-0,98)} = 2920.$$

Rejim turbulent:

$$\lambda_x = \frac{0,3164}{\sqrt[4]{Re}} = \frac{0,3164}{\sqrt[4]{2920}} = 0,043;$$

$$\Delta p_x = \frac{82,5 \cdot 10^{-6} \cdot 0,0431 \cdot 0,06 \cdot 9900^2 \cdot 1500 \cdot 10^2}{(15^2 - 7,3^2)^2 (15 - 7,3) 981} = 4 \text{ kg} \cdot \text{k/sm}^2.$$

$\Delta p_{q,va}$   $p_x$  larni topishni engillashtirish maqsadida har xil kontsentrasiyali kvars qymli (50,100 va 160  $\text{g/l}$ ) diametri 60, 73, 89, 114 mm yuvuvchi quvur uchun maxsus grafikdan foydalanish mumkin (4, 5, 6 va 7 rasmlarga qarang).

Suyuqlik sarfi  $Q = 9,9 \text{ l/s}$  bo'lganda nasadkada bosim yoqotilishini  $\Delta p_n = 200 \text{ kg} \cdot \text{k/sm}^2$  teng deb oldik. Uni yuqorida keltirilgan sarf formulasidan aniqlashimiz mumkin, echim nisbiy:

$$\Delta p_n = \frac{5 \cdot 10^{-4} Q^2 \rho_{ar}}{n^2 f^2 \varphi^2 g}.$$

$\Delta p_p$  - polostda bosim yo'qatilishi, tajriba natijasida aniqlanishi bo'yicha 20 dan 50  $\text{kg} \cdot \text{k/sm}^2$  gacha o'zgarishi mumkin. O'rtachasini qabul qilamiz  $p_p = 35 \text{ kg} \cdot \text{k/sm}^2$ .

Jami gidravlik bosim yo'qatilishi

$$P = 49,1 + 4,0 + 200 + 35 \approx 288 \text{ kg} \cdot \text{k/sm}^2.$$

4. Suyuqlik va qumning nasadkadan chiqishdagi bosimi quyidagiga teng

$$P_0 = p_u + 0,1H\rho_{ar} - P \text{ kg} \cdot \text{k/sm}^2,$$

Bu erda  $p_u$  - 2AH-500 markali nasos agregati V – tezlikda ishlayotganda ( $9,5 \text{ l/s}$  surf bilan), quduq usti bosimi  $222 \text{ kg} \cdot \text{k/sm}^2$ ;

$$P_0 = 222 + 0,10,1 \cdot 1500 \cdot 1,06 - 288 = 93 \text{ kg} \cdot \text{k/sm}^2 (9 \text{ MPa}).$$

5.Suyuqlik aylanishidagi 7,3 sm li quvurning xavfsiz osilish uzunligi quyidagicha aniqlanadi

$$L = \frac{\frac{Q_{str}}{K} - f_k p_u}{q_q} m,$$

Bu erda  $Q_{str} = 38800 \text{ kgk}$  - 36G2C markali po'latdan yasalganrezbali birikmasi silliq NKQ uchun stragivayushiy nagruzkasi;  $K = 1,5$

chidamlilik zaxirasi koeffitsienti;  $f_k = 30,2 \text{ sm}^2$  - quvur kesimi o'tish yuzasi;  $p_u = 222 \text{ kg} \cdot \text{k/sm}^2$ ;  $q_q = 1 \text{ m}$  diametri 7,3sm quvur muftasi bilan og'irligi;  $q_q = 9,46$  -  $f_k p_{ar} = 9,46 - 0,117 \cdot 1,06 = 8,2 \text{ kgk}$  ( $f_q$  - quvur ko'ndalang kesimining yuzasi,  $0,117 \text{ dm}^2$ ) Unda

$$L = \frac{\frac{38800}{1,5} - 30,2 \cdot 222}{8,2} = 2340 \text{ m}.$$

Suyuqlik serkulyasiyasi bo'limgan holatda shu quvurni maksimal tushurilish chuqurligi (suyuqlik to'liq yutilayotganda) quyidagiga teng

$$L = \frac{\frac{Q_{str}}{K} - f_k p_u}{q'_q + 0,1 f_k p_{ar}} m,$$

Bu erda  $q'_q = 9,46 \text{ kgs}$  - 1 m diametri 7,3sm quvur muftasi bilan og'irligi, suyuqlikda og'irlik yo'qatilishi hisobga olinmaganda, quvur ortki qismida suyuqlik yo'q;

$$L = \frac{\frac{38800}{1,5} - 30,2 \cdot 222}{9,46 + 0,1 \cdot 30,2 \cdot 1,06} = 1516 \text{ m},$$

6. Jami og'irlik ta'sirida NKQ uzayishini aniqlaymiz.

Guk qonuni bo'yicha, quvur uzayishi

$$\Delta L = \frac{GL}{Ef_T} m,$$

Bu erda G - quduqqa tushadigan jami zo'rlnish kgs da;  $L = 1500 \text{ m}$  - quvirlar tizmasining uzinligi;  $E = 2,1 \cdot 10^6 \text{ kg} \cdot \text{k/sm}^2$  - qyishqoqlik moduli;  $f_T = 11,66 \text{ sm}^2$  - diametri 7,3sm li quvur ko'ndalang kesimining yuzasi,  $11,66 \text{ sm}^2$ .

Suyuqlikning aylanishida

$$G = q_q \frac{L}{2} - \Delta p_x f_t + f_x (p_u - \frac{\Delta p_q}{2}) = 8,2 \frac{1500}{2} - 4,0 \cdot 41,84 + 30,2(222 - \frac{49,1}{2}) = 12090 \text{ kgk},$$

bu erda  $q_q$  - diametri 7,3 sm bo'lgan 1 m quvirning muftasi bilan suyuqlikdagi og'irligi;  $q_q \frac{L}{2}$  - quvirning muftasi bilan o'z og'irligi ta'siridagi zo'rlnishi;  $f_t = 41,84 \text{ sm}^2$  - 7,3 sm quvirning tashqi diametri bo'yicha ko'ndalang kesimi yuzasi; Suyuqlikning aylanishi bo'limganda

$$C' = q'_q \frac{L}{2} + f_x(0,1L\rho_{ar+pu} \frac{\Delta p_q}{2}) = 9,46 \frac{1500}{2} + 30,2(0,1 \cdot 1500 \cdot 1,06 + 222 - \frac{49,1}{2}) = 17861 \text{ kgk},$$


bu erda  $q' = 9,46 \text{ kgk} - 1\text{m} 7,3 \text{ sm li quvirning muftasi bilan havodagi og'irligi.}$

Suyuqlikning aylanish bor vaqtdagi quvurning uzayishi

$$\Delta L = \frac{GL}{Ef_q} = \frac{12090 \cdot 1500}{2,1 \cdot 10^6 \cdot 11,66} = 0,74 \text{ m.}$$

Suyuqlikning aylanishi bo'lmaganda quvurning uzayishi

$$\Delta L' = \frac{G'L}{Ef_q} = \frac{17861 \cdot 1500}{2,1 \cdot 10^6 \cdot 11,66} = 1,09 \text{ m.}$$




Nº	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Quduq tubi atrofining o'tkazuvchanligi, $\text{mkm}^2$ ; <b>k</b>										
Qatlamning qalinligi, $\text{m}$ ; <b>h</b>										
Qatlam shariotidagi neft zichligi, $\text{kg/m}^3$ ; <b>p<sub>ip</sub></b>										
Qatlam bosimi, MPa; <b>R<sub>pl</sub></b>										

## 6-amaliy mashg'ulot

**Mavzu: Quduqni azot yordamida uzlashtirish uchun qurilma va materiallarni tayyorlash**


Qurilmalar quduqni suyuq azot bilan gazlashtirish imkonini beradi, ya’ni gazsimon azotni va azot bilan gazlashtirilgan suyuqliklarni (kupik) tayyorlash va quduqqa junatish, qatlardan flyuid oqimini chaqirish uchun imkonini beradi.

Gazsimon azot bilan quduqdan suyuqliknini siqib chiqarish yuli orqali qatlardan oqim chaqirish uchun 1-rasmida quduq usti jihazlarining bog’lamasi brilgan, a zaot bilan gazlashtirilgan suyuqliklardan foydalanib qatlardan oqim hosil qilish ni quduq usti bolamasi 2-rasmida berilgan.



1-rasm. Gazsimon azot yordamida quduqdan suyuqliknini siqib chiqarish yuli bilan oqim hosil qilishda quduq usti jihozlarining bog’lamasi sxemasi:

1-azotli gazlashtirish qurimasi AGU-8K; 2-elekrostansiya; 3-yuqori boimli gaz quvurlar uzatmasi(yuqori bosimli shlanglar); 4-teskari klapan; 5- azotli gazlashtirish qurilmasini quduqqa qushish bog’lamsi(grebenka); 6- zaxira kirish qismining berkitish qurilmasi (grebenki); 7- quduqqa gazni haydash liniyasi; 8-manometr; 9- quvurlar uzatmsiga haydash liniyasini ulashdagi uchlik (troynik); 10,11,13,14 – 17 – favvora armaturasining zadvijkalari; 12 – krestovina; 18-yig’uv idishiga quduqdan suyuqlik va kupikni uzatish uchun ishlatiladigan chiqarish liniyasi; 19-nfet yig’ish kolektori; 20 – yig’uv idishi; 21- chiqarish liniyasini berkitish uchun stopirli yakor; 18; 22 – namuna oladigan kraynik



2- rasm. Gazlashtirilgan suyuqlik (kupik) qullash orqali quduqda oqim olishdaggi quduq usti jihozlari bog’lanish sxemasi:

1 – азотная газификационная установка; 2 – электростанция; 3 – газопровод (шланги высокого давления); 4 – обратный клапан; 5 – узел подключения газификационных установок к скважине (“гребенка”); 6 – насосный агрегат; 7 – трубопровод для сброса жидкости в емкость насосного агрегата (опускается до дна мерной емкости); 8 – вентиль или блок вентиляй для регулирования расхода пенообразующей жидкости (делитель расхода); 9 – тройник; 10 – фильтр; 11, 16, 31 – манометры; 12 – запорное устройство для отключения линии, подключенной к насосному агрегату; 13 – штуцер; 14 – смеситель жидкой и газообразных фаз (тройник, аэратор или эжектор); 15 – тройник для подключения нагнетательной линии к трубному пространству скважины; 17 – заглушка на резервном входе “гребенке”; 18 – 22, 24, 25 – задвижки фонтанной арматуры; 23 – крестовина; 26 – выкидной трубопровод для подачи жидкости и пены из скважины в накопительную емкость; 27 – нефтесборный коллектор; 28 – накопительная емкость; 29 – якорь стопорный для закрепления выкидной линии 26; 30 – пробоотборный кран

Jarayondi boshlashdan oldin quduq ustini albatta favvora armaturasi bilan jihozlab va neft yig‘io‘ kollektori bilan bog‘lash lozim.

Ishchi agentni haydashdan (gazsimon azot, kupik) oldin, quduqni azotli qurilma bilan shunday bog‘lash lozimki ,bo‘nda u ishchi agentni quvur ichidan va quvur halqa oralig‘idan haydash va quduqdan suyuqlikni ham bir vaqtning uzida quvur va quvur orti halqa oralig‘idan chiqish imkonini bersin. Ejektorni shunday bog‘lash kerakki, bunda uning yon tomonidagi quvuri teskari klapini bilan vertikal pastga yo‘naltirilgan bulishi lozim.

Favvora armaturasidagi zadvijkalar 15 chi (1-rasm) va 22chi (2-rasm) boshqariladigan diametri 8 mm dan 16 mm li shtutser bilan jihozlanishi lozim.

Sarf 8 (1-rasm) oqimni ikkiga bo‘luvchi 7 ventillarni nasos aggregatining ulchov idish bo‘limmasining tbigacha tushirilib berkitib qo‘yiladi. Sarfni ikkiga buluvchi 8 vetylning utkazish kesimining yuzi  $0.8-1.5 \text{ sm}^2$  ga teng bo‘lishi lozim.

Kutilayotgan maksimal ishchi bosimdan bir yarim boravar yuqori bosim bilan quduq ustidagi barcha uzatish quvurlarini gidravlik usulda opressoqka qilish lozim. Gaz liniyasini gazsimon azot bilan gazlashtirish qurilmasining maksimal ishchi bosimida opressoqka qilish lozim. Olingan natijalrn akt asosida hujjatlashtirish lozim.

SFM va texnik suvlarining hisobiy miqdorlarini, gazlashtirilgan suyuqlik (kupik) dan foydalanishda hisobga olib, suyuq azotning (4,2-8,4 t) quduqda mavjud bo‘lishini ta’minalash lozim. Quduqqa gazlashtirilgan suyuq azotni (kupik) haydashdan jarayoninini o‘zidayoq semetlash aggregatlarining o‘lchov idishidan tashqarida kupik hosil qiluvchi suyuqlikni tayyorlab olish lozim.

Avtotsernalarda va harakatlanadigan idishlarda kupik hosil qiluvchi suyuqlikni oldindan tayyorlab quyish variantlari ham bulishi mumkin.

1m<sup>3</sup> suvga 3 kg dan to 7 kg gacha(sirt faol moddaga hisoblaganda) sulfonol, OP-10 yoki boshqa SFM qushish lozim.

Suvga qo‘shiladigan SFM moddasining miqdori uning tuzliyligiga bog‘liq bo‘ladi, SFM daning sifatiga va shuningdek eksprimental yul bilan ham aniqlashtirilishi mumkin. Buning uchun laboratoriya shariotida SFM miqdoriga bog‘liq holda kupikning turg‘unligi aniqlanadi, imkon darajasidagi 0,05 dan 1,00 gacha moddalarning aktivligini hisobga olib, shunday minimal qiymatdagi konsentratsiya

olinadiki, qaysiki kupikning turg'unligi kuzatilishi mumkin bulgandan 95% ni tashkil etish kerak.

Azot yordamida quduqlarni uzlashtirish parametrlar hisobi

Quduqlarni uzlashtirishda AGU sisternalarida gazsimon azotning chegaralanganligi tejamkor sarflash eng muhim savollardan biri hisoblanadi. Uzlashtirishni boshlashdan avval jarayoni asoslash lozim ya'ni uzlashtirishning saosiy parametrlarini aniqlash lozim – azotning hajmi, uzlashtirilish davomiyligi, quduq ustidagi haydash bosimi, liftning utshirilish chuqurligi chegarasi, azotli qo'rilmanning ishchi bosimiga qarab gazsimon azot bilan uzlashtirishni va boshqa ma'lumotlarni bilish lozim.

Quduq ustigacha tuldirligan, quduqdan suyuqlikni siqib chiqarish uchun kerak buladigan gazsimon azotning hajmini topishda quyidagi bog'lanishdan topamiz Suyuqlik haydash usuliga bog'liq ravishda:

Quvur ichki qismidan

$$V_{0x} = 8,1d_0^2 H p_{cp} \frac{273,2}{273,2 + t_{cp}}; \quad (1)$$

Quvur orti qismidan

$$V_{0z} = 8,1(D^2 - d_b^2) H p_{cp} \frac{273,2}{273,2 + t_{cp}}, \quad (2)$$

Bu erda  $V_{ol}$ ,  $V_{oz}$  – gazlashtirilgan azotning hajmi,  $m^3$ ;  $N$  – NKQ larining tushirilish chuqurligi,  $m$ ;  $d_0$ ,  $d_v$  – mos ravishda kutaruvchi quvurlarning ichki va tashqi diametri,  $m$ ;  $D$  – himoya tizmalarining ichki diametri,  $m$ ;  $r_{sr}$  – quduqni tuldirlib turgan gazning o'rtacha bosimi, MPa,

$$p_{cp} = (p_y + p_6)/2; \quad (3)$$

$r_b$  va  $r_u$  – haydalayotgan azotning NKQ bashmagi va quduq ustidagi bosimlari, MPa,

$$p_6 = H \rho_a \cdot 10^{-5}; \quad (4)$$

$$p_y = \frac{p_6}{e^{1,2 \cdot 10^{-4} H \rho_a}}, \quad (5)$$

$\rho_j$  – quduqdagi suyuqlikning zichligi,  $kg/m^3$ ;  $N$  – NKQ larining tushirilish chuqurligi,  $m$ ;  $\rho_a$  – azotning nisbiy zichligi havoga nisbatan,  $\rho_a = 0,97$ .

Jarayonning davomiyligi quyidagi formula bilan aniqlanadi

$$T = \frac{1,2V_0}{60q_a}, \quad (6)$$

Bu erda  $T$  – ish jarayoning davomiyligi, soat;  $V_0$  – azotli qurilmalarning ish unumdorligi yig‘indisi, ish jarayonida ishtirok etayotgan; 1,2 – qurilmalarni ishga tayyorlashni hisobga oliuvchi koeffitsient;  $q_a$  – quduqqa haydaladigan azotning sarfi,  $m^3/min$ .

SHuningdek ma’lumki quduqni uzlashtirish uchun ketgan vaqt quduqqa azotni NKQ larida haydash vaqtidan ko‘p bo‘ladi. Mos ravishda ishchi agentning hajmi ortadi

$$V_d = 60q_r T_d \quad (7)$$

( $T_d = 2-6$  soat quduqni uzlashtirish malakasidan kelib chiqib).

Quduqni uzlashtirish uchun kerak buladigan gazsimon azotning umumiy hajmiy miqdori

$$V_p = V_{o(l, zatr)} + V_d. \quad (8)$$

Gazsimon azot bilan quduqdagi suyuqlikni siqib chiqarish bilan oqim olida quduq suyuqligini kamaytirishning chegaraviy qiymati quyidagiga teng:

2700 m, agar quduq suv bilna tuldirligan bo‘lsa;

3300 m, agar quduq neft bilan tuldirligan bulsa (zichligi  $850 \text{ kg/m}^3$ ).

Quduqlarni gazlashtirilgan azot (kupik) yordamida uzlashtirishning ishlari 2000 dan 5000 mm chuqurligidagi quduqlarga qullash maqsadga muvofiq.

## 7-amaliy mashg‘ulot

### Mavzu: Quduqlarni uzlashtirish, quduq suyuqligini almashtirish usullari

Quduqlarni uzlashtirish deganda qatlama bosimimga qarshi bosimni kamaytirish bilan deppressiya va oqim hosil qilish tushiniladi.

Suyuqlikni haydash tug‘ridan tug‘ri (haydash suqligi NKQ tizmasi orqali uzatiladi) haydash yoki teskari (haydash suyuqligi NKQlari va himoya tizmasi orasidagi halqasimon bushliq orqali uzatiladi) amalga oshiriladi. SHu bilan birga har bir turdag'i haydashda ishvalanish tufayli bosim yuqotilishini hisoblashni bilish lozim.

To‘g‘ridan-to‘g‘ri haydash

#### 1. Nyuton suyuqliklari.

Quvurlarda ishqalanishda bosim yuqotilishi  $\Delta p_t$  Darsi-Veysbax formulasi bilan aniqlanadi.

$$\Delta p_t = 0,81\lambda H Q^2 \rho_{\text{ж}} / d_{\text{вн}}^5. \quad (1)$$

**Bu erda**  $H$ - quvur uzunligi (harakatlanish yo‘li), m;  $Q$  – hajmiy suyuqlik sarfi ,  $m^3/s$ ;  $\rho_j$  - nyuton suyuqligining zichligi  $kg/m^3$ ;  $d_{\text{vn}}$  – quvurning ichki diametri, m;  $\lambda$

– gidravlik qarshilik koeffitsienti, Reynolds soniga bog‘liq holatda,  $Re_t$  – quyidagi formula bilan aniqlanadi:

$$Re_t \leq 2320 \text{ da } \lambda = 64 / Re_t,$$

$$Re_t > 2320 \text{ da } \lambda = 0,3164 / \sqrt[4]{Re_t}$$

Reynolds soni

$$Re_t = w d_{\text{BH}} \rho_* / \mu_*, \quad (2)$$

Bu erda  $w$  – suyuqlikning harakatlanish tezligi, m/s;  $\mu_j$  – nyuton suyuqligining qovushqoqligi, Pa·s.

$Re_t > 10000$  da gidravlik qarshilik koeffitsienti G.K.Filonenko formulasi bilan hisoblanadi.

$$\lambda = 1 / (1,82 \lg Re_t - 1,64)^2. \quad (3)$$

2. Qovushqoq plastik suyuqliklar.

Ushbu suyuqliklar plastik qovushqoqligi va chegaraviy (dinamik) siljish kuchlanishi bilan tavsiflanadi, uni quyidagi formula bilan aniqlash mumkin:

$$\eta = 0,033 \cdot 10^{-3} \rho_{jn} - 0,022,$$


$$\tau_0 = 8,5 \cdot 10^{-3} \rho_{jn} - 7,$$

bu erda  $\rho_{jn}$  – nonyuton(plastikaviy qovushqoq) suyuqliklarining zichligi, kg/m<sup>3</sup>;  $\eta$  – plastikaviy qovushqoqlig, Pa·s;  $\tau_0$  – chegaraviy (dinamikaviy) siljish kuchlanishi, Pa.

Laminar va turbulent rejim kriteriyalari (shartlari)

Quvur ichidagi kritek tezlik  $w_{kr}$  (m/s):

$$w_{kp} = 25 \sqrt{\tau_0 / \rho_{\text{KH}}}. \quad (4)$$



1-rasm.Sen-Sen-Venana-Ilyushina parametriga bog‘liq holdagi  $\beta$  koeffitsient.

Aylana shakl kundalang kesim uchun; 2 – halqa shakl kundalang kesim uchun;

$w < w_{kr}$  rejimda harakatlanish laminar (strukturaviy) va ishqalanishda bosim yuqotilishi qo‘yidagi formula bilan aniqlanadi

$$\Delta p_{\tau} = 4\tau_0 H / (\beta_{\tau} d_{\text{BH}}), \quad (5)$$

Bu erda  $\beta_{\tau}$  – quvurlar uchun koeffitsent bulib, Sen-Vanena-Ilyushina Sen (1-rasm).

$$Sen_{\tau} = \tau_0 d_{\text{BH}} / (\eta w). \quad (6)$$

$w > w_{kr}$  da harakatlanish rejimi turbulentli va ishqalanishdagi bosim yuqotilishi quyidagi formula bilan hisoblanadi

$$\Delta p_{\tau} = 0,012 \rho_{\text{жн}} H w^2 / d_{\text{BH}}. \quad (7)$$

Teskari haydash.

Nyuton suyuqliklari. Halqasimon oraliqdaishqlanishda bosim yuqotilishi.

$$\Delta p_{\text{кз}} = \lambda H w^2 \rho_{\text{ж}} / [(D_{\text{BH}} - d_{\text{нап}}) 2], \quad (12)$$

Bu erda  $D_{vn}$  – tashqi quvurlar uzatmasining ichki diametri (himoya tizmasi), m;  $d_{\text{har}}$  – ichki quvurlar uzatmasining tashqi diametri (NKT), m.

Reynolds soni

$$Re = w(D_{vn} - d_{\text{har}})\rho_j/\mu_j \quad (13)$$

Gidravlik qarshilik koeffitsienti (2), (3) yoki (5) formulalrdan biri bilan hisoblanadi.

## 2.Qovushqoq plastik suyuqliklar.

Kritik tezlik

$$W_{kr} = \eta Re_{krn} / [\rho_j (D_{vn} - d_{\text{nar}})], \quad (14)$$

Bu erda  $Re_{krn}$  - qovushqoq plastik suyuqliklar uchun Reynolds sonining kritik qiymati, oqim rejimining o‘zgarishi bilan tavsiflanadi:

$$Re_{krn} = 2100 + 7,3 He^{0,58}, \quad (15)$$

He – Xedstrem parametri

$$He = Re_{kz} \cdot Sen_{kz}. \quad (16)$$

Halqa oralig‘i uchun Sen-Vanena-Ilyushina parametri ushbu ko‘rinishda ifodalanadi

$$Sen_{kz} = \tau_0 (D_{\text{BH}} - d_{\text{нап}}) / (\eta w), \quad (17)$$

Reynolds parametri esa quyidagicha

$$Re_{kz} = w (D_{\text{нн}} - d_{\text{нап}}) \rho_{\text{жн}} / \eta. \quad (18)$$

(13) formulaga (14 va (15) quyish orqali quyidagi tenglikni hosil qilamiz

$$He = \tau_0 \rho_{\text{жн}} (D_{\text{BH}} - d_{\text{нап}})^2 / \eta^2. \quad (19)$$

Halqa oralig‘ida suyuqlik harakatining rejimi laminar (strukturaviy) bo‘lib, agar  $Re_{kz} < Re_{krn}$  ( $w < w_{kr}$ ) bo‘lsa, ishqalanishdagi bosim yuqotilishi quyidagi formula bilan aniqlanadi

$$\Delta p_{kz} = 4\tau_0 H / \left[ \beta_{kz} (D_{bh} - d_{gap}) \right], \quad (20)$$

Bu erda  $\beta_{kz}$  – Sen parametriga bog‘liq bo‘lgan, halqa oralig‘i uchun koeffitsient (1-rasm).

Sen-Vanena-Ilyushina parametri (17) formula bilan aniqlanadi.

Agar  $Re_{kz} > Re_{krn}$  ( $w > w_{kr}$ ) bo‘lsa, halqa oralig‘idagi suyuqlik oqimi turbulent rejimda yuz beradi va ishqalanish uchun bosim yuqotilishi quyidagi formula bilan aniqlanadi.

$$\Delta p_{kz} = 0,012 \rho_{zh} H w^2 |(D_{bh} - d_{gap})|. \quad (21)$$

Ushbu hsiob kitolarda muftali birikmalardagi mahalliy qarshilik koeffitsientining ta’siri hisobga olinmagan. Muftalardagi bosim yuqotilishi hisobga olinganda ishqalanishda bosim yuqotilish 1-5% gacha ortadi.

Misol.

Quyidagi sharioitlar uchun quduqni uzlashtirish jarayoning asosiy parametrlarini hisoblaymiz: Quduq chuqurligi  $L_s = 3200$  m, NKQ larini tushirilish chuqurligi  $N = 3200$  m, qatlam bosimi  $R_{pl} = 35$  MPa. Quduqqa 168-mm li himoya tizmasi tushirilgan bo‘lib uning ichki diametri  $D_{vn} = 0,1503$  m va zichligi  $\rho_{gl} = 1150$  kg/m<sup>3</sup>. NKQ larining tashqi diametri  $d_{nar} = 0,089$  m, ichki diamerti  $d_{vn} = 0,076$  m. Haydash suyuqligi – suv (zichligi  $\rho_z = 1000$  kg/m<sup>3</sup>, qovushqoqligi  $\mu_z = 0,001$  Pa·s.) 4AN-700 (UN1-630X700A).

To‘g‘ri (NKQ ichki tomonidan) va teskari (halqa oralig‘idan orqali) hayshdagagi aniqlashimiz lozim bulgan kattaliklar; haydash bosimi  $R_z$ , haydashdagi suyuqlik hajmi  $V_z$  va haydash jaryoning vaqtি  $T_z$ ,

### Echim 1. To‘g‘ridan-to‘g‘ri.

Haydash ishlari 4AN-700 agregati bilan amalag oshirilib, tanlanadi, masalan uchinchi tezlik va plunjir diametri 100 mm li (uzatish sarfi  $Q = 0,012$  m<sup>3</sup>/s, bosimi esa  $R = 37,4$  MPa).

$R_b = R$  bo‘lganda, quduq tubidan x balandlikni topish kerak, qaysiki haydash suyuqliklari ikki quvur halqasi oralig‘ida kutarilishi lozim.

Bu holatda quduq tubi bosimi Quyidagicha hisoblanadi

$$R_{zab} = R_{pl} = \rho_{gl} g (N - x) + \rho_z g x + \Delta p_{kegl} + \Delta p_{kee} \quad (1)$$

No	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Quduq tubi atrofining										

$\text{o'tkazuvchanligi, mkm}^2$ ; <b>k</b>									
Qatlamning qaliligi, m; <b>h</b>									
Qatlam shariotidagi neft zichligi, $\text{kg/m}^3$ ; <b>p<sub>ip</sub></b>									
Qatlam bosimi, MPa; <b>R<sub>pl</sub></b>									

## 8 - amaliy mashg'ulot

### Mavzu: Kompressor usulida quduqlarni uzlashtirish

Ma'lum kompressor usuli quduqlarni o'zlashtirish ham suyuqlikni almashtirish usulidan farq qilmaydi, faqat haydash suyuqligi urnida gaz, haydovchi agregat nasos urinida esa kompressor ishlataladi.

Asosiy hisoblanadigan kattaliklardan biri maksimal NKQ (teshigli ishga tushirish muftasi yoki ishga tushirish klapanlari) lari tushirilish chuqurligi  $N_{pr}$ , asosan kompressor hosil qilayotgan bosimga R bog'liq holda amalga oshiriladi.

**To'g'ridan-to'g'ri haydash** (gaz NKQ lari orqali haydaladi).

Quvurdan suyuqlikning statik sathini siqib chiqarish chuqurlik chegarasi

$$H_{np} = \frac{(p_k - p_y)10^6}{g(\rho_k - \rho_{ref}B_r) + A_{KDK} + A_{nr}}, \quad (1)$$

Bu erda  $R_k$  – kompressor orqali hosil qilinadigan bosim, MPa;  $R_u$  – quduq usti bosimi, MPa;  $\rho_j$  – quduqdagi suyuqlikning zichligi (tuxtatish suyuqligi),  $\text{kg/m}^3$ ;  $\rho_{g st}$  – standart sharoitdagi gaz zichligi,  $\text{kg/m}^3$ ;  $V_g$  – gaz uchun to'g'rlash koeffitsienti, quyidagi formula bilan aniqlanadi

$$B_r = p_k T_{ct} / (p_0 T_z), \quad (2)$$

Bu erda  $T$  – ындувидаги gazning o'rtacha harorati, K;  $z$  – gazning o'tasiqiluvchanlik koeffitsienti;  $A_{KZj}$  – halqa oralig'ida suyuqlikning harakatlanishida ishqalanish hisobiga bosim yuqotilish gradienti, Pa/m

$$A_{KDK} = \lambda_k w_{KDK}^2 \rho_k / [2(D_{BH} - d_{nap})], \quad (3)$$

$\lambda_j$  – halqa oralig‘ida suyuqlikning harakatlanish vaqtida gidravlik qarshilik koeffitsienti,  $Re_j$  soni orqali topiladi;  $w_{kj}$  – halqa oralig‘ida suyuqlikning harkatlanish tezligi, m/s;  $A_{tg}$  – quvuqlarda gaz harakatlanish vaqtida ishqalanishda bosim yuqotilish gradienti, Pa/m

$$A_{tr} = \lambda_r w_{tr}^2 \rho_r / 2(d_{bh}), \quad (4)$$

$\lambda_g$  – gazning quvurda harakatlanishidagi gidravlik qarshilik koeffitsienti;  $\rho_g$  – quduqdagi gazning zichligi ( $R_k$  va  $T$  da), kg/m<sup>3</sup>;  $w_{tg}$  – gazning quvurlardagi harkatlanish tezligi, m/s

$$w_{tr} = 4q_{cr} / [60\pi d_{bh}^2 B_r], \quad (5)$$

$q_{st}$  - standart sharoitga keltirilgan kompressorning haydash qobilyati m<sup>3</sup>/min.

Halqa oralig‘ida suyuqlikning harakatlanish tezligi

$$w_{k3k} = w_{tr} \frac{d_{bh}^2}{(D_{bh}^2 - d_{map}^2)} = \frac{4q_{cr}}{60\pi B_r (D_{bh}^2 - d_{map}^2)}. \quad (6)$$

Quduqqa haydalayotgan gaz hajmi ( $R_k$  va  $T$  da)

$$V_r = \pi d_{bh}^2 H_{np} / 4. \quad (7)$$

Kompressorning (haydash vaqt) ishslash vaqt (min)

$$T = V_r B_r / q_{cr}. \quad (8)$$

**2.Teskari haydash** (gaz halqa oralidan haydaladi). Halqa oralig‘idagi chegaraviy chuqurlik

$$H_{np} = \frac{(p_k - p_y)10^6}{g(\rho_k - \rho_{rcr} B_r) + A_{kar} + A_{tk}}, \quad (9)$$

Bu erda  $A_{tj}$ ,  $A_{kzg}$  – mos ravishda suyuqlikning ishqalinishda va halqa oralig‘ida bosim yuqotilishi gradientlari, quyidagi formula bilan aniqlanadi:

$$A_{tk} = \lambda_k w_{tk}^2 \rho_k / 2(d_{bh}), \quad (10)$$

$$A_{k3r} = \lambda_r w_{k3r}^2 \rho_r / [2(D_{bh} - d_{map})], \quad (11)$$

$\lambda_j$ ,  $\lambda_g$  - mos ravishda suyuqlikning quvurda va gazning halqa oralig‘ida harkatlanishida gidravlik qarshilik koeffitsienti;  $w_{tj}$ ,  $w_{kzg}$ , - mso ravishda suyuqlikning quvurda va gazning halqa oralig‘ida harkatlanishidagi tezligi, m/s.

Gazning halqa oalig‘idagi harkatlanish tezligi quyidagicha aniqlanadi

$$w_{\text{кир}} = 4q_{\text{ct}} / \left[ 60\pi B_r (D_{\text{bh}}^2 - d_{\text{нап}}^2) \right], \quad (12)$$

Suyuqlikning quvurda harkatlanish tezligi quyidagicha aniqlanadi

$$w_{\text{тек}} = w_{\text{кир}} \frac{(D_{\text{bh}}^2 - d_{\text{нап}}^2)}{d_{\text{bh}}^2} = \frac{4q_{\text{ct}}}{60\pi B_r d_{\text{bh}}^2}. \quad (13)$$

Quduqqa haydalyotgan gaz hajmi ( $R_k$  va  $T$  da) quyidagicha aniqlanadi

$$V_r = \pi (D_{\text{bh}}^2 - d_{\text{нап}}^2) H_{\text{нр}} / 4. \quad (14)$$

Gazni haydash vaqtiga (8) formula bilan aniqlanadi.

Gazning ishqalanishda bosim yuqotilishi  $A_{tg}$  va  $A_{kzg}$  gradenti juda kichik bulganligi uchun amaliy hisob-kitoblarda  $A_{tg} = A_{kzg} = 0,2 \text{ Pa/m}$  deb olish mumkin.

### Misol.

Favvoralanishi suv bilan tuxtiligan quduqlarni uzlashtirish uchun ishgatushirish teshiglari mavjud bulgan mufta qurilmasini tushirish chuqurligini hisoblash kerak, quyidagi sharotilarda: Himoya tizmasining ichki diametri  $D_{vn}=0,1503 \text{ m}$ ; NKQ larining tashqi diametri  $d_n=0,06 \text{ m}$ ; NKQ larining ichki diametri  $d_{vn} = 0,0503 \text{ m}$ ; quduqning chuqurligi  $L_s=1700 \text{ m}$ ; qatlama bosimi  $R_{pl}=18,5 \text{ MPa}$ ; zichligi  $\rho_v = 1100 \text{ kg/m}^3$  va qovushqoqligi  $\mu_v=1,5 \cdot 10^{-3} \text{ Pa}\cdot\text{s}$  ga teng bo‘lgan suv bilan quduq ustigacha tuldirligan. Kuchma kompressor UKP-80 (ishchi bosimi  $R_{pl}=8 \text{ MPa}$ , uzatish qobiliyati  $q_{st}=8 \text{ m}^3/\text{min}$ ) qo‘rimasi bilan teskari haydash orqali quduq uzlashtiriladi. Quduqdan urtacha harorat  $T = 299 \text{ K}$ ; gazning yuqorisiqiluvchanlik koefitsienti  $z = 0,89$ ; gazning zichligi va qovushqoqligi mos ravishda  $\rho_v = 1,1 \text{ kg/m}^3$  va  $\mu_v=0,5 \cdot 10^{-3} \text{ Pa}\cdot\text{s}$ .

### Echimi.

Bizga ma’lumki quduqni uzlashtirish teskari haydash orqali amalga oshirilayotganligi sababli, (9) – (10) formulalar orqali hisob-kitob ishlari olib boriladi.

Avvalam bor  $V_g$  koefitsientini (2) formula orqali topamiz

$$V_g = 8 * 293 / (0,1 * 299 * 0,89) = 88,084.$$

$w_{tg}$  ni (13) formula orqali aniqlaymiz

$$w_{tg} = 4 * 8 / (60 * 3,14 * 88,084 * 0,0503^2) = 0,762 \text{ m/s.}$$

$w_{kzg}$  ni (14) formula orqali hisoblaymiz

$$w_{kzg} = 4 * 8 / (60 * 3,14 * 88,084 * (0,1503^2 - 0,06^2)) = 0,1015 \text{ m/s.}$$

Quvurlarda harakatlanayotgan suv uchun Reynold sonini quyidagi formula orqali aniqlaymiz:

$$Re_t = wd_{\text{bh}} \rho_{\text{ж}} / \mu_{\text{ж}},$$

$$Re_t = 0,762 * 0,0503 * 1100 / (1,5 * 10^{-3}) = 28108.$$

$Re_t > 2320$  da  $\lambda = 0,3164/\sqrt{Re_t}$  formula bilan  $\lambda_j$  ni hisoblaymiz

$$\lambda_j = 0,3164/28108^{1/4} = 0,0244.$$

Gazning zichligini topamiz ( $R_k$  va  $T$  da)

$$\rho_g = \rho_{gst} * V_g = 1,1 * 88,084 = 96,9 \text{ kg/m}^3.$$

Halqa oralig‘ida harkatlanayotgan gaz uchun Reynolds sonini aniqlaymiz

$$Re_{kz} = \frac{w_{kz} (D_{bh} - d_{gap}) \rho_r}{\mu} =$$

$$0,1015(0,1503 - 0,06) \cdot 96,6 / (0,5 \cdot 10^{-3}) = 0,888 / (0,5 \cdot 10^{-3}) = 1776.$$

Bunda  $Re_g > 2100$ , unda harakatlanish rejimi laminar va gidravlik qarshilik koeffitsienti quyidagiga teng

$$\lambda_g = 64 / Re_{kzg} = 64 / 1776 = 0,036.$$

Mos ravishda (10) va (11) formulalar orqali bosim yuqotilish gradientlarini hisoblaymiz:

$$A_{kzg} = 0,036(0,1015)^2 * 96,9 / (2(0,1503 - 0,06)) \approx 0,2 \text{ Pa/m},$$

$$A_{tj} = 0,0244(0,762)^2 * 1100 / (2 \cdot 0,0503) = 154,92 \text{ Pa/m}.$$

CHegaraviy chuqurlikni (9) formula bilan aniqlaymiz

$$H_{np} = \frac{(8 - 0,1) \cdot 10^6}{9,81(1100 - 96,9) + 154,92 + 0,2} = 790,3 \text{ m}.$$

SHunday qilib, suyuqlikni gaz bilan siqib chiqarishdagi chegaraviy chuqurligi 790,3 m ni tashkil qiladi. Ishga tushirish teshiglar mavjud bulgan muftani 76 m chuqurlikda urnatish lozim.

Quduqqa suyuqlikni siqib chiqarish uchun haydaladigan gaz hajmini (14) formula bilan aniqlaymiz:

$$V_g = 3,14(0,1503^2 - 0,06^2) 790,3 / 4 = 11,78 \text{ m}^3.$$

Kompressorning (haydash vaqt) ishlash vaqtini (min)

$$T = 11,78 \cdot 88,084 / 8 = 129,7 \text{ min}.$$

Buning natijasida, kompressor bilan quduqlarni o‘zlashtirishda, qaysiki suyuqlik sathi ishga tushirish teshigigacha siqilsa, gaz ulardan NKQ lariga kira boshlaydi, u erda joylashgan suyuqlikni gazlashtirib, quduq tubi bosimni qatam bosimidan pasaytiradi, natijada qatlamdan quduqqa suyuqlik oqib kelishi boshlanadi.

№	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Quduq tubi atrofining o‘tkazuvchanligi, $\text{mm}^2$ ; $k$										
Qatlamning qalinligi, $m$ ; $h$										
Qatlam shariotidagi neft zichligi, $\text{kg/m}^3$ ; $\rho_{ip}$										
Qatlam bosimi, MPa; $R_{pl}$										

## 9-amaliy mashg‘ulot

## Mavzu: Neft quduqlarini debtini aniqlash

Quduqqa suyuqlikni kelishining umumiy tenglamasi quyidagi ko‘rinishga ega

$$Q = k(p_{nn} - p_{sat})^n, \quad (1)$$

Bu erda  $Q$  – quduq debiti;  $k$  – o‘lchov proporsionalik koeffitsienti;  $n$  - suyuqlik harakatlanishi (filtratsiyasi) rejimining tavsifni pog‘onasini ko‘rsatuvchi.

Agar  $n=1$  bo‘lganda ifoda quyidagicha yoziladi:

$$Q = K_{np}(p_{nn} - p_{sat}), \quad (2)$$

Bu erda  $K_{np}$  – quduqning mahsuldorlik koeffitsienti,  $t/(s\cdot m^3 \cdot MPa)$  (standart sharoitda).

Tekis radial oqim shariotdagi (nesovershennoy) quduq debitini Dyupyu formulasi asosan quyidagicha buladi

$$Q = \frac{2\pi kh(p_{nn} - p_{sat})}{b_n \mu_{nn} \ln \frac{R_k}{r_{np}}} \quad (3)$$

Buerda  $k$  – qatlamning utkazuvchanligi (quduq tubi hududini),  $m$ ;  $h$  – qatlam qalinligi (ishlatilayotgan),  $m$ ;  $\mu_{np}$  – qatlam shariotdagi neft qovushqoqligi,  $MPa\cdot s$ ;  $r_{np}$  – keltirilgan quduq radiusi,  $m$ ;  $R_k$  – ta’minot (filtratsiya) konturi,  $m$ .

(2) va (3) tenglamalarini bir-biriga qo‘yish orqali qo‘yidagini hosil qilamiz

$$K_{np} = 0,54287 \frac{\frac{kh\rho_{nn}}{\mu_{nn} b_n \ln \frac{R_k}{r_{np}}}}{}, \quad (4)$$

